

389

Ўттиз учинчи йил чиқиши
Жумодус-соний 1440ҳ – феврал 2019м



Ал-Ваъй

Кенг кўламли,
фикрий, сақоғий журнал

Ал-Ваъй сўзи

Сурияning янги
конституцияси ортидаги
яширин жиҳатлар



Америка халқаро майдонда ўзининг ҳукмронлигини сақлаб қолиш
учун дунёни оёқости қилмоқда

Ёвуз Фарбнинг Умматни турли ирқ ва тоифаларга бўлиш лойиҳаси
муваффақиятсизликка учраши муқаррар

Уммат сиёсат туфайли баҳтсизликка учрагани ёлғондир



389

Ўттиз учинчи
йил чиқиши
Жумодус-соний 1440ҳ
Феврал 2019м

Ливан 1000 лира**Яман 30 риёл****Туркия 1 доллар****Покистон 1 доллар****Австралия 2,5 доллар****Америка 2,5 доллар****Канада 2,5 доллар****Германия 2,5 евро****Швеция 15 крон****Бельгия 1 евро****Швейцария 2 франк****Австрия 1 евро****Дания 15 крон**

Ушибу сонда

- Ал-Ваъӣ сўзи:** Сурияning янги конституцияси ортидаги яширин жихатлар 3
- Америка халқаро майдонда ўзининг хукмронлигини сақлаб қолиш учун дунёни оёқости қилмоқда..... 13
- Ёвуз Ғарбнинг Умматни турли ирқ ва тоифаларга бўлиш лойиҳаси муваффақиятсизликка учраши муқаррар 21
- «Эҳтимолдан узок (сафсата) давлат» номли китоб: Шарқшунослар таклифига танқидий назар..... 30
- Уммат сиёsat туфайли баҳтсизликка учрагани ёлғондир 36
- Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Рошид Халифаликнинг вақти келдими?! . 43
- Шаръян эътироф этилган ва эътироф этилмаган хукмдорлар ҳакида узил-кесил гап.....47
- **Оlam мусулмонлари хабарлари** 57
- **Қуръони Карим сұхбатида** 62
- **Жаннат боғлари:** «Агар ростгўй бўлса, нажот топибди» 73
- Уларнинг хидоятларига эргашинг: Уқба ибн Омир Жуҳаний 75
- **Сўнгги сўз:** Дональд Трамп «юлдузлар уруши»ни эълон қилди 79
- Бирлашган араб амирликлари сиёсий Исломдан бошқа ҳар қандай диний ишларга кенг йўл очиб беради 80

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

СУРИЯНИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ОРТИДАГИ ЯШИРИН ЖИҲАТЛАР

Абдулкарим Абу Мусъаб

Сурия масаласи бўйича Женева, Сочи ва Остона конференцияларида Сурия конституцияси Фарбнинг асосий машғулоти бўлиб қолди. Аслида Сурия конституцияси қандай тарихга эга? Киритилиши кўзда тутилган ўзгаришларнинг энг муҳимлари нимадан иборат? Конституциянигина эмас, балки бутун системани ўзгартириш учун улкан қурбонликлар берган шиддатли қўзғолондан кейин нима учун айни шу пайтда конституция мавзуси кўтарилимоқда?!

Биринчи жаҳон урушидан кейин амир Файсал ибн Ҳусайн 1918 йили Сурияга кирди. У Сурия Сайкс-Пико шартномасига мувофиқ Франциянинг улуши эканини билгач «умумхалқ Сурия конгресси» номи остида конференция ўтказишга ҳаракат қилди. Конгресс 1919 йилги Усмоний низомга мувофиқ, биринчи даражадаги сайловчилар (халқ) томонидан сайланган тўқсонга яқин делегатни ўз ичига олди ва Мухаммад Фавзи Пошо Азим унинг раҳбари этиб сайланди. У вафот этгач конгресс раислигини Хошим Атаси эгаллади. Конгресс 1920 йил 8 марта «Сурия араб қироллиги» номи остида Сурияниг мустақиллигини ҳамда қироллик тахтига амир Файсал ибн Ҳусайн ўтирганини эълон қилди. Файсал конституцияни ишлаб чиқиш учун йигирма аъзодан ташкил топган комиссия тузишни таклиф қилди ва 147та моддадан ташкил топган биринчи конституция қабул қилинди. Бу конституция 1920 йил 13 июлда расман босиб чиқарилди. Конституцияга кўра, мамлакат – идораси марказий бўлмаган, сиёсий ва иқтисодий эркинликлар ҳамда диний тоифалар хуқуқи кафолатланган фуқаровий конституцион қироллик, дея белгиланди. Иттифоқчилар бу янги вужудни тан олишмади. Франция Файсални Британиянинг иттифоқчиси деб ҳисоблагани учун 1920 йил 28 июлда қиролликни бекор қилиб, Файсални бадарга қилди. Бу воқеа Майсалун жангидан ҳамда француздар 1920 йил 25 июлда Дамашқни босиб

олганидан уч кун ўтиб юз берди. Шундай қилиб, Сурия «мандат» босқичига кирди.

Кейин буюк Сурия инқилоби юз берди, бунинг ортидан Иброҳим Ҳаннану бошчилигидаги таъсис кенгаш тузилди. Бу кенгаш 27 аъзодан ташкил топган конституцион комиссия тузди ва конституцияни тайёрлаш вазифасини Фавзи Анзийга юклади. У Франциянинг 1875 йилги конституциясига таяниб, 1930 йили конституцияни ишлаб чиқди ва бу конституцияга мувофиқ биринчи Сурия жумхурияти эълон қилинди. Иккинчи жаҳон урушига қадар юз берган кетма-кет воқеалар конституцияга амал қилишнинг тўхтатилишига олиб келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин юртнинг бевосита бошқарувини қайта тиклаш ҳамда французларни Сурия тупроғидан бутунлай чекинишга мажбур қилиш учун мустақиллик ҳаракатлари бошланди. Мустақиллик ҳаракатлари французларни Сурия тупроғидан бутунлай чекинишга мажбур қилган бўлса-да, Франция олий комиссари Байрутда турарди ва мутлақ салоҳият унинг қўлида эди.

Табиийки, Сурия мустақиллигини ифодалаган айrim моддаларга французлар томонидан эътиroz билдирилди. Франция ушбу моддаларни ўзгартиришни қаттиқ талаб қилди ва бу масала муҳокамаси узоққа чўзилди. Генерал Жорж Катру билан Сурия ҳукумати ўртасида бўлган сўзлашувлардан кейин 1943 йили Франция ҳукумати салоҳиятларини Сурия ҳукуматига ўтказишга келишиб олинди. Кейин янги парламент сайловлари ўтказилди ва конституциядаги мандатли (ваколатли) ҳукумат салоҳиятларини ўз ичига олган 116 моддани бекор қилиш билан конституцияга амал қилиш қайта тикланди. 1946 йил 17 апрелда французларнинг чиқиб кетиши билан Сурия инқилоблар босқичига кирди.

Хусни Зaim етакчилигига 1949 йил 30 марта юз берган биринчи инқилобдан кейин конституция бекор қилинди ва жумхурият президентини танлаш ҳамда янги конституцияни қабул қилиш вазифасини унга юклаш учун халқ референдуми ўтказилди. Кейин конституцияни ишлаб чиқиш учун етти аъзодан ташкил топган комиссия тузилди. Конституцияга мувофиқ парламент системаси қабул қилиниб (президентни тамсил этган) ижроий ҳокимиятга кенгаш ваколатидан кўра кўпроқ салоҳият бериладиган бўлди. 1949 йил 14 декабрда Сомий Ҳановий етакчилигидаги инқилоб юз берди. Бунинг натижасида Ҳошим Атаси давлат президенти этиб тайинланди ва янги конституция қабул қилингунига қадар 1930 йили қабул қилинган конституцияга амал қилинадиган бўлди. 1949 йил 19 декабрда, яъни Ҳошим

Атаси ҳокимиятни эгаллаганидан беш кун ўтиб, Адиб Шишкалий (биринчи)нинг инқилоби юз берди. Қабул қилиниши муҳокама килинаётган конституция 1950 йил 5 сентябрда қабул қилинди. Конституциядаги мунозарали моддалардан 11таси олиб ташланди ва 166та модда қолдирилди. Ушбу конституция иқтисод соҳасидаги либераллиги билан алоҳида ажралиб турар эди. 1951 йили юз берган инқилобдан кейин Адиб (иккинчи) президентлик системасига асосланган конституция қабул қилинишига рози бўлди. Бу конституция Кўшма Штатларда амалда қўлланаётган конституцияга ўхшарди. 1954 йил 25 февралда Шишкалий қулатилиб давлат президентлигини Ҳошим Атаси эгаллади ва у 1950 йили қабул қилинган конституцияга амал қилишни қайта тиклади.

Кейин 1958 йили Сурия билан Мисрнинг бирлигини ифодалаган конституция қабул қилинди ва 73та моддадан ташкил топган бу конституцияда энг катта салоҳият жумҳурият президентига берилди. Бунинг ортидан 1961 йил Абдулкарим Наҳловий етакчилигидаги ҳарбий инқилобдан кейин Суриянинг Мисрдан ажралганини ифодалаган конституция қабул қилинди. Сўнг таъсис кенгаши ва парламент сайловлари бўлиб ўтди. Доимий конституцияни қабул қилиш вазифаси таъсис кенгашига ва парламентга юкланди. Нозим Кудсий жумжурият президенти этиб сайланганидан кейин, у 1950 йили қабул қилинган конституцияга айrim ўзгаришларни киритиб, унга амал қилишни қайта тиклади. Киритилган энг муҳим ўзгаришлар жумҳурият президентига парламентни тарқатиб юбориш ва ижроий ҳокимиятга ташрий фармонлар чиқаришни тақиқлаш ҳуқуқини бериш бўлди. 1964 йили Баас партияси зобитлари етакчилигидаги инқилоб юз берди ва муваққат конституция қабул қилинди. 1966 йил 23 февралда миллий қўмондонлик томонидан тайинланган ҳукumatни ағдарган инқилоб юз берди. Ўша пайтда Ҳофиз Асад мудофаа вазири даражасигача кўтарилди ва 1970 йили жумҳурият президенти бўлди. Сурия араб жумҳурияти конституцияси 1973 йили қабул қилинди. Ушбу конституцияга 1980 ва 2000 йилларда ўзgartiriш киритилди. Бундан мақсад, Башар Асаднинг ҳокимиятни эгаллашига имконият яратиш эди. Охирги ўзgartiriш 2012 йили киритилди.

Кўриш мумкинки, конституцияни ўзgartiriшнинг барча босқичларида конституция дам Европа, дам Америка кўрсатмаларига оғди. Гоҳида парламент ваколатлари фаоллаштирилган бўлса, гоҳида барча салоҳият жумҳурият

президентига берилди. Конституцияни қабул қилиш вазифаси юкланган комиссияга кўрсатилган номзодлардан бирортаси ўзгармади. Усмоний конституция ёки шариатни татбиқ қилиш, шунингдек бунга ўхшаган масалалар ҳатто муҳокамага ҳам қўйилмади. Бу шуни кўрсатмоқдаки, конституцияни ўзгартиришнинг барча босқичларида бутун эътибор уни қабул қилиш вазифаси юкланажак комиссияни танлашга қаратилди.

Кўзголон босқичи кириб келган пайтда гарчи Сурияда халқаро кураш юз бермаган бўлса-да, бироқ конституция Американинг истагига мос бўлиб, режим ҳам сиёсий жиҳатдан унга қарам эди. Бунинг исботи учун далилга эҳтиёж йўқ. Энди эса, Кўшма Штатлар янги конституцияни тайёрлаш вазифасини Россияга юклади. Ўзгартирилиши ёки янгисига алмаштирилиши кутилаётган конституция Ғарб давлатлари манфаатларига, энг аввало Америка манфаатига хизмат қилиши учун конституциянинг қайси пунктлари ўзгартирилмоқда?

Аввало, конституцияни тайёрлаш вазифазисини зиммасига олган комиссия тузилди. Ушбу комиссия аъзоларининг 50 % режим вакилларидан, 30 % мухолафатдан ва 20 % халқаро эксперталардан ташкил топди. Якуний таклифга кўра, режимдан 50 нафар ва ички мухолафатдан 50 нафар вакил, ташки мухолафатдан 50 нафар вакил ва халқаро эксперталар комиссия таркибиغا киритилди. Бундан кўриниб турибдики, нима бўлганида ҳам конституция Американинг кўрсатмаларига мувофиқ тайёрланади ва уни қабул қилиш халққа мажбуран юкланди. Халқ шунча йил оғир мashaққатларни бошдан кечирган бўлишига қарамай, бу масалада халқ билан кенгашилмайди ва конституция Ғарбнинг истагидан четга чиқмайди. Бунинг бир қанча сабаблари, жумладан, гоянинг аниқ бўлмаслиги, мабдада собит турмаслик, сиёсий мақсадда берилган пулларга алданиш, хиёнатларнинг кўпилиги ва булардан бошқа бир қанча сабаблари бор.

Албатта, улар конституция қабул қилинишидан ёки ўзгартирилишидан олдин бошқарув шакли белгиланиши кераклигини билишади. Бироқ, улар бошқарув низоми шаклини ҳамда сиёсий ва маъмурий ислоҳот механизмини белгилайдиган янги конституцияни мажбуран қабул қилдиришмоқда. Уларнинг дъаво қилишича, сайловларнинг эркин ва адолатли ўтишини бетараф гурух назорат қиласи.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Россия, Туркия ва Эрон 2018 йил 18 декабр сесанба куни конституцион комиссиянинг биринчи йиғилишини ўтказишни уюштириш учун

харакатларни икки баробарга оширишларини маълум қилишди. Уларга кўра, комиссия йигилиши келгуси йил бошида Женевада бўлиб ўтади.

Россия ташки ишлар вазири Сергей Лавров Остона келишувининг кафили ҳисобланган давлатлар номидан берган баёнотида «иштирокчилар конституцион комиссиянинг биринчи йигинини келгуси йил бошида Женевада ўтказиш учун харакат қилишга келишиб олишди» деди. АҚШ давлат департаменти матбуот котиби Роберт Палладино Вашингтонда журналистлар учун берган интервьюсида «мувозанатни сақлаган ишончли конституцион комиссияни тузиш вазият кескинлашувини батамом тугатиш ва можаронинг сиёсий ечимини топиш сари ташланган муҳим қадам бўлади» деб билдири.

Айтишича, Суряя конституциясининг лойиҳаси Россияда тузилган. Тўғрироғи Американинг розилиги билан тузиб чиқилган. Яъни бу лойиҳа Россия-Америка лойиҳасидир. Айрим томонларнинг айтишича, конституция лойиҳасини ишлаб чиқишдан мақсад «томирни ушлаб кўришдир». Энди эса, яна бир лойиҳа ишлаб чиқиладики, унинг манбаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўлади. Тахминимизга кўра, БМТ лойиҳаси олдинги лойиҳанинг асл нусхаси бўлади. Янги конституция лойиҳасининг энг муҳим пунктлари қўйидагича:

«Суряя араб жумҳурияти», деган ном «Суряя жумҳурияти» деб ўзгартирилади.

Қонунчиликнинг манбаси Исломий фиқҳ бўлиши кўрсатилган пункт бекор қилинганидан кейин Ислом қонунчилик манбаси бўлмайди.

Президентнинг дини Ислом бўлиши белгиланган пункт бекор қилинганидан кейин президентнинг дини белгиланмайди.

Курд автономиясида араб ва курд тиллари тенг қўлланади. Ҳар бир минтақа қонунга мувофиқ расмий тил билан бир каторда ахолининг аксарияти қайси тилда сўзлашса ўша тилдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

«Ваколатлар номарказийлиги» тамойили қўлланади. Маҳаллий маъмуриятнинг ҳозирги шакли ўзгартирилиб «минтақалар ассоциацияси»га алмаштирилади ва унга марказий ваколатларни чеклайдиган кенг салоҳиятлар берилади.

— «Халқ кенгаши» номи «халқ ассоциацияси» деган номга алмаштирилади. Минтақалар ассоциацияси мамлакатда қонун чиқариш ваколатига эга бўлади ва у «маъмурий бирликлар вакиллари»дан тузилади. Минтақалар ассоциацияси ўз йигинини

«халқ кенгаши»дан алоҳида ўтказади ва у сайловлар ҳамда бош вазирни ёки президентни тинглаш учун йифин чақириши ҳам мумкин.

– Минтақалар ассоциацияси қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун халқ ассоциациясига ҳавола қилиши ҳам мумкин.

– Халқ кенгаши олий конституцион маҳкама аъзоларини тайинлаш (хозирги конституцияда бу президентнинг салоҳиятларига киради), «миллий банк» («марказий банк»нинг ўзгартирилган номи) раҳбарини тайинлаш ва уни мансабидан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлади.

– Жумҳурят президентлигига ўз номзодини қўйган шахснинг кирқ ёшга тўлган бўлиб Сурия фуқаролигига эга бўлиши шарт қилинади. Яъни, олдинги конституциядан қўшимча ибора олиб ташланди. Шунингдек, бу шахснинг «Сурияда туғилиб ўсиб, Сурия фуқаролигига эга бўлган ота-онадан туғилган бўлиши» ҳамда «Сурия ташқарисидан уйланмаган бўлиши» ҳам шарт қилинди.

– Президент етти йилга сайланади ва битта шахс фақат ваколати тугаган муддатдан кейинги бир муддатгагина ўз номзодини қўйиши жоиз бўлади. Президент халқ ва минтақалар ассоциацияси олдида конституцион қасамёдни адо этади.

– Президент давлат идоралари билан «давлат ва жамият» ўртасида воситачилик вазифасини бажаради... Бу лойиҳада президентга қонун чиқариш ваколатининг берилиши кўзда тутилмаган.

– Куролли кучлар президентга бўйсунади ва президент куролли кучларнинг олий қўмондони вазифасини эгаллайди... Агар бирор бир агрессия хавфи туғилгудек бўлса, президент ушбу агрессияга қарши курашиб учун чора қўллаш ҳуқуқига эга бўлади ва у қўлланажак чоралардан халқ ва минтақалар ассоциациясини хабардор килади.

– Президент умумий сафарбарлик эълон қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади ва бу эълонни тасдиқлашни минтақалар ассоциациясига ҳавола қиласди... Шунингдек, у «минтақалар ассоциациясининг олдиндан розилигини олиб», фавқулодда ҳолатни эълон қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

– Президентнинг ўрни бўшаб қолган ёки президент ўз вазифасини адо эта олмай қолган тақдирда, шунингдек бу вазифани адо этишга бош вазирнинг ожизлик қилиши ҳам исботланса, минтақалар ассоциацияси президентлик вазифасини эгаллайди.

– Бош вазирни ва вазирларни тайинлашда «Суриядаги барча тоифалар ва миллий озчиликларнинг нисбий тамсилига» риоя килинади ҳамда баъзи мансаблар тоифалар ва миллий озчиликлар учун ажратилади.

– Ҳукумат амалдаги конституциядан ташқари қўшимча салоҳиятлардан фойдаланиб, ажнабий ширкатларга имтиёзлар берадиган шартнома ва келишувларни тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек ҳукумат, бюджетда кўрсатилмаган харажатларни талаб қиласидиган келишувларни ҳам тузади.

– Минтақалар ассоциацияси аъзоларининг учдан бири «халқ ассоциацияси» каби ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, ҳар икки ассоциация ўзларининг қўшма йигинида иштирокчиларнинг кўпчилик овози билан ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий конституцион суд:

– Олий конституцион суд аъзолари 7 киши ўрнига 11 нафар аъзодан ташкил топади. Уларни «минтақалар ассоциацияси» тайинлади. Олдин конституцион суд аъзолари республика президенти фармони билан тайинланган.

– Олдин чиқарилган қонунлар янги конституциянинг қоидаларига мувоғиқ ўзгартирилгунинг қадар ўз кучида қолади. Шу шарт биланки, бу қонунлар конституция қабул қилинишидан бошлаб бир йил ичida ўзгартирилиши керак.

Қуролли кучларнинг роли

– Қуролли кучлар жамият назорати остида бўлади, сиёсий манфаатлар соҳасига аралашмайди ва ҳокимият алмашинуви амалиётида бирор ролни адо этмайди. Давлат назоратидан ташқари ҳарбий амалиётларни ташкиллаштириш қуролли кучларга тақиқланади.

Амалдаги конституцияда армия ва қуролли кучларнинг роли «ватанинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш ва тинчликни сақлашдир»...

– Конституцион қасам ўзгартирилди, қасам матнидан улуғлашни, «араб миллатчилиги» ва «социализм»ни ифодалаган сўзлар олиб ташланди. Қасамнинг матни қуйидагича: «Мен юрт конституцияси ва қонунларига риоя қилишга, инсон ҳуқуқларини ҳурматлаб, фуқаролар эркинлигини ҳимоя қилишга, ватан яхлитлиги, мустақиллиги ва тинчлигини мудофа қилишга ҳамда ҳар доим халқ манфаатлари учун иш юритишга қасамёд қиласман».

– Конституция лойиҳасида эркин иқтисодга мойиллик яққол кўзга ташланади. Конституция моддаларининг бирида

таъкидланишича, Сурия иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлайди ва хусусий мулкчиликни тан олади... Давлат бозор муносабатлари шартлари асосида иқтисодни ривожлантириш учун шароит яратади ва бизнес эркинлигини, шунингдек, товар ва капиталнинг эркин ҳаракатланишини кафолатлайди... табиий ресурсларга халқ эгалик қиласди.

Конституцияга киритилган энг муҳим ўзгаришлар Сурия келажаги Ғарб (Америка)нинг истагига мувофиқ бўлиши кераклигини очик кўрсатмоқда. Маълумки, бу ўзгаришларнинг барчаси икки асосий тамойилга, яъни ҳокимиятдан куч олган тоифачилик тузилмасини ҳамда юртни конституцион йўл билан мумкин қадар тез ва қулайлик билан парчалаш қобилиятини пайдо қилишга асосланган.

Конституция шундай бир ишларга имкон беради, бу ишлар юкорида айтиб ўтилган икки тамойилни амалга оширишга ёрдам беради. Чунки давлат исломийлигидан ва арабларга хос хусусиятлардан узоқлаштирилади ҳамда президент катта салоҳиятларга эга бўлмайди. Бу эса, ҳокимиятни ўзгаришиш жараёнини енгиллаштиради ва ташқаридаги Ғарб таълим мини олган суряликларнинг ҳокимиятни қўлга олишларига қулайлик яратади. Шунингдек, «кенгаш» атамасининг «ассоциация» атамасига ўзгарилиши ҳам парчаланишга йўл очади. Чунки, кенгаш давлатнинг бутун минтақалардан келган шахслар тимсолидаги вакиллариdir. Ассоциация эса, минтақалар уюшмасидир. Яъни, agar бўлинниш юз бергудек бўлса, бу минтақалар ассоциациядан бўлинниб чиқиб, уларнинг ҳар бири алоҳида бўлиб қолади. Бу эса, жуда хатарлиdir.

Аввал қўзғолон йўналиши ўзгаририлди ва кураш ҳам режимни ўзгаришиш курашидан режим билан ҳокимиятни бўлишиш курашига кўчирилди. Мана шундан кейин Ғарб ўз истагига мувофиқ иш тутадиган давлатни тузиш учун қўзғолончиларнинг сиёсий нодонлигидан ва режимнинг хиёнатидан фойдаланди. Бу билан Ғарб истаган пайтида юртни парчалашга, унинг ресурслари, армияси ва имкониятларига эга бўлишга ҳамда юртда тоифачиликни алангалишишга қодир бўлади. Чунки, қабул қилинган конституция бундай ишларнинг амалга оширилишига имкон беради.

Шунинг учун биз халқимиз фарзандларини Ғарбнинг таклифларини қабул қиласликка ва ҳеч қандай сиёсий фикрга эга бўлмаган хоинларга юрт бошқарувини топшириб қўймасликка чақирамиз. Зоро, бу хоинлар Ғарбнинг қўлидаги қўғирчоқлардир.

Фарб бу хоинлар ёрдамида бир бутун Уммат сифатида шаклланишимизга қарши курашади ва ерларимиз бутунлигини парчалашга харакат килади. Шунингдек, юз йиллар давомида ўзгартира олмаган бизнинг эътиқодимизни улар ёрдамида астасекин ўзгартиришга уринади.

Эй мусулмонлар, бугун Сурияда юз бераётган иш келгусида барча юртларимизда юз бериши мумкин бўлган ишdir. Бизнинг минтақамизни ташқи ёрдамсиз ўзича қарор қабул қила олмайдиган майда бўлакчаларга бўлиб юбориш шундай бир режаки, Фарб кучлари бу режа ёрдамида минтақаларимизни бутун ресурслари билан эртага ҳам, ундан кейин ҳам ўз назоратлари остида колиришга харакат қилишмоқда... Бу эса, бизга уларнинг режаларига таслим бўлмаслик ва алтернатив режани ишлаб чиқиш вазифасини юклайди. Мафкурамиз, динимиз ва ақидамиз асосида бирлашиш ҳамда бирлашиш фикрини кўтариб чиқувчиларни, яъни Халифалик давлатини қайта барпо қилишга харакат килувчиларни қўллаб-қувватлаш бизга возибдир. Чунки, Фарб бизнинг давлатимизни 1924 йили йўқ қилганидан бошлаб, биз ҳар бир замон ва маконга ярокли бўлган раббоний конституцияга эга эканлигимизни ҳам унутиб қўйдик.

Биз бугун Росулуллоҳ ﷺ айтиб ўтган золим-зўравон подшоҳлик даврида яшамоқдамиз. Демак, бундан кейин Росулуллоҳ ﷺ башорат қилган Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик даври келади.

Имом Аҳмад Нўймон ибн Башир رحمه اللہ дан шундай ривоят қилади:

تَكُونُ النُّبُوَةُ فِيْكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، لَمْ يَرْفَعْهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. لَمْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَةِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، لَمْ يَرْفَعْهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. لَمْ تَكُونُ مُلْكًا عَاصِيًّا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، لَمْ يَرْفَعْهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. لَمْ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيلَةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، لَمْ يَرْفَعْهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. لَمْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَةِ. لَمْ سَكَتَ.

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон

подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни қўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар».

Эй Уммат фарзандлари, Ҳизб ут-Тахрирни қўллаб-кувватланг ва у билан бирга бўлинг. Чунки, Ҳизб ут-Тахрир 1953 йилдан бошлаб Халифалик давлатини барпо қилишга ҳаракат қилиб келаётган ягона ҳизбdir ва у Аллоҳнинг китобидан ҳамда Ресулуллоҳ ﷺнинг Суннатидан истинбот қилинган конституцияга эгадир. Келинг, Парвардигорни рози қилиш учун азизлигимизни қайта тиклайлик. Покиза қонлар яна тўкилмаслиги учун динимизни, бирлигимизни ва келгуси авлодларимизни ҳимоя қиласлий. Бутун дунёни очкўз капитализмдан қутқарадиган ҳамда бандаларни бандаларга ибодат қилишдан Парвардигорга ибодат қилишга ва ҳокимлар зулмидан Ислом адолатига олиб чиқадиган кишилар биз бўлайлик. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَأَخْرُّمُ الْجَهَلَةَ يَعْوَنُ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِّقَوْمٍ يُوقَنُونَ﴾

«Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Имонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!»

[Моида 50] □

АМЕРИКА ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎЗИНИНГ ҲУКМРОНЛИГИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН ДУНЁНИ ОЁҚОСТИ ҚИЛМОҚДА

Хамд Тобиб – Байтул Мақдис

Америка Совет Иттифоқи қулаганидан сўнг хеч қандай рақибсиз дунё ҳукмронлиги таҳтини эгаллади. У ўзининг сиёсати ва империалистик манфаатларига хизмат қилдириш учун зўровонлик билан бутун дунёга ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Бундан ташқари, турли алдов, мунтазам ва ғайримунтазам босқинчилик, ролларни бўлиб бериш, бойкот қилиш, савдо уруши ва иқтисодий назорат орқали бутун дунё иқтисодига ҳукмронлик қила бошлади... Америка яна бир қанча ифлос услубларни ишга солдики, бу услублар унинг гегемонлиги, босқинчилиги ва якка ҳокимлигини намоён қиласди. Айрим давлатлар ҳам талончилик, босқинчилик ва ҳукмронлик борасида унинг сиёсий ва иқтисодий ишларида иштирок этган бўлса-да, уларнинг иштирок этиши Америка қўлга киритган улкан фойдадан улушга эга бўлиш учун бўлди...

Айтиш мумкинки, Америка муқаррар ёвузликка айланди. У бутун дунёни ўз оловида кўйиди, турли жойларда келтириб чиқарган урушлари билан оламни вайрон қилди. Дунёда юз бераётган барча мусибатлар, қашшоқлик, сарсон-саргардонлик, ўз диёрларидан чикиб кетиб, денгиз, саҳро ва даштларда минглаб кишиларнинг ўлим топиши каби ишларга биринчи жавобгар бўлиб колди... Бу ёвуз баҳайбат иблис дунёга ҳукмронлик қилиш ва шантаж билангина кифояланиб қолмади. Балки у оёқости қилиш сиёсатини олиб борди ва халқаро фирибгарликка етакчилик қилди. Ўзининг ҳукмронлиги ва якка ҳокимлигини сақлаб қолиш ҳамда таҳтини олдириб қўймаслик учун энг разил ишларни амалга ошириди...

Америка ҳукмронлик таҳтини қўлдан бой бермаслик ҳамда дунёнинг каттаю кичик давлатлари устида ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун қандай сиёсий ва иқтисодий ишларни амалга оширмоқда? Америка амалга ошираётган ва воқеда унинг ёвузликларини намоён этаётган ишлар жуда кўп ва турли тумандир. Бу ишлар тўхтовсиз янгиланиб туради... Куйида улардан айримларини келтириб ўтамиз:

1 – Америка Исломнинг ҳаёт майдонида татбиқ этилишини олдини олиш учун сиёсий Исломга қарши очик ва яширин тарзда курашмоқда. Айниқса, Америкага малайлик қилаётган сиёсатчиларнинг қиёфаси фош бўлиб, айблари очилиб қолганидан

кейин, шунингдек, капиталистик иқтисодий фикрлар ва капитализмнинг асосий фикрларига киритилган ўзгаришилар муваффақиятсизликка учраганидан кейин у сиёсий Исломга қарши курашни кучайтириди...

2 – Америка ўз ҳукмронлиги ва сиёсий аралашувини сақлаб қолиш, ўзини халқаро тинчлик элчиси қилиб кўрсатиш, халқаро ва минтақавий келишувларнинг назоратчиси қилиб кўрсатиш мақсадида халқаро ва минтақавий фитналарни уюштироқда ҳамда турли жойларда уруш оловини ёқмоқда. Натижада, бу фитналардан баъзида йирик давлатлар ҳам соғ қолмаяпти. Масалан, у Жанубий Хитой денгизи минтақасида ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун икки Корея ўртасига нафрат уругини сочмоқда. Шунингдек Эрон ва Кўрфаз давлатлари ўртасида фитна қўзғатмоқда, Шом ўлкасида халқаро ва минтақавий фитналар уюштироқда...

3 – Иқтисодий ҳукмронликни сақлаб қолиш учун давлатларга иқтисодий муаммолар туғдиряпти. Американинг бошқа давлатларга қарши қўллайдиган қуролларидан бири савдо урушидир. Америка бозорига кираётган айрим товарлар ва хизматлар учун белгиланган бож тўловларини ошириш, хорижий капитални жалб қилиш учун Америка банкларидағи фоиз ставкаларини кўтариш ҳамда нефть нархининг кўтарилиб, пасайишига таъсир қилиш шулар жумласидандир...

4 – Бошқа халқларнинг бойлик ва товарларини талон-тарож қилиш ҳамда уларнинг юртлари устидан иқтисодий ва тижорий назоратни ўз қўлига олиш. Америка бу ишларни сиёсий малайлар, ёки халқаро гигант ширкатлар, ёки миллиардлаган долларга тузиладиган қурол-аслаҳа битимлари орқали амалга оширади. Малай давлатлар фойдасиз битимлар эвазига ушбу долларларни тўлашади...

5 – Давлатлар ўртасидаги иттифоқларга зарба бериш, бунда йирик давлат бўладими ёки кичик давлатми фарқи йўқ. Шунингдек, исломий оламдаги давлатларни парчалаш. Масалан бугун турли иқтисодий ва сиёсий ишлар билан Европа Иттифоқини парчалашга ҳаракат қилаётгани бунга яққол мисолдир...

6 – Йирик давлатлар бўлмиш Россия ва Хитойни турли минтақаларда, ҳатто ўз ерида бўйсундириш ва ўзига қаратишга ҳаракат қилиш. Америка бу ишларни баъзида қизиқтириш орқали, баъзида кўрқитиши орқали амалга оширади. Бу нарса Россиянинг Украина билан бўлган урушида ёки Шом юритидаги урушга

араласишида яққол кўринди... Шунингдек, бу нарса Америка қийин ахволга тушиб қолганда ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан авраб алдашида яққол кўринди. Масалан, Хитойга нисбатан бўлган сиёсатида Корея инқирозини қўзғагани каби. Америка бу ишларини муштарак тижорий манфаатлар ва имтиёзларга эга бўлиш сиёсатини қўллаш орқали амалга оширади... Масалан, Американинг эга бўлган имтиёзлари Европа Иттифоқи давлатларидан алоҳида ажралиб туради...

7 – Доллар ҳукмронлиги орқали дунёни иқтисодий шантаж килиш. Маълумки, доллар тахминан бутун оламдаги барча валюталарнинг пул қопламасидир. Шунингдек, оламдаги аксар давлатлар, ҳатто Европа Иттифоқидаги баъзи давлатларнинг пул резервидир. Америка доллар орқали иқтисодий шантаж ва назорат билан шуғулланади. Бунда ўз бюджетидаги улкан камомад ҳамда ички ва ташқи қарзларини камайтириш бўладими ёки инфляцияни тўхтатиш бўладими ёки Америка бугун йўлиқаётган бошқа иқтисодий муаммолар бўладими фарқи йўк...

8 – Халқаро тижорат ва бозорлар устидан, хусусан энг зарур товарлар устидан назорат ўрнатиш. Америка улкан фойда келтирадиган зарур товарларни аксар давлатларда монополия қилиб олган. Хусусан турли хилдаги қурол-аслаҳа савдоси ва алоқага оид электрон асбоблар савдосини монополия қилиб олган. Ушбу тижорат Америкага миллиардлаган доллар фойда келтиради, ички гигант ширкатларни бойитади ва Американи бутун жаҳон устидан ҳукмронлигини ёйишига ёрдам беради...

9 – Америка нефть, олтин ва фоиз ставкалари устидан назорат қиласи... Нефть зарур товарлардан бўлиб, индустрىал давлатлар унга муҳтождир. Америка нефть қазиб олувчи давлатлар, хусусан учинчи дунё давлатлари устидан сиёсий жиҳатдан ҳукмронлик қиласи. Шунингдек бошқа давлатларга иқтисодий жазо чоралари қўллади. Бугун Эронга нефть экспорт қилишни тақиқлаши бунга яққол далилдир...

10 – Ҳарбий устунликни сақлаб туриш ҳамда катта ҳажмда товар ишлаб чиқариш ва хизматлар таклиф қилиш. Маълумки, Америка қурол соҳаси, океанлараро гигант ҳарбий флот, қуруқлик ва сувдаги ҳарбий базалар, юлдузлар ва космос жангি борасида барча давлатлардан устунлик қиласи. Шунингдек, дунё давлатларига турли ишлаб чиқариш ва саноат товарларини экспорт қиласи...

Булар Американинг дунёга ҳукмронлик қилиб, халқаро сиёсатни назорат қилиш учун ёрдам берадиган ишлар ва соҳалардир. Америка бу ишларни ҳатто Европа Иттифоқи, Хитой,

Россия ва Япония каби йирик давлатларнинг ичидаги хам олиб боради. Бугун ушбу баҳайбат иқтисодий иблинсга фаол таъсир кўрсатадиган рақиб йўқ.

Европа Иттифоқига келсак, кўриб турганимиздек у халқаро муносабатларда муайян позициясига эга эмас. Яъни бу иттифоқ халқаро масалаларда бир бутун иттифоқ сифатида яхлит фикр ва қарашга эга эмас. Шунингдек, дунё аренасида юз бераётган ва Америка у орқали хавф туғдираётган масалаларга фаол таъсир қила олмайди. Масалан, Европа Иттифоқи давлатларидан Америкага кираётган айрим товарларга Америка томонидан бож таърифларининг оширилиши, ёки Америка Европа Иттифоқи ҳоҳишига тескари ўлароқ айрим давлатларга қамал ва жазо чораларини эълон қилиши, шу йил Эронга қарши қилинган жазо чоралари ёки Туркияга қарши қилинган жазо чоралари бунга далиллар. Бу ишлар Европа Иттифоқига миллиардлаган долларлар миқдорида зарар олиб келди. Шунинг учун Европа Иттифоқи ёлғиз ўзи ҳам сиёсий масалалар ва ҳам иқтисодий масалаларда Америкага қарши турла олмайди.

Россия эса, айтиб ўтганимиздек Совет Иттифоқи қулаганидан кейин иқтисодий жиҳатдан заиф аҳволга тушиб қолди. Россия атом куролларини кўриқлаш, ўзининг атрофидаги собиқ Совет иттифоқи давлатларини қўллаб-қувватлаш ва ҳатто ички иқтисодий ишларини тиклашга ҳам кучи етмайди. Нефть нархлари пастлаган кунлари унинг бюджетида улкан камомад пайдо бўлди. Чунки, Россия ўз иқтисодида курол экспортига ўхшаган муҳим соҳаларга таянмайди. Ёки Америка доллар орқали амалга ошираётгани каби олам иқтисодини назорат қила олмайди. Шунингдек, Хитой каби бозорларда рақобат қиласиган саноатга ҳам эга эмас.

Аммо Хитой гигант иқтисодга эга бўлиши ҳамда тижорат ва ишлаб чиқариш борасида рақобат қила олишига қарамай, у ўзининг ичи ва атрофига чекланган давлат. Хитой ўз ери ва атрофидан ташқарига чиқишга ҳоҳиш истаги йўқ. Ўз муҳитидан ташқаридаги халқаро масалалар ва минтақавий жанжалларга фаол аралашмайди. Айни пайтда Хитой Америка билан муҳим иқтисодий манбаатларга эга бўлган давлатдир. Бу нарса Хитой ичидаги Американинг трансконтинентал ширкатлари ва ташкилотлари борасида бўладими, ёки Америка ичидаги Хитой товарларининг экспорти борасида бўладими фарқи йўқ.

Хитой Америка каби оламий валюта қуролига эга эмас. Лекин Хитойда уч триллион миқдорда доллар захираси мавжуд.

Уларнинг катта қисми Америка федерал банки томонидан чиқарилган қиматбаҳо қофозлардир. Шунинг учун Хитойнинг ўзи Америка ўртасида бирор муаммо пайдо қилишга кучи етмайди. Бу нарса Корея масаласида яққол кўринди. Чунки унда Хитой Кореяни Америка билан битим тузиш ва бир қанча ишлардан чекиниши учун ўртага воситачи сифатида аралашганига гувоҳ бўлдик.

Булар халқаро сиёсатда фаол ва халқаро позицияга таъсири қила оладиган давлатлардир. Аммо улар Америка таъсири қархисида заиф ва таъсирсиздир. Балки Америка аксар масалаларда уларни ўз манфаати йўлида ишлатади. Бу нарса Шом, Корея, Ўрта Шарқнинг Фаластин масаласида, Туркия ва Эрон масаласида ва бундан бошқа халқаро, минтақавий масалаларда яққол кўринди.

Шунинг учун айтиш мумкинки, Америка ҳукмронлиги ва яккаҳокимлиги давом этар экан ҳамда бу ҳукмронлик Американинг иқтисодий, ҳарбий ва бошқа сиёсатлари билан мустаҳкамланар экан, яқин келажакда бу ҳукмронлик ва яккаҳокимликни синдирадиган куч пайдо бўлиши кутилмайди... Лекин ишлар ва ходисаларнинг йўналиши шу ҳолда давом этавермайди. Чунки ишлар ўлчови Аллоҳ Таолонинг қўлида. Аллоҳ ҳоҳлаган кишини азиз ва ҳоҳлаганини хор қиласида, айрим кишиларни юкори кўтарса, айримларини пасайтиради.

﴿قُلْ أَللّٰهُمَّ مَلِكَ الْمُلْكِ تُؤْتِي الْمُلْكَ مِمَّنْ تَشَاءُ وَتَنْزَعُ الْمُلْكَ مِمَّنْ تَشَاءُ وَتُذْلِلُ مَنْ تَشَاءُ بِيَدِكَ الْخَيْرُ إِنَّكَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

«Айтинг: «Эй мулку давлат эгаси бўлган Аллоҳим, сен истаган кишинга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлгиз Сенинг қўлингдадир. Албатта Сен барча нарсага қодирсан» [Оли Имрон 26]

Фиръавн ҳам одамларга

﴿أَنَا رَبُّكُمْ لَا أَعْلَمُ﴾

«Мен сизларнинг энг устун Парвардигорингиздирман» [Назиат 24] ҳамда

﴿مَا عَلِمْتُ لَكُمْ مِّنْ إِلَهٍ غَيْرِي﴾

«Мен сизлар учун ўзимдан бошқа бирон илоҳ борлигини билган эмасман» [Қасос 38]

деган эди. Лекин денгиз Фиръавн ва унинг қўшинини қисқа вақт ичидаги ютиб юборди. Унинг мулки ва тахтини кечагина унинг ўзига қул бўлган ва унинг ўзи ўғил болаларини сўйиб, аёллари номусини топтаётган кишиларга мерос қилиб қолдирди.

Ҳақиқат шуки, Америка жуда ҳам мўрт ва заиф асосга қурилган. Агар ички ёки ташқи силкинишлар рўй берса, бу силкинишлар уни олам ҳукмронлик тахтидан тушириб юборади. Ёки Совет Иттифоқида рўй берганидек майда давлатларга бўлинниб кетади. Яқин келажакда рўй бериши мумкин бўлган ва Американи буюклик тахтидан тушиши ёки парчаланишига олиб келиши кутилаётган ишлар қуидагилардир:

Биринчидан: Америка ичкарисида кучли иқтисодий силкиниш пайдо бўлиши. Чунки Америка иқтисоди заиф ва мўрт асосга қурилган ҳамда кетма кет ва чуқур инқирозларни бошдан кечирмоқда. Шунинг учун ҳар қандай лаҳзада кенг ва қаттиқ қулаш рўй бериши мумкин. Бир қанча иқтисодий мутахассислар бундан огоҳлантиришган. Агар Америка ичидаги кучли иқтисодий силкиниш рўй берса, бу силкиниш Америка ичкариси ва оламга оғат олиб келади. Натижада Америка Совет иттифоқида рўй берганидек элликта штатга бўлинниб кетади.

Иккинчидан: Америка жамиятида парчаланиш мавжуд. Бу оқ танлилар билан қора танлилар ўртасида бўладими, ёки ўзларини қадимда келганлар деб ҳисоблайдиганлар билан келгиндилар ўртасида бўладими ёки бойлар билан қамбағаллар ўртасида бўладими фарқи йўқ... Америка жамияти ичидаги бўлинниш ва парчаланиш уруғи мавжуд экан, иқтисодий силкиниш ёки икки етакчи партия ўртасидаги рақобат каби муайян ишлар бу нарсани қўзғатиб юбориши мумкин. Ёки бундан бошқа ишлар ҳам Америка жамияти ичидаги вақти қелиб портлайдиган бомбани портлатиб юбориши мумкин.

Учинчидан: Америка билан мабдаији рақобат қила оладиган ҳақиқий рақибнинг пайдо бўлиши. Бундай рақиб Ислом давлатидагина пайдо бўлади. Ушбу давлат исломий оламда ҳар қандай лаҳзада тикланиши ва 1,5 миллиарддан ортиқ мусулмонни ўз байроби остида бирлаштириши мумкин... Америка бугун айнан мана шундан қўрқмоқда ҳамда турли йўллар ва ўзига мақбул сиёсатлар орқали уни воеқда тикланишини олдини олиш учун ҳаракат қилмоқда. Лекин халқаро ва минтақавий ҳодисалар ривожи ушбу давлат

тикланишига яқин қолганини кўрсатмоқда. Минтақа ҳақида айтадиган бўлсак, одамлар хавфсизлик, ахлок, идора ва бошқа барча соҳаларда тубан даражага тушиб кетган ушбу ҳукуматлардан тўйди. Улар эртаю кеч ушбу тахтларни қулатишни талаб қилмоқда ҳамда Ислом дастури ва низоми асосидаги янги давлатни тиклашни талаб қилмоқда. Рўй берган қўзғолонлар ва уларда одамларнинг хайқириб чиқишлиари бунга ёрқин далилдир. Аммо халқаро майдон ҳақида айтадиган бўлсак, унда айрим халқаро мабдалар қулади ва одамлар уларни улоқтириди ва қолганларини ҳам инкор қилмоқда. Уларнинг аксарияти ўзининг асосий фикридан чекинди, капитализм низоми ўзи унинг устига қурилган асосларидан воз кечди. Хусусан иқтисодий ишларда ўз асосидан воз кечди, ваҳоланки иқтисод капитализмнинг энг машхур фикри бўлиб, унинг капитализм деб номланишига мана шу фикр сабаб бўлган эди.

Эркин бозор низомидаги ўзгаришлар ҳамда қулаётган ширкатларни халқ топаётган ризқ рўзи ва камбағалларнинг бир парча нонига солиқ солиш орқали қутқариш учун қабул қилинган низомлар бунинг яққол далилидир. Шунингдек дунёning энг кўзга кўринган капиталистик давлатларидағи 1000та шаҳарда одамлар иқтисод низомини улоқтириш ва Уолл-Стритдаги иқтисод марказини бузиб ташлашни талаб қилишлари бунинг ёрқин далилидир. Бундан ташқари капиталистик оламда ҳар йили ўн минглаб одамлар Исломга кириши, Америка федерал статистика маркази ҳисоботига кўра, ҳар йили йигирма мингдан ортиқ одамлар капитализм ва насронийликни ташлаб Исломни қабул қилганини эълон қилиши бунинг яққол далилидир.

Америка бугун бутун оламни оёқости қиляпти ҳамда малай ҳокимларини зулм, мажбурлаш ва зўравонликка қизиқтириш орқали ёлғон демократиясини ҳам айланиб ўтмоқда. Шунингдек, турли жойларда уруш пайдо қилмоқда ҳамда оламнинг барча жойларида фитна ва ёвузлик уруғини сочмоқда... Америка буларнинг барчасини бутун дунёда ўзининг ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун қилмоқда. Бу иш капиталистик низом хўжайини бўлган Америка учун ғайриоддий иш эмас. Чунки у манфаат устида қонли урушларни олиб борадиган, рақобатлашадиган ва ёвлашадиган низомдир. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари бунга яққол далилдир.

Чунки бу иккисида капиталистик низом соҳиблари фойда, манфаат ва ҳукмронликни деб урушга кирди. Миллионлаб кишилар ҳалок бўлди ва кўплаган кишилар вайрон бўлди. Шунингдек, Америка эллик йил олиб борган вайрон қилувчи иқтисодий сиёsat орқали Совет Иттилоғини вайрон қилди ва кичик давлатчаларга бўлиб юборди. Халқаро таъсир туфайли уни ҳеч қандай вазнга эга бўлмаган давлатга айлантириб қўйди.

Америка бутун дунёда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун курашади, фикрлайди, ҳар қандай тақиқланган ишларни қилади, эртаю кеч макр ҳийла билан шуғулланади. Америка мана шу йўлда оламни оёқости қилади, бойликларини талон-тарож қилади ҳамда олам ахолисини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан кул қилади. Лекин Аллоҳнинг иродаси Америка иродасидан юқоридир. Америка мабдаси фикрий жиҳатдан қулаганидек юқорида биз айтиб ўтган сабабларнинг бири туфайли ёки Аллоҳнинг бошқа бир тадбири туфайли қулайди.

﴿وَلِلَّهِ جُنُودُ الْسَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيًّا حِكِيمًا﴾

«Осмонлар ва ер қўшинлари (яъни коинотдаги барча жонзот ва кучлар) ёлгиз **Аллоҳникидир**. **Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган зотdir**» [Фатҳ 4]

Биз Аллоҳдан оламни Америка ёвузлиги ҳамда Аллоҳ ва Росулига қарши қилаётган урушидан халос этишини сўраймиз.

﴿فَقَدْ مَكَرَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَأَتَقْرَبُوا إِلَيْهِمْ بِمَا مِنْ أَنْفُسِهِمْ وَمِنْ أَنْفُسِ الْمُجْرِمِينَ﴾

﴿مِنْ فَوْقِهِمْ وَأَتَنْهُمُ الْعَذَابُ مِنْ حَيْثُ لَا يَشْعُرونَ﴾

«Улардан аввалги (кофир) **кимсалар ҳам** (ўз пайгамбарларига мана шунга ўхшашиб) **макр-ҳийлалар** қилган эдилар. **Шунда Аллоҳ улар** (қурган макр-ҳийла) **биноларини таг-туги билан емириб ташлади**, бас, **улар** (тўқиб олган ёлгон бино-тузумлари)нинг томи ўзларининг устига қулади ва уларга ўзлари сезмаган-кутмаган тарафдан азоб-ҳалокат келди»

[Наҳл 26]

Аллоҳ тўғри сўзловчидир. Охириги дуойимиз оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд айтмоқликдир. □

ЁВУЗ ҒАРБНИНГ УММАТНИ ТУРЛИ ИРҚ ВА ТОИФАЛАРГА БЎЛИШ ЛОЙИҲАСИ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИККА УЧРАШИ МУҚАРРАР

Абдулкарим Абу Мусъаб

Ўрта Шарқ минтақаси оламнинг бошқа жойларига қараганда географик ва ҳазорий жиҳатдан муҳим бўлиб, улкан иқтисодий ресурсларга эгадир. Бу эса, ушбу минтақани доимо халқаро ҳодисалар марказига айлантириди ҳамда минтақа ғолиб кучлар учун аҳамиятли жой бўлиб қолди. Оlam узра ҳукмронликни кўлга киритиш борасидаги ҳар қандай режа аввало Ўрта Шарқ минтақасидан бошланади. Шунинг учун Ғарб уни Исломий Халифалик соясида бўлган бирлигидан чиқаришга катта аҳамият берган ва ғолиб давлатлар уни ўлжа сифатида бўлиб олган. Ҳатто иккинчи жаҳон урушидан кейин, яъни халқаро позиция ўзгаргандан кейин ҳам Ўрта Шарқ (мусулмон юртлар маркази) турли режалар меҳвари бўлиб қолди.

Ғарб шундан келиб чиқиб, ушбу минтақани ўз ҳукмронлиги остида қолдириш ва уни ҳақиқий мустақилликдан маҳрум қилиш ҳақида бош қотирди. Чунки бу минтақани ўз ҳолига ташлаб қўйилса, у тезда ўз ақидаси ва мабдасига қайтади. Шунинг учун Ғарб доим унинг ҳаракатини тўхтатиш ва унга пистирма қўйиш ҳақида ўйлади. Агар минтақа ўз мабдаси ва дини сари ҳаракатланадиган бўлса, уни асосий мақсадидан буришга ҳаракат қилинади.

Исломий олам бугун аянчли аҳволда яшамоқда. Бу мусулмон халқларга уларнинг ақидасига зид ва бузук низомлар татбиқ қилинаётгани ва анчадан бери уларни зулм ва зўравонлик билан бошқарилаётгани натижасидир. Шунинг учун исломий олам уни собиқ мавқеига қайтарадиган ва ундан зулм ва зўравонликни олиб ташлайдиган азизлик позициясини эгаллашга муштоқдир. Лекин мусулмонлар айнан мана шу йўлни топа олмаяптилар ва Ғарб чизиб берган йўлдан юриб, ботқоқقا ботмоқдалар. Афсуски, мана шу хатони қайта-қайта такрорлашмоқда, чунки улар Ғарбни ўzlари учун намуна қилиб олишган.

Бугун ушбу минтақани улкан вулқонга ўхшатса бўлади. Унинг қачон отилиб чиқиши ва тугашини ҳеч ким билмайди. Ҳусусан кўзғолонлар туфайли олдин кузатилмаган ўта жирканч ҳукуматлар пайдо бўлганидан кейин минтақа шу аҳволда яшамоқда. Бу эса, исталган натижага эришиш учун мусулмон халқлардан доимо изчил бўлишни тақозо этади. Сиз ғаразли

ахборот воситалариға алданиб қолманг. Чунки бугун Уммат исломий бошқарувнинг қайта тикланишига янада кўпроқ майл билдиримоқда. Лекин у соғ онгни йўқотган бўлиб, тартибсиз харакат қилмоқда. Бунинг сабаби Farb минтақага малай ҳокимларни тиклади, деярли юз йил давомида тоифачилик уруфини экди. Ҳокимлар айнан мана шуни назорат қилди ва Умматнинг айрим вакиллари унга алданди.

Farb бугун бизнинг ўртамизга эккан тоифачилик юз йил олдин йўқ эди. Агар Уммат вакиллари ўртасида айрим келишмовчиликлар бўлса, Аллоҳнинг китоби ва Росулининг суннати билан ечилар эди. Биз олдин бугунги каби фитнага тушмаган эдик. Агар ушбу Farb фикрлари Уммат ичидаги ўрнашмаганида ҳамда зулмда яшамаганимизда ва бугунги кундагидек бир-биримиз билан курашмаганимизда, азизликка тез қайтган бўлар эдик. Лекин афсуски, ушбу фикрларни жадаллаштираётган ва ўртадаги курашни кучайтираётганлар хоин ҳокимлар ва алдоқчи ахборот воситалар бўйруғини бажаришмоқда.

Эрон бу борада бошқа исломий юртлардан фарқ қилмайди. Чунки у ҳам мусулмон ҳалқ ва хоин ҳукуматдан иборат. Farb бу хоин ҳукуматни ўз режаларини бажариши, ҳалқнинг бойликларини талон-тарож қилиши учун тиклаб қўйган. Ҳалқ эса, бошқа исломий юртларда бўлганидек қийналмоқда ва бир бурда нон учун елиб югурмоқда.

Агар Эроннинг яқин тарихини ўргансак, унинг устида бўлган тил бириктирувлар кўламини биламиз. Британия ва Совет Иттифоқи кучлари 1941 йили Эронга қарши уруш бошлади. Ўша пайтларда (1925-1941 йиллар) Эронда Ризо Хон ҳукм юритар эди. Ризо Хон 1941 йил ўз мансабидан тушиб, ўрнига ўғли Муҳаммад Ризо Шоҳ Паҳлавийни қўйди. Шоҳ Паҳлавий 1979 йилгача ҳукуматни бошқарди. 1949 йили сўлчи Тўда (TUDEH) партиясининг бир аъзоси томонидан Шоҳга қарши суникасд уюштирилди. Эллигинчи йилларда Шоҳ билан миллатчи Муҳаммад Мусаддиқ ўртасида келишмовчилик келиб чиқди. Натижада Шоҳ қисқа вақт Ироқда қочиб юрди. Муҳаммад Мусаддиқ эса, Эрон нефтини давлат мулкига айлантириш ва Британия нефть ширкатини мамлакатдан чиқариб юборишга қаттиқ туриб олди. Шунда Лондон Эронни ўз қароридан қайтариш учун Техронга қаттиқ жазо чораларини

эълон қилди. Мусаддик ўз сўзидан қайтмагач, Британия Америка билан тил биритирган ҳолда (Аякс номли) инқилоб уюштириди. Натижада қарор бекор килиниб, Мухаммад Ризо бошқарувга қайтди. 1963 йили Фарб билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида ислохий программа қабул қилинди. Шундай қилиб, Эрон темир мушт ҳукмронлиги остида қолди. Турли сиёсий партияларга якун ясалиб, ҳукуматда фақат етакчи партия қолди. Сўнг (SAVAK) номли яширин полиция ташкил қилинди. Мазкур полиция Эрон халқига қарши жирканч жиноятларни содир этди.

Шоҳ улкан қишлоқ хўжалиги ерларини давлат ихтиёрига ўтказди. 1979 йили Шоҳнинг ҳижобга таъкиқ қўйиши ва таълим программасини ўзгартириши оқибатида мусулмонлар хорликка якун ясаш мақсадида ҳаракатлана бошлади. Эрон халқининг талаби исломий шариатни татбиқ қилиш ва Раббоний программа асосида ҳаётни қайтадан бошлаш эди. Бу қўзғолонда сунний билан шия ўртасида фарқ йўқ бўлиб, у жамиятнинг барча қатламларини шакллантираси эди.

Лекин Америка Францияда сургунда юрган Хумайнийга ёрдам берди. 1979 йили Америка президенти Жимми Картер ва Оятиуллоҳ Хумайний ўртасида мулоқот бўлиб ўтди. Унда Хумайний агар ҳокимиятга келса, Эрон нефтини Ғарбдан узмаслик ва қўзғолонни минтақа давлатларига кўчирмаслик хақида ваъда берди. Чунки шундай қисса халқ қўзғолони оқими Америка манфаати томон юрган бўлади. (Манба Викиликс хабарлари). Шунинг учун Америка инқилобни Хумайний фойдасига буриш мақсадида армиядан фойдаланди. Хумайнийнинг қиласидаги иши ичкарида барқарорликни таъминлаш, қўзғолонни бошқа томонга буриш ҳамда қўзғолоннинг шия ва суннийлардан иборат холис кишиларидан халос бўлиш эди. Хумайний Техронга келиши билан биринчи нутқини сўзлади. Сўнгра шайх Аҳмад Муфтийзода нутқ сўзлади. У суннийларга мансуб ва қўзғолон етакчиларидан эди. Шайх Аҳмад янги конституцияни инкор қилиб шундай деди: «Бу (конституция) юртни мусулмонларнинг сафини бўладиган мазҳабпаратликка олиб боради». Шундан кейин уни конституцияга қарши чиқиш айби билан қамоқقا ташлашди. Шайх Аҳмад камоқдан ўлимидан бир неча кун олдин чиқди. Қўзғолоннинг бошқа холис етакчилари бошига ҳам Шайх Аҳмаднинг куни тушди.

Эроннинг янги даври шаҳидлар қони ҳисобига бошланди. У ердаги мусулмонлар шариат татбиқини талаб қилишда давом этишди. Лекин Хумайний қўзғолонни ўз ҳақиқати ва йўналишидан буриб, уни ўзи ва Америка хоҳлаган қўзғолонга айлантириди. Шунинг учун Ҳизб ут-Таҳрир 1979 йил 30 августда Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннатидан олинган исломий дастур лойиҳасини Оятуллоҳ Хумайний ва дастур мутахассислари жиҳозига таклиф қилиб, агар даъвойингизда тўғри бўлсангиз мана шуни қабул қилинг деди. Лекин улар қабул қилишмади ва шаҳидлар қонига хиёнат қилишди. Улар шу сабабли Уммат олдида ҳамда уларнинг макр ҳийлатарини фош қилган, Эрон конституцияси ва Фақиҳ вилояти низомига тескари дастурни ишлаб чиқкан ушбу Ҳизб олдида шарманда бўлишди. Хумайний ўз бошқаруви ва ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, юрт ва одамлар устидан назорат ўрнатди. Сўнгра Эрон халқлари ўртасида турли воситалар орқали тоифачилик уруғини экиб, орасини ажратади бошлади. Хумайний Америка қўлидаги таёққа айланиб, Америка уни минтақадаги сиёсатини амалга ошириш учун кейинги босқичга тайёрлай бошлади. Хумайний Америка (кatta иблис)га ва сионист вужудга душманлиги ҳақида гапириб оламни алдади. Ҳолбуки у ўшаларнинг қўлидаги қурол бўлиб, уларнинг режаларини ижро қиласади.

Шунинг учун 40 ёшдан пастдагилар Эрон Америкага душман, Америка ёвуздик ўчоги ва катта иблис, деган нарсадан бошқа нарсани билмайдилар. Чунки улар Америка ва Эрон ўртасида дўстлик алоқалари ва иттифоқ мавжуд эканини билмайдилар. Ҳолбуки, тарих иккиси ўртасида на душманлик ва на уруш бўлганига гувоҳ бўлган. Балки аксинча Эрон Ироқ билан бўлган биринчи урушига Америка манфаати учун кирган эди. Бу уруш Эрон революциясидан кейин, яъни 1980 йил бошланиб саккиз йил давом этди. Унда бир миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлди ва икки юрга улкан зарар келтирди. Уруш Хумайний қўзғолондаги холис кишиларни ўлдиргандан кейин, қўзғолоннинг унга қарши қўзғолонга айланиб кетишини олдини олди. Шунингдек, у Ироқни заифлаштириди натижада Саудияга этиш учун Кўрфаз тарафга йўл очилди. Шундан кейин сунний ва шиалар ўртасида душманлик ва кураш босқичи бошланди ва у бугунгача давом этиб келяпти. Тарихда Эронгейт номи билан

машхур бўлган шармандалик, яъни уруш пайтида Америка ва сионист вужуд Эронга яширин тарзда қурол-аслаҳа сотиши мазкур дўстликнинг бир кўриниши эди.

2003 йилдаги Ироқ урушида Эрон режими Американинг асосий қўллаб-қувватловчиси бўлди. Чунки бу урушда иккиси ўртасида уйғунлик бўлиб, Систоний Америка аскарларини ўлдирмаслик ва улар қутқарувчи аскарлар экани ҳақида фатво берди. Ҳолбуки Эрон ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланувчи шиа ёлланма аскарлари Ироқ ерида нималар қилгани барчага маълум эди. Ури Шимони яхудийларнинг маориф газетасига интервью берар экан, шундай деган эди: «Эрон минтақавий (регионал) давлатдир, Эрон билан бизнинг ўртамиизда кўп стратегик манфаатлар мавжуд. Икки давлат ўртасидаги келишмовчилик душманчилик эмас, балки у нуфуз курашидир»... Эрон ва яхуд вужуди ўртасидаги стратегик манфаат нима бўлиши мумкин?! Шуни ҳам унутмаслигимиз лозимки, оламда шиа ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларни Америка яширин тарзда молиялаштиради. Ундан мақсад соғлом Исломга қарши курашиш ва сунний-шиа кураши фикрини қўллаб-қувватлаш учун «Шиа тушунчаси»ни тарқатишидир. Чунки ушбу кураш сионист вужуднинг сақланиб қолиши ва Умматнинг бирлашишини тўхтатиш учун зарурдир.

Америка ва Эрон ўртасидаги соҳта душманлик ва мутлақо ҳақиқатга тўғри келмайдиган Эроннинг катта ҳажмдаги қуввати тўғрисидаги гап-сўзларни тарқатишда ахборот воситаларининг роли катта. Ахборот воситалари Американинг минтақадаги манфаати йўлида хизмат қиласди. Масалан Эроннинг атом куроли ишлаб чиқариши ҳақидаги гап-сўзлар Кўрфаз бойликларини еб битириш учун қўрқитув, холос. Шунингдек минтақанинг Қувайт, Бахрайн, Қатар, Уммон, Амирликлар, Иордания, Миср ва Ироқ каби давлатлари Америкага ўз юртларида ҳарбий база қуришига рухсат бериши учун қўрқитув, холос. Бу мустамлаканинг янги тури бўлиб, Америка у орқали умуман Европа давлатлари ва хусусан Британия нуфузига якун ясашга ҳаракат қиласди. Бу нарса бугунгача бўлиб келган ва давом этмоқда. Шунингдек Америка Эрон ва унинг Ливандаги Ҳизбидан Сурияда Асад режимини қўллаб-қувватлашда фойдаланди. Эрон Ҳизби бу урушда улкан маблағ сарфлади ва унда кўплаган кишилар ҳалок бўлди. Бу ерда «асосий қаршилик

кўрсатувчи кучлар» хақидаги сафсатани келтириш кифоя қиласди, деб биламан.

Эроннинг роли ниҳоялаб борар экан, Америка унга нисбатан ўз позициясини ўзгартира бошлади. Америка позицияси Трамп бошқарувга келиши билан бошланди. Лекин бу нарса Америка Эрон билан бўлган атом шартномасидан чиқсан пайтда яқол кўринди. Чунки у Эронга қарши ҳақиқий ва кескин жазо чораларини эълон қиласди. Келажакда яна ҳам кескинроқ чоралар кўлланиши кутилади. Чунки Американинг нияти Эрон халқини режимга қарши ҳаракат ва қўғолонга ундашдир. Америка буни яқин келажакда амалга оширса керак. Америка эълон қилган жазо чоралари туфайли капитал Эрондан ташқарига чиқиб кетди. Бу эса, Эрон валюotasи қиймати тушиб кетишига сабаб бўлди. Эрон ҳукумати охирги пайтларда қанчалик ҳаракат қилмасин туманинг долларга нисбатан қиймати тушиб кетмоқда ва расмий курс бўйича бир доллар 4200 туманга тўғри келган. Аммо долларнинг қора бозордаги қиймати 7000 тумандан ҳам юкоридир. Бу ҳукуматга жиддий босим бўлиб, 200 миллиард доллардан кўпроқ капитал хорижга чиқиб кетишига сабаб бўлди. Ҳолбуки, бундан инқилоб посбонларининг хабари бор. Натижада, ҳукумат доллардан ўз валюotasига қайтишга ҳаракат қилиб кўрди, аммо бу натижа бермади. Шунинг учун пул айирбошлаш ва ҳукуматлараро муомалада евро билан чекланди. Лекин Фақих вилояти низоми ушбу давр ичida пайдо қилган коррупция ички кескинликни янада кучайтиromoқда.

Эрондаги Вилояти Фақих низомининг қулаши барчага аён, лекин унинг қулаш вақти ва шакли ҳақида айтиш қийин. У кучли инқилоб бўладими? Ёки баҳмал қўзғолонлари каби бўладими? Ёки араб қўзғолонлари каби бўладими айтиш қийин.

Шу нарса аниқки, Америка Ўрта Шарқ минтақасини парчалашга ҳаракат қилмоқда ва унда бирор катта давлат бўлишини хоҳламаяпти. Мана шу нарса унинг келажакдаги манфаатларига хизмат қиласди. Бугун Эрон ва Саудияга қарши вақт келди, ортидан Миср ҳам шу аҳволга тушади. Бу ишда дўстми ёки дўст эмасми Американи қизиқтиромайди. Муҳим нарса шуки, барча тарафлар Америка ҳукмронлиги остида бўлиши, майдонда мутлақо ундан бошқа ўйинчи бўлмаслиги керак. Парчалаш эса, қон ва ғазабга тўла бўлиши лозим.

Афсуски, парчалаш яқин келажакда қон тўкишни тўхтатиш ва муаммоларни ҳал қилиш номи остида бошланади. Бу йўналишда бир неча лойиҳалар таклиф қилинган бўлиб, қуйида улардан айримларини келтирамиз:

Бернард Луиснинг Катта Ўрта шарқни парчалаш ҳақидаги лойиҳаси. Луис ушбу лойиҳани Американинг хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Бжезинскийнинг баёнотидан кейин ёзган эди. Бжезинский шундай деган эди: «Американи келажакда қийнайдиган муаммо бир амаллаб Кўрфаз урушини чиқариш. Америка шу орқали Сайкс-Пико чегараларини тузатади»!! Америка бу ишга 1983 йилдаёқ киришган эди.

Бернард Луиснинг лойиҳасидан кейин Ральф Питерс лойиҳаси бўлиб, у қон тўкилишига олиб борадиган бўлинишни ёклайди. Бу лойиҳа қуролли кучлар журналида 2006 йили нашр қилинган. Унда Ўрта Шарқ ва исломий оламни парчалаш ҳақида айтилади.

Бу ерда яна бир қанча лойиҳалар борки, улар АҚШ ўз манфаатларини янги истагига кўра таъминлаш учун минтақани ирқчилик, тоифачилик ва мазҳабпарастлик асосида парчалашни ният қилганини фош этади. Американинг минтақани парчалаш ҳақидаги нияти ёки лойиҳаларини мукаммал стратегик режа асосида татбиқ қила олиши, яъни бу ишда ғалаба ёки муваффакиятсизликка учраши минтақа ахолисининг Америка лойиҳасига қарши мукаммал стратегик режага эга бўлишига боғлиқ.

Шунга кўра айтамизки, мустаҳкам мабдаи тушунча асосида бирлашган исломий вужудни қуришга тўсқинлик қиласидиган ҳар қандай бўлиниш Америка режасига хизмат қиласиди. Шунинг учун ёрқин ва мукаммал тарзда фикр юритмай ва ҳақиқий, чекланган ва мабдаи мақсадсиз ҳаракат қилаётганлар ўз ишларини қайта ҳисоб китоб қилиб олсинлар. Чунки улар яхши иш қиляпмиз деб ўйласаларда, мусулмонларнинг душмани бўлмиш Фарбга хизмат қилишмоқда. Шунинг учун барча ҳалқлар ҳар қандай бўлиниш лойиҳаларига қарши чиқиши лозим. Чунки бу лойиҳалар қанчалар мувакқат ечим бўлиб кўринмасин, вужудларнинг йўқ бўлиши ва парчаланишга олиб боради. Шунингдек, эртага бугунгидан ҳам заифроқ ахволга тушиб қоламиз. Натижада, қаттиқ заифлик ва қарши чиқа олмаслик туфайли бугун қабул қилмаган нарсани эртага қабул

қиламиз. Шунинг учун қўзғолонга бел боғлаган ҳар бир халқ бўлиниш ечими минтақани ҳалокатга олиб боришини англаши лозим. Шунингдек, азизликка интилаётган ва аввалгиларнинг азизлигини хоҳлаётган барча халқлар исломий ақидадан келиб чиқкан ва сиёсий онгга асосланган шариат кўзи билан қарашлари ҳамда бу ягона Уммат фарзандлари ўртасидаги ҳар бир келишмовчилик учун шариатда ечим бор деб билишлари лозим. Лекин барча исломий халқлар устиларига тиклаб қўйилган ҳокимларни улоқтириб ташлаши ҳамда ақлимизни бизнинг ва динимизнинг манфаатидан бошқа томонга бураётган ғаразли ахборот воситаларига қулоқ солмаслиги лозим. Чунки Фарбнинг мақсади битта, у ҳам бўлса Ислом қандай шаклда бўлмасин ҳалқаро майдонга қайтмаслигидир. Farb Исломнинг бошқа ҳазоратлардан ўзгача мустақил ҳазорати бор эканини билади. Шунингдек, у Ислом Farb асосларига суюнмай янги олам қоидаларини барпо қила олишини ҳам билади. Биз мусулмонлар Farb камида юз йил ичida барча нарсани оёқости қилишига қарамай тоғлардек мустаҳкам ақидамизга суюнамиз. Шунда Farbнинг барча қилган харакати муваффакиятсизликка учрайди.

Исломий олам уйқудаги баҳайбат куч эди, бугун у ғафлатдан уйғонди. Аллоҳ ҳоҳласа бу халқлар ўзларини бир куч манбаси эканини ва ҳокимлар душманлар қўлидаги қўғирчоқдан бошқа нарса эмаслигини тушуниб етадилар. Шунинг учун Laилаҳа иллаллоҳ Мұҳаммадур Росууллоҳ деб гувоҳлик берган ҳар бир ғайратли мўмин Farbнинг макру ҳийласига тескари бўлган Уммат лойиҳасини амалга ошириш учун ҳаракат қилиши лозим. Ҳизб ут-Тахрир лойиҳасидан бошқа исломий ҳаётни қайта бошлиш ғоясини рўёбга чиқарадиган лойиҳа мавжуд эмас. Чунки Ҳизб ут-Тахрир лойиҳаси Аллоҳнинг китоби ва Росулиниңг суннатига асослангандир. У Уммат ичida 65 йилдан бери фаолият олиб бормоқда ва Аллоҳнинг ёрдами билан улкан гурухга айланди. Шунингдек, у ички ва ташқи майдонлардаги ҳалқаро кураш ва ўзгаришларни кузатиб келяпти. У Аллоҳнинг ёрдами билан Умматни барқарорлик сари етаклашга кучи етади.

Эй мағрур Эрон ҳалқи ечим анави хоин ва малай кимсалардан кутилмайди. Шунингдек, йирик давлатлар ва ҳалқаро ҳамжамият қарорларига бўйсуниш билан бўлмайди. Балки ечим ақидамизни маҳкам тутиш ҳамда шариатни ҳакам

килиш ва Раббоний қонунни маҳкам ушлаш билан бўлади. Ечим Росууллоҳ ﷺ ваъда қилган рошид Халифалик давлатида бўлади. Чунки у барчани химоя қиласи, қон тўкишни тўхтатади, зулмни кўтаради ҳамда ҳақни ҳаққа ботилни ботилга ажратади.

Эй барча жойлардаги мусулмон аскарлар: Ушбу динга ёрдам бериш ва мусулмонлар қони тўклишини тўхтатиш учун ҳаракат қилинг. Дунё ва охират азизлигини эгаллашга шошилинг. Хоин ва малайлар қўлидаги жиноятчи куролга айланиб қолманг. Акс ҳолда, Азиз ва Кудратли Аллоҳнинг газабига дучор бўлиб қоласиз.

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيُسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا أَسْتَخْلَفَ الَّذِي بَطَّالَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَمْ يَكُنْ لَّهُمْ أَرْتَصَنِي هُمْ وَلَيُبَدِّلَهُمْ مِنْ بَعْدِ حَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَسِقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (имон-эътиқодли) зотларни (ер юзига) халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишини ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини голиб-мустаҳкам қилишини ҳамда уларнинг хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир» [Нур 55]

﴿وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَنْ يَنْصُرُهُ إِنَّ اللَّهَ لَقَوْىٌ عَزِيزٌ﴾

«Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни голиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир»

[Хаж 40] □

«ЭХТИМОЛДАН УЗОҚ (САФСАТА) ДАВЛАТ» НОМЛИ КИТОБ: ШАРҚШУНОСЛАР ТАКЛИФИГА ТАНҚИДИЙ НАЗАР

Лутфи ибн Мұхаммад – Малайзия

Бугунғи халқаро ва мінтақавий ўзгаришлар даврида ісломий сиёсий мерос ҳамда унинг давлатга бўлган алоқаси ҳақида кўп тадқиқотлар олиб борилди ва китоблар ёзилди. 2014 йил чиқарилган «Эҳтимолдан узоқ давлат: Ислом, сиёсат ва бугунги ахлоқий танглик» номли китоб янги йўналишдир. Унда Исломни фикрат ва тариқат сифатида қайта тикланишига ҳамда ісломий ҳаётни Исломни татбиқ этадиган давлат орқали қайта бошлашга чақираётган ісломий ташаббус танқид қилинади. Китобдаги асосий фикр ёлғиз меҳвар атрофида айланади. У ҳам бўлса, эҳтимолдан узоқ давлат, яъни бошқарувнинг ісломий андозаси ва унинг қонунчилик этикаси бугунғи давлат воқесига тўғри келмаслигидир. Китобда бугунғи воқе ахлоқий жиҳатдан ночор ахволда, шунинг учун ісломий бошқарув билан бугунғи воқе бир-бирига тўғри келмайди, деб айтилади. Шунингдек, китобда ісломий шариат бугунғи давлат структурасига қоришмайди, дейилади.

Китоб масалани икки андоза ўртасини таққослаш орқали таҳлил қиласи. Бу таққослашларда асосий эътиборни икки андоза ўртасидаги тарихий ва идеологик қарама-қаршилик мавжуд экани ҳамда улар қонунчилик, суд ва ижро борасида бир-бирига тўғри келмаслигига қаратади. Шунга кўра ёзувчи шу фикрга келадики, мусулмонлар (яъни ісломий лойиҳа вакиллари демоқчи) хоҳ жамоат ва хоҳ якка тартибда бўлсин, бошқарувнинг янги шаклини қабул қилишлари шарт. Ёзувчи яна Ислом андозаси ва қонунлари – янги тушунчалар билан тўлган воқеда (бошқарувнинг янги шакли)ни пайдо қилиш олдида тўсик бўлади, дея ўқувчини ишонтиришга ҳаракат қиласи.

Ёзувчи ісломий давлатни тиклашга даъват қилиш идеал фикрлашдан чалғитади демоқчи бўлади. Ёзувчи бу борада ҳатто ісломий давлат истилоҳини қўлламасликни хоҳлайди. У айтадики, бугун воқе ўзгачадир, ісломий андоза на уни ислоҳ қила олади ва на оғир ахволдан олиб чиқади.

Ёзувчи ўз сўзларини исботлаш учун (даъвосига кўра) ақлли йўлни тутади. Унда Farb ҳазоратидан келиб чиқсан нарсаларни танқид қиласи ва унинг тубанлигини кўрсатишга уринади. Бунга қарши ўлароқ ісломий бошқарув низоми мавзусини умумий шаклда тилга олади. У айтадики, бу нарса ўтмишда бўлган фикр ва хукмлардир, лекин ҳазорий йўналишлар бир-бирига зид бўлгани

учун бу фикрларни ёқлаб бўлмайди. Ёзувчи бугунги давлат воқеий ва муқаррар иш, ундан сакраб ўтиб бўлмайди ва у билан ҳисоблашмасликнинг иложиси йўқ, деб ўйлади. Яна айтадики, бу ерда самарали амалий йўл бугунги фикрни ислоҳ қилиш учун уни танқид қилиш зарур. Шунингдек, бу ишда исломий андозага хос айрим ахлоқий ташкилотлардан ёрдам олиш зарур. Китобни ўқир эканмиз, исломий лойиҳани вайрон қилиш ва уни арзимас ишга айлантиришга ҳамда унга бошқа сифатларни кўшишга ҳаракат қилаётганини кўрамиз. Шунингдек, бу лойиҳа даъватчиларини айбдор қилаётгани ва уларнинг даъватини воқеий эмас, балки хаёлийдир, деб айблаётганини топамиз. Бу янти либосдаги эски даъво бўлиб, зарурат туғилганда унинг кўринишлари ўзгариб туради. Бу фикрий ҳамда ҳаёт ва мамот жангидир. Ундан Уммат ичида Исломни бошқарув, давлат ва жамиятга қайтариш ҳақида нидо қилаётган катта оқим мавжуд экани кўриниб турибди. Шунингдек, мабдалар ўртасида доимий кураш борлиги ва ғолибининг мағлуб устидан ўз сўзини ўтказиш борлиги кўриниб турибди. Ислом ва унинг манҳажига қарши давомли фикрий ҳужумлар бўлаётган экан, биз бу даъволарнинг соxта ва жирканчли эканини кўrsатиб беришимиз ҳамда эгри-буғри режа ўрнига тўғри режани чизиб беришимиз лозим. Токи исломий ташаббуснинг соғлиги кўринсин ҳамда унинг мукаммаллиги ва воқеийлиги аён бўлсин. Шунинг учун ушбу мақолада юқорида биз айтиб ўтган китоб ҳақида баҳс ва мунозара қиласиз.

Давлатга одамларнинг тушунча ва қаноатларининг ижроий вужуди деб таъриф берилган. Ижроий деган таъриф ҳақида бироз фикрлаш лозим. Чунки фикрсиз ижро бекордир ва давлат салтанатдан бошқа нарса. Салтанат давлат доирасига кирса-да, тадқиқотчилар уни Ислом каби илоҳий шариатдан ёки капитализм каби ақлий шариатдан қувват олувчи қонун кучи деб номлашган. Давлатлар коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарга асосланган асосий фикрларда бир-биридан фарқ қиласи. Шунингдек давлатлар фикрат гавдалантирадиган ва ундан ҳукмлар келиб чиқадиган муассасалар шаклида гавдаланади. Исломда давлат Росууллоҳ ﷺнинг бошқарувни қўлга олиши, Мадина ҳужжатига имзо чекиши ва Уммат тушунчасига асос солиши билан пайдо бўлди. Исломдаги давлат яна мавжуд бўлиши шарт бўлган иш ҳисобланади. Чунки давлат Ислом жамиятда тирик бўлишининг ишончли кафолатидир. Фақиҳлар давлат номли истилоҳни ишлатмаган бўлсаларда, лекин улар бу сиёсий вужудни Халифалик деб аташган. Улар Уммат ўз салоҳиятларидан тўғри

тарзда фойдаланишлари учун давлатнинг белгиларини тушунтиришга кўп куч сарфлашмаган. Исломий бошқарув, яъни «Халифалик» ўн тўрт аср давом этди. 1924 йил Усмоний давлат қулаб, унинг харобалари узра янги имоний Туркия давлати барпо бўлиши билан ўз ниҳоясига етди. Усмоний давлат ҳукмронлиги остидаги бошқа минтақаларда ҳам шу иш содир бўлди. Улар янги Европа давлатлари томонидан парчаланиб, давлатчаларга бўлиб юборилди.

Фарбликлар давлатни Ислом таърифлаган тушунчада таърифламаган эдилар. Улар черков ва муфаккирлар ўртасида узок давом этган курашга чек қўйиб, феодализм низоми қулаганидан кейингина давлатга ҳақиқий таъриф беришди. Шундан кейин жамиятда муфаккир ва адилардан иборат оқим пайдо бўлди. Улар динни давлатдан ажратишга чақиришди. Бу иш Франция республикаси пайдо бўлиши билан якун топди. Сўнгра ҳеч қанча вақт ўтмай, фикрий қўзғолон бошланди ва замонавий давлат ташкил бўлди.

Шу пайтга келиб ҳоким ва маҳкум ўртасидаги алоқа қандай бўлиши ҳақида жиддий баҳс бошланди. Муфаккир Жан-Жак Руссо «Давлат ёвуз нарса, лекин у керак» деган эди. Чунки Фарбликлар ўрмон қонунига ўрганиб қолган эди. Шунинг учун бошида муассасалар шаклидаги интизом тушунчасини қабул қилишмади. Лекин вақт ўтиб, бу тушунча пишиб етилди ва давлат деганда ёзувчи ифодалаганидек репрессив бўлмаган ва чекланмаган куч тушуниладиган бўлди. Шунинг учун замонавий давлат деганда Фарбнинг давлат ҳақидаги нуқтаи назари тушунилади, чунки бунга тарих гувоҳдир. Фарбнинг давлат ҳақидаги фикрий қоидаси динни давлатдан ва ҳаётдан ажратишидир.

Фарб ўз услуби, фикри ва манҳажини мажбур киргизиши, фикрини ёйишга, мафтункор жойларини кўрсатишга ва айбларини яширишга ҳаракат қилиши табиийдир. Шунингдек, мустамлакачи пайдо қилган ёки пайдо бўлишига сабаб бўлган давлатлар Фарб руҳи ва ҳазоратини ёйиш учун бўлган. Фарб давлат, муассаса, суд, таълим, ҳарбий муассаса ва сиёсий доира буларнинг барчасини шафқатсиз ва қиличнинг зўри билан пайдо қилган. Бу ҳақда ёзувчи шундай дейди: «Араб давлатларидағи миллий элиталар мустабид мустамлакачи сиёсатни сақлаб қолган». Агар турли тушунча ва қаноатлар сохиби бўлган жамиятга ушбу андоза татбиқ этилса, бу доимий тўқнашувга ва уйғунликнинг йўқолишига олиб боради. Бу тўқнашув қуйидаги сабабларга кўра тинимсиз давом этаверади:

Биринчидан: Нотўғри талқинлар билан тўла фикрий муҳит яратиш ва шу муҳит орқали Фарб кўзи билан кўрадиган ақлиялар яратиш. Мана шу нарса соф илмий ва объектив йўл деб ҳисобланади.

Иккинчидан: Одамларнинг Ислом ва унинг бошқарув низоми ҳақидаги фикрларини бузиш. Бу йўл ҳеч қандай билимга эга бўлмаган Али Абдурроziқнинг китоби билан жонланди. Бундан ташқари унинг ёзувчиси тўғрисида у Самуэль Марголиус исмли яхудий бўлган деган шубҳалар бор. Китобнинг тил борасидаги текширувчиси Тоҳа Хусайндири. Али Абдурроziқ эса, фикрий малайдир. Бузиш амалиётини давом эттириш учун Азҳар ва Зайтунадаги таълим программаси ислоҳотлар орқали ўзгартирилди. Натижада, Исломдаги сиёсий низом йўқ бўлиб ва уни умумий инсоний қоида ва китоблардаги ёзувдан бошқа нарса эмас, деб ҳисобланадиган бўлди. Шу билан унинг моҳият ва ўзгачалиги йўқолди. Биз юқорида келтирган китоб муаллифи Воил Халлоқнинг фикрий ва фикрҳий бойлиги камлигини билиб олишимиз қийин эмас. Муаллиф исломий бошқарув андозаси ҳақида гапирап экан, сиёсий исломий фикри саёз экани ёрқин билиниб туради. Чунки у бошида Халифалик ва унинг исломий бошқарув низоми эканини ўқувчининг зеҳнидан узоқлаштиришга ҳаракат қиласи. Шунингдек, Ислом замонавий маънодаги давлат барпо килмаган, деб ҳисоблайди. Муаллиф айтадики: «Чунки у (Халифалик) шундай маънони англатадики, унга кўра сиёсий ва ижтимоий исломий бирлашмалар (мазҳаблар ўртасидаги бирлашиш) мунтазам доирада ишончли тарзда қоришмаган». Бундан кўриниб турибдик, муаллиф тарихий ва қонунчиликка оид воқеаларни мантиқсиз изоҳлашга уринган. У яна ҳоким исломий фикр бўйича ёлланувчи экани ҳақида шундай дейди: «Биз исломий бошқарувдаги ижроий салтанат муайян вазифаларни бажаришга ёлланган синф, деб ҳисоблашимиз мумкин. Бу салтанат фақиҳлар ишлаб чиқсан қонунларни Уммат вакили сифатида татбиқ қиласи. Шунингдек, салтанат ёлланиш эвазига Уммат низомига бўйсунади».

Бу сиёсий фикрҳдан тамомила узок капиталистик фикрлашдир. Чунки сиёсий фикрҳ Исломдаги ҳоким Уммат унга буюрган ишни Умматнинг вакили сифатида татбиқ қиласидиган шахс деб ҳисоблайди. Ҳоким байъат номли чекланган низомга кўра тайинланади. Ҳоким Умматни тамсил этувчи шахс сифатида қонуний ҳисобланади. У Аллоҳнинг ҳадларида турар экан, унга итоат қилиш возибдир. Салтанат Умматники, у ҳокимни у билан

битим тузиш орқали тайинлади. Агар ҳоким битимни бузса, Уммат уни олиб ташлаш салоҳиятига эга. Ёзувчи китобнинг бошқа қисмида исломий бошқарув низомида бюрократия, бошқа истилоҳ билан айтганда идорий орган йўқ, деб хисоблади. Ёзувчи бошқа жойда ўз китобини академик китоб деб мақтаган ва унга Ғарб файласуфларининг назарияларини илова қилган пайтда ўзини нақадар жоҳил эканини исботлаган. Шундан аён бўладики, муаллиф асосий мавзуга киришар экан, нозик илмий услубга суюнмаган. Шунинг учун тафсилотлар борасида баҳс қилишдан фойда йўқдир.

Аммо унинг бугунги либосдаги замонавий Ғарб ҳазоратини танқид қилиши янги иш эмас. Чунки ундан олдин ҳам Жан Циглер ўзининг «Оlamning янги хўжайнлари» китобида, Ноам Хомский «Оlamни ким бошқармоқда» китобида ва Майлз Коупленд «Миллатлар ўйини» китобида Ғарб ҳазоратини танқид қилган... Ёзувчи Ғарб андозасининг ифлослигини айтишдан мақсади ўзини икки тарафни ҳам танқид қиладиган ва ҳар иккисидан яхши нарсаларни оладиган нейтрал ёзувчи сифатида кўрсатиш бўлган. Лекин у Ғарб андозасини исломий андозадан устун қўяди ва уни воқеийроқ деб хисоблади. Исломий андозани замонавий давлат борасида танқид қилади ва аксар намунавий жойларини айблайди. Шунингдек, вақт ўтиб бузилган нарсаларни тўғрилашда ундан фойдаланса бўлади дейди.

Аслида Ғарб манҳажидаги муаммо унинг муаммолар муолажаси келиб чиқадиган фикрий етакчилигидадир. Чунки бу етакчиликка кўра, нисбий ўлчовга эга бўлган ақлда қонун чиқариш салоҳияти бор. Бу етакчилик ўзини ожиз экани ҳамда мудаббир ва ҳикматли холиқнинг махлуки эканига икрор бўлаётган инсон фитратига зиддир. Мана шу ҳақиқатни тушунмаслиги унинг насроний шахс эканини кўрсатмоқда. Қатл қилиш, қашшоқлик ва коррупция кабилар замонавий давлатнинг ажралмас сифатларидир. Франция қўзғолонининг жинояткорона тарихини ўқиган ҳар қандай кишига бу нарса сир эмас. Европалик мустамлакачилар қизил танли хиндуларга нисбатан содир этган жиноятлари, Британиянинг Афюн уруши номли Хитойга қарши қилган уруши, Ирок, Афғонистон ва Хиросимага қарши қилинган урушлар барчага маълум. Ёзувчи айтган банкротлик ва нейтраллик каби гап-сўзлар Ғарб андозасининг асосий қоидаларидандир. Улар ёвузлик ва очкўзликни оширди ҳамда инсоний ва табиий мусибатларга сабаб бўлди. Ҳатто қашшоқ халқлар технологиядан маҳрумдир. Чунки улар қул ва тилка-пора қилинган ҳолда қолиши лозим... Демак,

Гарб ўзгаргани йўқ, балки олдин қандай бўлса, шундай давом этмоқда. У фақат айрим ахборот ва фикрий безакларга бурканиб олди.

Мавзуйимиз охирида шуни айтамизки, ёзувчи ўзи даъво қилаётганидек илмий тадқиқот олиб бора олмаган. Ёзувчининг илмий мақола ёза олмагани ҳар қандай ақлли кишига аён. Аммо Гарб андозасини танқид қилиши ҳийла бўлиб, Гарб муфаккирлари ва шарқшуносларнинг ўйинларидан хабари бор киши учун у сир эмас. Шунинг учун Уммат ўз душманларининг режалари ва услубларини англаши лозим. Аллоҳ Таоло улар ҳақида шундай дейди:

﴿وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا الْنَّصَارَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبَعَ مِلَّهُمْ﴾

«Яхудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар» [Бақара 120]

Уммат ва унинг холис зиёлилари Ислом ҳукмлари ва муолажасига бўлган ишончни қайта тиклашга қаттиқ ҳаракат қилиши лозим. Чунки гарчи жузъий масалаларда бўлса ҳам ҳар қандай чекиниш Аллоҳнинг ғазабига дучор қиласиган мағлубият ҳисобланади.

﴿وَلَوْلَا أَنْ تَتَبَيَّنَ لَكُمْ كَذَّبَتْ تَرْكَنُ إِلَيْهِمْ شَيْئًا قَلِيلًا ﴿إِذَا لَأَذْقَنَكَ ضَعْفَ الْحَيَاةِ﴾

﴿وَضَعْفَ الْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا﴾

«Агар Биз сизни (ҳақ йўлда) қилмаганимизда, сиз уларга бир қадар мойил бўлишингизга оз қолди. У ҳолда албатта Биз сизга дунё (азобини) ҳам, охират (азобини) ҳам икки ҳисса қилиб томдирган бўлур эдик, сўнгра ўзингиз учун Бизга қарши бирон мададкор топа олмаган бўлур эдингиз» [Исро 74-75] □

УММАТ СИЁСАТ ТУФАЙЛИ БАХТСИЗЛИККА УЧРАГАНИ ЁЛГОНДИР

Абдурраҳмон Омирий – Яман

Асрлар давомида ўз давлатига эга бўлиб келган, Уммати халқлар ичида энг яхши Уммат бўлган Исломнинг қайта тикланишини олдиндан бартараф қилиш учун Ғарб давлатлари ўзларининг жирканч услубларини айёрлик билан ишга солишимоқда. Коғир Ғарб давлатлари Исломга қарши тил бириктириб, макр қилаётган бўлса-да Аллоҳнинг изни или Ислом яна қайта тикланади. Ғарб малайлари Исломий Халифаликни тиклаш орқали динни барпо қилишга ҳаракат қилувчилар йўлига тўсиқ қўяётган ҳамда бу йўлдан уларни буриб юборишга уринаётган бўлса-да Аллоҳнинг изни или Халифалик тикланади ва бутун дунёни капитализмнинг шафқатсизлигидан қутқаради. Ҳа, модомики Ислом учун ҳаётини тиккан холис кишилар бор экан, Аллоҳнинг изни или Ислом яна қайта тикланади. Бу холис кишилар Исломнинг шаръий аҳкомлари ва муолажаларини тушунишда шаръий ижтиходга эргашмоқдалар ҳамда Ислом давлатини барпо қилишда Расулуллоҳ ﷺ тариқатларидан бориб, куфр фикрларининг бузуқлигини ва яроқсизлигини баён қилиш учун бу фикрларга қарши курашмоқдалар ва унга альтернатив бўлган фикрни ҳавола қилмоқдалар. Шунингдек, улар мустамлакачи коғир Ғарбга малай бўлган хукмдорларга қарши сиёсий кураш олиб бормоқдалар ҳамда Исломни бошқарувга олиб чиқиш учун бу фикрни ва уни кўтариб чиқувчиларни химоя қилишни сўраб куч эгаларидан ёрдам талаб қилмоқдалар... Ғарб эса, бу фикрлар давлатни пайдо қиласиган фикр бўлгани учун унга қарши хужум бошлади. Бу фикрлар Ғарб ҳазоратига хатар бўлгани ва уни таг томири билан қўпориб ташлаши мумкин бўлгани учун уларга қарши тўсиқ қўйди. Ислом давлати куфр фикрлари билан қулатилган бўлса, Аллоҳнинг изни или яна ҳақиқий исломий фикрлар билан ўз ўрнига қайтади.

Ислом ва унинг давлатини яна ҳаётга қайтарадиган ишлар қуйидагилардир:

- Ислом ҳаётнинг барча ишлари, яъни иқтисод, бошқарув, муомала, суд, таълим, соғлиқни сақлаш, қўшин, қишлоқ

хўжалиги, саноат, тижорат, уруш ва тинчлик каби барча ишларини муолажа қилиши... Ислом ҳаётни бошқариши учун унинг давлатини тиклаш лозимлиги ҳақида ваъти омдан келиб чиқсан раъти омни пайдо қилиш.

– Фикрлар ва қонунларни қулатиш ҳамда ҳоким ва маҳкум ўртасида капиталистик фикр асосида тикланган алоқаларни қулатишга ҳаракат қилиш орқали фикрий ва сиёсий кураш олиб бориш. Бу фикрларнинг бузуқлиги ва инсониятга бўлган ёмон таъсири, хусусан ўша фикр эгаларига бўлган ёмон таъсирини баён қилиш. Режимларнинг воқеи, уларнинг хорижга боғлиқ эканини фош қилиш. Шунингдек, партиялар ҳамда илмоний ва илмоний бўлмаган оқимларнинг воқеини фош қилиш. Бу ишлар Farb ва унинг малай ҳокимлари лойиҳаларига қарши туриш ва уларни Умматда рӯёбга чиқармаслик ҳамда Ислом ҳукмларининг Умматни уйғотишдаги ролини кўрсатиш орқали амалга ошади. Farb ва унинг ҳокимлар, малайлар ва илмоний партиялардан иборат жарчилари эса, қуйидаги ишларга суннади:

1 – Шубҳали гап-сўзлар тарқатиш, Қуръонни маъносига зид равишида тафсир қилиш, «Зууратлар таъқиқланган нарсаларни мубоҳга айлантиради» (Холбуки бу ерда зарурат эмас, мажбурий ҳолат кўзда тутилган), «Фоя воситани оқладайди», «Нимада фанфаат бўлса у шариатдан», «Йўқдан кўра бори афзал», каби Исломдан бўлмаган, балки уни йўқ қилишга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқиш орқали Исломга зарба бериш. Кофирлар бу ишларни даъват бошлангандан бошлаб бугунгача давом эттиришмоқда. Масалан, олдин Қуръонга амал қилиш кифоя қиласи Росууллоҳ ﷺнинг ҳадиси шарт эмас дейдиганлар бўлиб, улар қуръонийлар деб аталар эди. Кофирлар бугун ҳам ўша даъватни янгиламоқда. Демак, Исломга зарба бериш давом этмоқда ва деярли ўзгармади. Олдин дин эгилувчандир деган нарсани ҳужжат қилиб, уни ўзгартириш ва воқега мослаш керак дейишган эди. Бугун эса, ҳикмат мўминнинг йўқотган нарсаси, уни қаерда топса олиши зарур деган нарсани ҳужжат қилиб, диний мурожаатни янгилаш керак ҳамда ҳар бир фойдаси ва манфаати бор нарсадан фойдаланиш зарур дейишмоқда.

2 – Сиёсат тушунчасига зарба бериш. Бунинг учун кофир Farb регионал кучлар томонидан қўллаб-қувватланган

партияларни вужудга келтиради. Бу партияларни қўллаб-куватлаган регионал кучлар Farb билан мустаҳкам алоқада бўлади. Бу партиялар ҳокимиятни эгаллаш ва манфаатни қўлга киритиш устида ўзаро рақобатлашадилар ҳамда манфаатларни қўлга киритиш учун турли шиорларни кўтариб чиқиб, Умматни устидан масхара қиласидилар. Кейин, манфаатлар қўлга киритилган пайтда Уммат учун уйғонишни ҳам, манфаатни ҳам рўёбга чиқармайдилар.

Натижада, Уммат уларни инкор қиласиди ва мусулмонлар уларни айблайди. Fайримусулмонлар томонидан улар ҳам, Ислом ҳам ҳақорат қилинади. Буларнинг барчаси Farb режаси асосида олиб борилади. Ундан мақсад – Уммат ичиға сиёсатни ҳаётдан узоқлаштириш керак деган фикрни киргизишидир. Бу нарса Farb таклиф қилаётган илмонийлик ҳамда динни ҳаёт ва сиёсатдан узоқлаштириб, масжидга чеклаш керак, деган фикр билан уйғундир. Бу партия ва жамоатларнинг муваффакиятсизлигига олиб борган сабаблар қуидагилардир:

– Бу партия ва жамоатлар Умматни қутқарадиган ва уни қийинчиликдан халос этадиган ҳазорий лойиҳа ва программага эга эмас. Шунингдек, татбиқ қилиш ва амалий муолажага яроқли манҳажга ҳам эга эмас.

– Бу жамоатлар ўzlари таклиф қилаётган фикрларда хоҳ далил билан ва хоҳ далилсиз мутаассиблик қилишлари. Ҳолбуки, бу фикрлар катъийликни эмас, зонни ифодаловчи фикрлардир.

– Улар Farbdagi ривожланиш, маданият ва ҳазорат сиёсатдан узоқлашиш ва динни ҳаётдан ажратиш (илмонийлик) туфайли амалга ошган деган гап-сўзлардан таъсиранган эди. Шунингдек, мусулмонларни адаштириш учун айтилган Farb қолоқ эди, динни ҳаёт ва сиёсатдан ажратганидан кейин уйғонди ҳамда ривожланди, янги ҳазорат эгасига айланди ва тараққий этди каби гап-сўзлардан таъсиранган эди.

Булар Farb Умматни тубанлаштириш учун ишлатган айрим омиллардир. Farb бу ишларни малай режимлар, илмоний партиялар ва бузук сақофат орқали амалга оширди. Farb одамлар сиёсат ифлос ва алдамчи нарса, пок динни унга аралаштириб бўлмайди деб тушунишлари учун уларнинг мияларини «тозалади»... Кураш шахсий манфаатларни рўёбга чиқариш устида бўлар экан, сиёсат ҳакиқатда Farbdagi каби

ифлос ва алдамчи нарса бўлади. Бундай пайтда сиёсатдан фақат кураш, инқироз ва урушлар келиб чиқади... Аммо исломий тушунчадаги сиёсатнинг нурли жиҳати бор, уни жирканч капиталистик сиёсатга қиёслаб бўлмайди.

Исломдаги сиёсат одамларни хидоятга етаклаб, ер юзини обод бўлишига сабаб бўлади. У Farb тушунчасидаги каби ер юзини вайрон қилмайди, воқе бунга ёрқин далилдир. Исломдаги сиёсат барча нарсадан олдин исломий ақидага боғлиқ. Яъни, у исломий ақидани мусулмонлар ўртасида мустаҳкамлаш ва уни бутун оламга ёйишда ишлайди. Демак, исломдаги сиёсат Исломни ичкарида татбиқ қилиш ва ташқарига олиб чиқиша керак бўлади. Сиёсат сўзининг Исломдаги асл маъноси ҳадис шарифда келган ساس پیوسوس феълидан олингандир. Пайғамбаримиз ﷺ бу ҳақида шундай дейдилар:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسْوُشُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيٌّ بَعْدِي، وَسَتَكُونُ خَلْفَاءُ فَتَكْثُرُ. قَالُوا: فُمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُوَّا بِيَعْنَى الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلِ، وَأَعْطُوهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ سَائِلُهُمْ عَمَّا اسْتَرْعَاهُمْ»

«Бану Исроилга пайғамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўладилар ва улар кўпайиб кетади. Саҳобалар бизни нимага буюрасиз? - деб сўраган эди, айтдиларки: Энг биринчисининг, яна биринчисининг байъатига вафо қилинглар. Уларнинг ҳақларини ўзларига беринглар. Зоро, Аллоҳ улардан раият (фуқаро)ни қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди». Муслим ривояти. Ҳадисдаги қалимасининг маъноси одамларнинг ишларини барча яхшиликларни ўзида жамловчи Аллоҳнинг буйруғи билан бошқаради, деганидир. Шунинг учун улар айтган сиёсат ифлос иш деган гап ўзларининг сиёсати ҳақидаги гапдир. Исломдаги сиёсатнинг маъноси эса, мусулмонлар ҳақида айтилгандир.

﴿قُلْ كُلُّ يَعْمَلُ عَلَى شَاكِلَتِهِ فَرِبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَنْ هُوَ أَهْدَى سَبِيلًا﴾

«Айтинг: Ҳар ким ўз ҳолича амал қилур. Парвардигорингиз тўғри йўлдаги зотларни жуда яхши билур (ва ҳар кимга қилган иш-амалига мувофиқ жазо-мукофот берур)» [Исро 84]

Пайғамбаримиз ﷺ мана шу маънодаги биринчи сиёсатчи бўлган эдилар. Сийрат китобларида Пайғамбаримиз коғирлар билан қандай позиция ва муомалада бўлгани, уларнинг режаларини қандай фош қилгани ва Уммат манфаатларини қандай табаний қилгани ҳақида айтилган. У киши яна ҳаётимизни ақида асосида юргизишга даъват қилас экан, ақидани сиёсий тарзда олишни таълим берган эдилар. Ақидадаги фикрлар Афлотуний яъни назарий эмас, амалий бўлган эди. Чунки, Ислом ақидани амаллар асоси қилиб белгилади. Ақида мусулмонларни олам ишларига эътибор бериш, уларни тўғрилаш ва уларни шаръий ҳукмларга биноан бошқаришга ундейди. Бу олам масъулиятини олий даражада хис этишдир. Ақида фикрлари мана шу ҳаёт, ундан олдинги вужуд ва ундан кейинги ҳаётни ўз ичига олади. Мана шу маънодаги сиёсат барча инсониятни бошқаради ва шундай бўлди ҳам. Чунки, Ислом олиб келган шаръий ҳукмлар ирқи, жинси ва рангидан қатъий назар инсоният учун тушган ҳукмлардир... Farb сиёсатнинг Исломдаги мана шундай юксак маъноси туфайли уни хунук кўрсатиш ва унинг ўрнига бошқасини алмаштиришга ҳаракат қиляпти. Сиёсатни тушунишда Ислом ақидаси асос бўлса, бу сиёсат қандай яхши натижалар беришини бир тасаввур қилиб кўринг!

Сиёсат одамларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши ва улар ўртасида адолат рўёбга чиқиши учун уларнинг ишларини шаръий ҳукмлар билан бошқариш деганидир. Чунки исломий давлат фуқароларнинг ишларини назорат қилас экан, нафақат мусулмонларнинг ишлари, балки турли миллат ва эътиқод вакилларининг ишларини ҳам назорат қилади. Исломий давлат дунёдаги барча халқларга баробар яхшилик улашади. Шунинг учун исломий давлатнинг сиёсий ишлари Исломни татбиқ қилиш ва уни ёйишда энг кўзга кўринган жиҳати бўлди. Буларнинг барчаси сиёсатдандир.

Росулуллоҳ ﷺ Макка ва Мадинада сиёсатнинг энг юксак суратини кўрсатдилар. Чунки, бунда Ислом нафақат ҳидоят дини, балки бошқарув дини эканини кўрсатдилар. Масалан, Маккада Росулуллоҳ ﷺ ўз даъватини ер юзида Аллоҳнинг ҳукмини барпо қиладиган давлат қуришга қаратдилар ва бу сиёсий иш эди. У киши Қурайшнинг саййидлари, иш эгалари ва сиёсатчиларидан иборат аъёнларига қаратади:

«كَلِمَةٌ وَاحِدَةٌ نُعْظُمُنِيهَا تَلْكُونَ إِلَّا الْعَرَبُ، وَتُلَيِّنُ لَكُمْ إِلَّا الْعَجْمُ»

«Менга биргина сўзни айтинглар, шу туфайли бутун араблар устидан ҳукмрон бўласизлар, бутун ажамлар сизларга итоат қиласди», дедилар. Улар эса, Ресулуллоҳ ﷺ қарши уруш бошлашди, чунки улар Ресулуллоҳ ﷺ улардан салтанатни тортиб олишни ирова қилаётганини билишди. Ресулуллоҳ ﷺ даъват йўлида уларга сабр қилдилар. Улардан ноумид бўлгач, бошқа қабилаларга мурожаат қилиб, Аллоҳнинг буйруғини адо этиш ва давлатини барпо қилиш учун улардан ёрдам сўрадилар. Ресулуллоҳ ﷺ ёрдам беришларини сўраб даъват қилган кишилар у кишининг даъватини худди шундай тушунган эдилар. Масалан, Бану Саъсаанинг элчиларини Аллоҳнинг рисолатини етказгунича у кишини ҳимоя қилишларига даъват қилган пайт улардан бир киши: Агар биз сенинг ишининг устида сенга байъат қилсан, Аллоҳ душманларинг устидан сени ғолиб қилса, сендан кейин бу иш бизники бўладими? – деди. Шунда Ресулуллоҳ ﷺ: Бу иш Аллоҳники, уни ўзи хоҳлаган ўринга қўяди – дедилар. Шунда у киши: Биз сени деб араблар билан жанг қилсан, Аллоҳ сени ғолиб қилганидан кейин ҳокимият бошқасига бўладими? – деди. Улар: Бундай ишнинг бизга кераги йўқ, деб бош тортдилар.

Бу иш Мадинанинг етакчилиаридан ёрдам сўраш орқали исломий давлатни тиклаш ҳамда мана шу давлат асосида ўз етакчилигини мустаҳкамлаш ва мусулмонларнинг ишларини шаръий ҳукмлар билан бошқариш билан ниҳоясига етди. Кейин Мадинада ҳам иш шу тарзда давом этди. Чунки Ресулуллоҳ ﷺ сиёсатга аралашмаслиги мумкин эмас эди. Балки У кишининг барча ишлари сиёсатдан иборат бўлди. Ресулуллоҳ ﷺ ибодат, ахлоқ, муомала, жиҳод ва бошқа шаръий ҳукмлар каби турли Ислом ҳукмларини етказар, татбиқ қиласар ва ёяр эканлар, уларни назорат қилиш ва фуқароларнинг ишларга эътибор бериш шаклида амалга оширидилар. Ресулуллоҳ ﷺ ғазотларда иштирок этиб ғалабалар қилдилар, фатҳ қилинган юртларни Ислом билан бошқардилар. Волий ва қозиларни тайинладилар. Абу Бакр ва Умарни ўзининг ердаги вазирлари деб атадилар. Элчиларни қабул қилдилар ва турли ерларга хурмони чамалаб ўлчаш учун шу соҳа мутахассисларини юбордилар.

Сиёсат Исломнинг асл моҳиятида мавжуд, у инсон муаммоларини муолажа қилишда ўз кучини ақида ва шаръий хукмдан олади. Сиёсат Уммат ва инсониятга баҳт олиб келган. Исломий давлат тарихи шу даражада ёрқин бўлганки, аҳолисидан олдин уни душманлари мақташган...

Шундан келиб чиқиб айта оламизки, ким Умматнинг баҳтсизлигига сиёсат сабаб деса ёлғон айтибди. Тўғри, агар сиёсат очкўз, золим ва ваҳший капитализмга асосланган бўлса, Уммат баҳтсизлигига сабаб бўлади. Аммо сиёсат исломий ахлоқ принципларига асосланса, инсоннинг ҳурматини ўз ўрнига қўяди ва ҳуқуқларига риоя қилади. Мусулмон киши мана шуни яхши англаши ва энг юксак сиёсатни олиб борадиган исломий давлатни тиклаши лозим. Бутун инсоният капитализмнинг чексиз ёвузликларидан азоб чекаётган экан, у айнан мана шу сиёсатга муҳтождир.

Сўнгги сўзимиз шуки, Ғарб халқлари капитализм оловида ёнмоқда. Агар бу халқлар улардаги сиёсатни бир гуруҳ очкўз капиталистлар бошқараётганини англаса, уларга қарши қўзғолон қилишади. Шунингдек, улар Исломдаги олий қадриятларни тушунса, албатта уни қабул қилишади. Ҳа, Ғарб халқлари Ислом бандаларни капитализм зулмидан Ислом адолатига олиб чиқиш учун келганини ўз кўзлари билан кўришганда Исломни қабул қилишади... Кутган киши учун эртанги кун жуда яқиндир. □

ПАЙГАМБАРЛИК МИНХОЖИ АСОСИДАГИ РОШИД ХАЛИФАЛИКНИНГ ВАҚТИ КЕЛДИМИ?!

Ҳозирги пайтда Ўрта Шарқ деб аталаётган араб минтақаси тарихини, шунингдек мусулмонларнинг бугунги тарихини ўқир эканмиз, тарих тақрорланаётганига ва бугунги тарих билан кечаги тарих ўртасида деярли фарқ йўқлигига гувоҳ бўламиз.

Масалан, араблар жоҳилиятда ўша даврдаги қучли ва таъсирга эга икки давлат, яъни Форс ва Рум давлатларига солиштирганда, на қадр-қиммат ва на вазнга эга эди. Чунки, ўша пайтда араб минтақаси шу икки империянинг таъсири ва нуфузи остида бўлган. Форс империяси Ироқ, Баҳрайн, Яман ва ярим оролнинг шимоли-шарқий қисми устидан хукмрон бўлса, Рум империяси Шом, Миср, Шимолий Африка соҳиллари ва Мағриб юртларига хукмрон эди. Бу минтақалар улар томонидан босиб олинган бўлиб, ҳокимлари ушбу икки давлатнинг бирига бўйсунар эди. Аммо Ислом рисолати бешиги бўлмиш Араб ярим оролининг марказида тарқоқ, ўзаро бир-бири билан урушадиган ва саҳро ҳаётида яшайдиган одамлар жойлашган эди. Улар асосан чорвачилик билан шуғулланиб, дехқончилик ва саноатдан йироқ эдилар. Улар яйловлар ва сув ресурслари борасида бир-бири билан урушар эдилар. Уларни бирлаштирадиган фикри ва яхшилик сари жамлайдиган етакчиси бўлмаган. Форс ва Рум чегаралари яқинида икки кичик давлат, яъни Румга тобе Ғассонийлар мамлакати ва Форсга тобе Лахмийлар мамлакати жойлашган эди. Бу икки мамлакат ўз чегараларидан ташқарида ҳеч қандай хукмронликка эга эмас эди. Араб ярим ороли аҳолиси, яъни марказдаги ҳалқлар ҳамда Ғассонийлар ва Лахмийлар буларнинг барчаси Форс ва Рум зўравонлигига на ҳарбий жиҳатдан ва на сиёсий жиҳатдан қарши чиқа олар эди... Мана шу асл мавзу ва ундаги муҳим қисмдир... Лекин Аллоҳнинг иродаси барча нарсадан устундир.

Аллоҳ Таоло Пайғамбар ва элчиларнинг охиргиси бўлмиш Мұхаммад ﷺ ни юборишидан олдин араб ярим ороли қабилалар ўртасидаги кўп урушларга гувоҳ бўлди. Бу урушлар Ислом келгунича давом этди. Ўша урушлардан бири Дохис ва Ғабро билан Абас ва Забён ўртасидаги уруш бўлиб, у сулҳ билан ниҳоясига етди. Иккинчиси Бикр ва Тағаллуб қабилалари ўртасидаги Басус уруши бўлиб, у Тағаллуб ғалабаси билан тугади. Учинчиси Қурайш иттифоқчиси Кинона билан Ғатафон ва Ҳавозин

иттифоқчиси ўртасидаги Фижор уруши бўлиб, у сулҳ билан тугади. Урушларнинг яна бири Фассонийлар билан Лахмийлар ўртасидаги Явми Халима уруши бўлиб, унда Фассонийлар ғалаба қилди. Охирги уруш эса, хижратдан беш йил олдин бўлган Абс ва Хазраж қабилалари ўртасидаги урушдир... Бундан ташқари яна бир қанча урушлар бўлди-ки, уларнинг айримлари узоқ йиллар давом этди. Бу урушларни кузатган киши уларни араб қабилалари бошига тушган фалокат бўлган деб гумон қилади. Лекин бу урушлар Аллоҳнинг иродаси билан бунинг акси бўлган эди. Чунки бу урушларда ўз қабилаларига кучли таъсири бўлган тоғутлар қулади. Бу урушларда зулму туғёнга ботган мутакаббир қабила бошлиқлари туфайли ҳўлу қуруқ баробар ёнди. Аллоҳ Таоло бу урушлар орқали кучли жангчи бўлган уруш кишилари ва моҳир сиёсий қўмондонларни тайёрлашни хоҳлади. Аллоҳ Таоло ушбу яланғоч, ялангоёқ ва оддий одамлардан Пайғамбар ﷺ ва динга ёрдам берадиган кишиларни чиқишини хоҳлади. Аллоҳ Таоло ушбу буюк рижоллар орқали ўз дини ва Пайғамбарини ғолиб қилди. Улар Аллоҳнинг фазли туфайли ушбу динни ер юзига тарқатишиди. Оламдаги икки кучли империяга якун ясашди ва уларни бурнини тупроққа ишқашди. Уларнинг аксарияти Исломга кирди. Олдин ялангоёқ бўлган кишилар оламдаги энг буюк давлат, яъни исломий давлатни тиклашди.

Исломий Уммат бугун бошдан кечираётган аҳволига қараган одам тарих такрорланаётганини кўради. Фақат бу ерда бир фарқ мавжуд, у ҳам бўлса, араб қабилалари Аллоҳга ишонмас ва бутларга ибодат қиласар эдилар. Бугун эса, одамлар мусулмон. Лекин мустамлакачи коғир Farb исломий давлатни қулатиб, уни арзимас давлатчаларга бўлиб юборди. Уларга ўзига хос чегараларни белгилаб, бир бири-билин урушадиган қилди. Шунингдек, ҳар бир давлат учун ўзига хос байроқ, гимн, паспорт ва виза ҳужжатлари тайинлади... Уларнинг ичига ватанга бўлган муҳаббат, миллатчилик, ирқчилик ва мазҳабпастлик уруғини экди. Таълим программаси ва ахборот воситалари орқали одамлар қалбida ушбу тубан тушунчаларни қадрлаш туйғусини кучайтириди. Ҳар бир давлат тепасига бойликларни талон-тарож қилиш, Farb таълими, ақидаси ва ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарини ёйиш, Уммат фарзандлари миясида Ислом таълимини ўчириш ва ёшларни суюлтириш каби ишларда ўзига вакил бўлиши учун малай ҳокимларни қўйди... Farb мақсадига эришди, чунки Умматнинг аксар ёшлари тубанлашиб, арзимаган ишлар тўғрисида фикрлайдиган бўлиб қолди. Уларнинг қўпчилиги спорт, санъат ва

модага берилиб кетди. Бу борада Американинг Голливуд ва Ҳиндистоннинг Болливуд фильмларида ўйнайдиган артист ва актисалар ҳамда фохишалардан ибрат олишиди. Аслида бугун Уммат ёшлари худди кечагидек Исломни ҳидоят нури ва рисолати сифатида кўтариб чиқишилари, давлат етакчилари бўлишлари керак эди. Шунингдек, улардан шариат соҳасида ёки астрономия, физика ва химия каби экспериментал (тажрибага асосланган) фанларда етук уламолар етишиб чиқиши керак эди...

Лекин бугун, хусусан золим режимларга қарши қўзғолонлар бўлган юртларда Уммат бошдан кечираётган аҳволга келсак, қўзғолон натижасида тоғутлар қулади. Ушбу тоғутлар ўзларини ўз халқидан ҳимоя қилиш учун хавфсизлик тизимини, бойликларни талон-тарож қилиш учун эса, молиявий империяларни ташкил қилишган эди. Улар кўз очиб юмгунича қулади ва парчаланди. Одамлар улардан тахтдан кетишини талаб қилгач, кофир Farb уларни йўлнинг ўртасида ташлаб кетди. Агар кофир Farb қўзғолонларни ўз томонига оғдириб олмагандা, мусулмонлар ўз мақсади, яъни адолатга эришган бўлар эди. Адолатни эса, Халифаликдан бошқаси рўёбга чиқармайди. Мана шу нарса Уммат ёшларининг эътиборини ўзартириди. Чунки ёшлар ҳокимларни қулатиш ва ўзгартериш мумкин эканини ва бунинг учун фикрларни ўзгартериш зарурлигини тушунишди. Қўзғолондан сўнг минтақа куролли курашга кўчди ва ёшлар икки қисмга бўлиниб қолди. Биринчиси: Урушга киришдан қочадиган қисм. Иккинчиси: Урушдаги икки тарафнинг бирида жанг қиласидиган қисм.

Қисқача айтганда, Уммат бугун бошдан кечираётган ҳодисалар биринчи Ислом давлати барпо бўлишидан олдин минтақа гувоҳи бўлган ҳодисалар билан бир хилдир. Чунки қўзғолонлардан кейин бошбошдоқлик тарқалди ва урушлар содир бўлди. Бўлаётган ҳодисалар гўё қийинчилик ва машақкатларни кўтара оладиган ёшларни пайдо қилаётганга ўхшайди.

Аксар минтақалар электр энергияси ва нефть инқирози, қимматчилик, қамал ва очарчилик каби салбий ҳолатларга гувоҳ бўлди. Шунингдек, самолёт, ракета ва ҳарбий кемаларнинг портлашини эшлишига кўникди. Лекин ушбу аламли вазиятлар гўё Умматни ўз ақидасига қайта боғлаётгандек. Чунки бу ҳодисалар одамларни ҳал қилувчи ечимни излаш ҳақида фикрлайдиган қилди. Энг муҳими бу ҳодисалар малай ҳокимлар, сарой уламоларидан иборат адаштирувчи шахслар, ахборот воситалари ва ўзларини Ислом ва мусулмонларни уйғотишига ҳаракат

қилаётган қилиб қўрсатаётган жамоаларнинг сохталикларини фош қилди. Шунингдек, Ислом улардан ва уларнинг амалларидан пок эканини исботлади. Одамлар ичida жиҳод тушунчасини тирилтириди. Умматга кофир Ғарб, БМТ ташкилоти ва унинг ёвуз элчиларини фош қилди...

Бугунги аҳволимизга қараган киши уни Уммат бошига тушган фалокат деб ўйлади. Лекин бу ҳолат Аллоҳнинг тадбири бўлиб, у уруш ва етакчилик кишилари ҳамда Халифалик тикланган кунда ушбу давлат билан ёнма-ён турадиган сиёсий кишилар чиқишидан дарак бермоқда. Чунки давлат мустамлакачи кофирга қаттиқўл ва мўминларга шафқатли кишилар билан бардавом туради. Бизни қайғуга ботирган ва бизга зарар етказган урушлар ва қон тўкишлар бўлишига қарамай, бугун Умматни ўз ақидаси, дини ва Исломига боғлаш осон бўлиб қолди...

Биз Аллоҳдан бу ишларнинг самараси буюк ва баракотли бўлишини сўраймиз. Шунингдек, Аллоҳга ёрдам берадиган, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлатига ёрдам берадиган кишилар шаръий вазифаларини бажарадиган бўлишини сўраймиз. Уларнинг вазифаси динга ва Пайғамбаримиз ﷺ башорат қилган Халифаликни тиклаш учун харакат қилаётган кишиларга ёрдам беришdir.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُوْنُوا أَنْصَارَ اللَّهِ كَمَا قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ لِلْحَوَارِيْسَنَ مَنْ أَنْصَارِي
إِلَى اللَّهِ قَالَ الْحَوَارِيْوْنَ حَنْ أَنْصَارُ اللَّهِ فَعَانَتْ طَائِفَةٌ مِّنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَكَفَرَتْ
طَائِفَةٌ فَأَكَيْدَنَا الَّذِينَ ءَامَنُوا عَلَى عَدُوِّهِمْ فَأَصْبَحُوْا ظَاهِرِيْنَ﴾

«Эй мўминлар, сизлар ҳам худди (ҳаворийлар каби) Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлингиз! — Исо ибн Марям ҳаворийларга: «Аллоҳга (яъни Унинг динига даъват қилишимда) ким менинг ёрдамчим бўлур?» деганида, ҳаворийлар айтдилар: «Биз Аллоҳнинг (динига) ёрдам бергувчилармиз». Бас, Бану Исроилдан бир тоифа (одамлар Исога) имон келтириди ва бир тоифа кофир бўлди. Бас, Биз имон келтирган зотларни душманларидан кучли қилиб, улар (кофирлар устига) ғолиб бўлиб қолдилар» [Соф 14] □

ШАРЬАН ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ВА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМАГАН ХУКМДОРЛАР ҲАҚИДА УЗИЛ-КЕСИЛ ГАП

Абу Низор Шомий

Амр-фармон фақат Уники бўлган, Унинг шариатидан ўзгага итоат этилмайдиган, унинг авлиёю дўстларидан бошқани дўст тутилмайдиган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Биринчи иш эгаси, энг мукаммал шариат соҳиби Росууллоҳга, у кишининг оиласига ва саҳобаларига салоту саломлар ёғилсин.

Ислом давлати қулатилиб, Фарб юртлар тизгинини қўлга олиб, бу юртларга тоғут ҳукмдорларни ўтқазиб қўйганидан сўнг «**أَلْوَهُ إِلَّا مَرْءٌ** иш эгалари»га итоат қилиш масаласи катта баҳсу мунозара мавзусига айланди. Тоғут ҳукмдорлар ер юзини зулм ва бедодликка тўлдиришди, Ислом юртларига золим подшоҳлик бошқарувини ўрнатишиди. Бунинг оқибатида Уммат яна эски жоҳилият кунларига қайтиб қолди.

Бундай аянчли аҳволнинг энг ёмон жиҳати Уммат қаршисида уламолар тўнини кийиб олиб, ўзини фозил кўрсатаётган кимсаларнинг пайдо бўлиши бўлди. Улар жаллодлар тарафини олиб, жаллодлар кундасига бош қўяётган Уммат зарарига маъруза қилишмоқда, сабр қилинг, итоат этинг, зулм ва куфрни қабул қилинг, орtingизга урилган қамчига чиданг, чунки сизни иш эгалари қамчиламоқда, **دَعَى إِلَيْهِمْ بِالْحَقِيقَةِ**!!! Подшоҳлар зулми етмагандек, утига-устак, Умматнинг куни мана шундай «уламолар»га қолди.

Муҳаммад Амон Жомий асос солган Жомий оқими, асосчиси Робиъ ибн Ҳодий Мадхалий бўлган Мадхалий харакати, Муҳаммад Саид Раслон асос солган Мисрдаги Раслоний оқими ва булардан бошқа бошқа Росууллоҳ **نَبِيُّنِ** суннатини ниқоб қилиб олган гуруҳлар бор. Бу ўринда бу оқимларнинг номи муҳим эмас. Мухими, айни номдаги гуруҳлар томонидан Росууллоҳ **سَنَّتُهُ** суннатларининг бузиб кўрсатилишидир!!!

Умумий олиб, ўзларини салафларга мансуб дея иддао қилаётган бу гуруҳларнинг даъвати қандай эканини қўйидаги пунктлардан хулоса қилиш мумкин:

1 – Ҳукмдорларга ҳукмдор, деган эътиборда дўст бўлиб, уларни ҳимоя қилишяпти, гуноҳларини оқлаб, уларга қарши чиқишни, ҳатто рақобат қилишни ҳаром, дейишяпти. Ҳатто бу ҳукмдорларга ҳақ сўзни айтган кишиларни айблаб, уларни хаворижлар, дўзахи итлар, дея ҳақоратлашяпти, уларни – ҳатто уламолар ва покдомон зотлар бўлсалар ҳам – ўлдиришга рухсат беришяпти.

2 – Анави ҳукмдорлар ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб, Уммат салтанатини тортиб олган бўлса ҳам, уларни қонуний, дея тасдиқлашмоқда.

3 – Ҳукмдорлар ҳар қанча туғёнга бориб, зулм қилиб, ер юзида бузғунчилик қиласа ҳам, ҳатто куфр билан ҳукм юритиб, Аллоҳнинг душманларини дўст тутса ҳам уларга мутлақ итоат қилишин таъкидлашмоқда... Ҳатто баъзи «уламолар» ҳукмдорлар коғир бўлса ҳам, уларга итоат вожиб, дейишгача борди!!!

Бироқ улардан ғулу кетмаганларигина қуийдаги беш шарт топилсагина ҳукмдорга қарши чиқиш жоизлигини айтишди:

1 – Ҳукмдорнинг шариатга қарши иш қилганини кўришлик шарт, фалончи-пистончидан эшитишга таянилмаслик керак. Бунинг тасдики, Уббода ибн Сомит  ривоят қилган хадисда Набий нинг

«إِلَّا أَنْ تَرُوا كُفُّرًا بَوَاحًا عِنْدَكُمْ مِنَ اللَّهِ فِيهِ بُرْهَانٌ» ...»

«... Фақат очиқ куфрни кўрсангиз ва сизда бунга Аллоҳдан ҳужжат-далил бўлса, (хукмдорга қарши чиқишингиз жоиздир)», деган сўзларидир. (Бухорий ривояти).

2 – Мусулмонлар ҳукмдорда кўрган иш куфр бўлиши шарт, яъни, уни диндан чиқармайдиган фосиқлик ёки осийлик бўлмаслиги керак. Масалан, бутга сифиниш ёки Аллоҳ ва Росулини сўкиш-ҳақоратлаш каби куфр ишлари.

3 – Ҳукмдорнинг куфр келтирганлиги, юқоридаги хадиси шарифга кўра, очиқ бўлиши шарт. Undagi حَوْلَ السُّعْدِ сўзи очиқ, изоҳга ўрин йўқ, деган маънони англатади. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ўз замонасида куфр, деганда Қуръонни маҳлук деб эътиқод қилиш, дея раъй қилган. Лекин мусулмонлар ҳукмдори Маъмун Қуръонни маҳлук, деган бўлса-да, уни коғир, демади. Чунки Маъмун бу борада таъвил қилган эди.

4 – Ҳукмдорнинг куфр ишини қилганига мусулмонларда қатъий далил билан исботланган очиқ ҳужжат бўлсин. Ҳужжат эса, очиқ-аниқ далилдир.

5 – Ҳукмдорга қарши чиқиш, унинг ҳокимиятда қолишидан ҳам ёмон ва фасод бўлган ишга олиб бормасин.

Шубҳага таяниб хулоса чикарадиган бундай кишиларнинг асосий белгилари шуки, улар Қуръони Карим ва Суннати Шариф нусусларидан ҳамда ўтган алломалару салафи солиҳлар сўзларидан бир мунчасини қурол қилиб олишган. Сўнг ўзларига қарши фикр билдирганларга қарши ёки уларга ҳайрон бўлаётганларга қарши шу нусусларни далил қилишади. Уларнинг

мусулмонларга нисбатан тажовузкорона ва шафқатсиз муносабатда бўлишаётганига, тоғут ҳукмдорларга нисбатан эса, мулоийим-юмшоқ муомалада бўлишаётганига гувоҳ бўласиз!!!

Улар ўзларига қурол қилиб олган нусуслардан машҳури:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمْنَوْا أَطْبِعُوا اللَّهَ وَأَطْبِعُوا الرَّسُولَ وَأُولَئِكُمْ مِنْكُمْ فَإِنْ تَنْتَرَّعُمْ فِي شَيْءٍ﴾

«Роджудо ғареғи ғареғи Аллоҳ ва Рӯсул ин кунтум төмінүн Баллах ва Альйом алайх ҳизб ва ҳасн таъвіла»

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва Рӯсулга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) иши эгаларига итоат қилингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз, у нарсани Аллоҳга ва Рӯсулiga қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» [Нисо 59]

Абу Ҳурайра رضي الله عنه Rosulullohning бундай деганларини ривоят қиласди:

«عَلَيْكَ السَّمْعُ وَالظَّاعَةُ فِي عُسْرَكَ وَيُسْرَكَ، وَمَنْشَطَكَ وَمَكْرُهَكَ، وَأَثْرَةُ عَلَيْكَ»

«(Хукмдорларга) қийинчиликда ҳам, енгилликда ҳам, хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам, (улар) ҳаққингизни тортиб олишганда ҳам қулоқ солиб, итоат қилинг». Бу Насойи билан Аҳмад ривоят қилган фоят саҳиҳ ҳадисдир!

Яна Абу Ҳурайра رضي الله عنه Rosulullohning бундай деганларини ривоят қиласди:

«مَنْ أَطَاعَنِي فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ وَمَنْ عَصَانِي فَقَدْ عَصَى اللَّهَ وَمَنْ عَصَى اللَّهَ فَقَدْ عَصَى أَمِيرِي»

«Ким менга итоат қилса-Аллоҳга итоат қилибди, ким менга осийлик қилса-Аллоҳга осийлик қилибди, ким амиримга итоат қилса-менга итоат қилибди, ким амиримга осийлик қилса-менга осийлик қилибди». Ушбу ҳадисдаги «أميري» амирим сўзи бошқа бир ривоятларда «الأمير» амир ва «الإمام» имом шаклида келади. Муттафақун алайхи бўлган бу ҳадис, фоят саҳиҳ бўлиб, Насойи, Ибн Можа ва Аҳмад ҳам шу каби ҳадисни ривоят қилганлар.

Ибн Аббос رضي الله عنه Rosulullohning бундай деганларини ривоят қиласди:

«مَنْ رَأَى مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئًا يَكْرُهُهُ فَلْيَصِرِّ، فَإِنَّهُ مَنْ فَارَقَ اجْمَاعَةً شَيْبِرًا فَمَاتَ فَمِيتَةً جَاهَلِيَّةً»

«Ким менинг амиримда нохуш амални кўрса, сабр қилсин, зеро, ким жамоадан бир қарич узоқлашса, жоҳилият ўлимида

ўлибди». Бу ҳадис ҳам мутафақуṇ алайхи бўлиб, ғоят саҳиҳдир. Муслим ривоятида

«مَنْ خَرَجَ مِنَ السُّلْطَانِ شَيْرًا مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким султондан бир қарич узоқлашса, жоҳилият ўлимида ўлибди», деб келган. Имом Аҳмад ҳам шу каби ғоят саҳиҳ ҳадисни ривоят қилган.

«يَكُونُ بَعْدِي أَئِمَّةٌ لَا يَهْتَدُونَ هُكْمَاءِ، وَلَا يَسْتَثْنُونَ بِسْتَنَىٰ، وَسَيَقُولُونَ فِيهِمْ رِجَالٌ فُلُوْبُهُمْ قُلُوبُ
الشَّيَاطِينِ فِي جُهْنَمِ إِنْسٍ، قَالَ: قُلْتُ: كَيْفَ أَصْنَعُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنْ أَذْرِكُ ذَلِكَ؟ قَالَ :
شَسْمَعْ وَتُطِيعُ لِأَمِيرٍ ، وَإِنْ ضَرَبَ ظَهْرُكَ ، وَأَخْذَ مَالَكَ ، فَاسْمَعْ وَأَطِعْ»

«Мендан кейин менинг йўлимдан юрмайдиган, суннатимга амал қилмайдиган имом-халифалар бўлади. Улар орасида тани инсон, қалби эса шайтон кишилар бўлади. Шунда мен ўша пайтга етсам нима қилай, ё Росулулаллоҳ, деб сўрадим. Пайғамбар ﷺ айтдиларки, амирга қулоқ солиб, итоат қиласиз, ҳатто орқангизга урса ҳам, молингизни тортиб олса ҳам, қулоқ солинг ва итоат қилинг». Бу ҳадисни имом Муслим ривоят қилди. Ҳоким ҳам Абу Ислом орқали шунга яқин ҳадисни ривоят қилган.

Уламолар сўзларидан:

Шайхул Ислом Ибн Таймийя «Минҳожу суннат» китобида бундай дейди:

«Шунинг учун аҳли суннат мазҳабидан шу нарса машхурки, улар – агар халифалар зулм қилсалар, уларга қарши чиқмаслик ва уларга қарши қилич кўтармаслик керак, деганлар. Шунингдек, бунга Набий ﷺ дан ривоят қилинган жуда кўп саҳиҳ ҳадислар ҳам далолат қиласи. Чунки қилич кўтаришдаги бузғунчилик ва фитна, қилич кўтармаслик ва фитна чиқармаслик билан содир бўлган бузғунчиликдан ёмонроқдир. Ажабмаски, султонга қарши чиқсан бирор тоифа шу қарши чиқиши билан пайдо бўладиган бузғунчиликнинг, уни ағдаришдаги бузғунчиликдан ёмон эканини билса».

Шундай қилиб, бу «салафий» гурухлар адашиб-улоқиб, хусумат қилишда ҳаддидан ошиб юрар эканлар, бугун ҳаётимиизда бошдан кечираётганимиз фикрий тубанлик ҳамда исломий тушунчалар, айниқса, шаръий сиёсатга оид фикрларнинг йўқлиги уларга тайёр қўл келмоқда. Улар айни ҳолатимиздан фойдаланиб, ўзларининг таянаётган шубҳалари учун энг яхши муҳит ва қуляй замин яратиб олишмоқда.

Улар мухолифга мана шундай очик нусусларни айтишаётган экан, мусулмон киши ҳам афсусланиб, ҳам ҳайрон бўлиб қолмоқда. Ҳайрон қолаётгани шундаки, у анави тогутлардан totaётган зулмлар, сукут ва итаот килиш билан аримайди, аксинча, янада кучаяди, мураккаблашади. Ҳайрон қолаётгани шундаки, Ислом мусулмон қалбига Аллоҳдан бошқага тиз чўкишни ҳам, унга осий бўлишга сукут қилишни ҳам ҳаргиз истамайдиган мағрурликни жо этган. Нега ҳам мағрур бўлмасин, ахир, у ботил хукмдорларга қарши қўзғалган Мустафо нинг сийратларини ўқиётган бўлса... Зотан, Аллоҳ ва Росули бизга Аллоҳ ва Росулига уруш очганларга тиз чўкишга буюрганми, бу ақлга тўғри келмайди-ку?!

Энди, мусулмоннинг афсусланиб қолаётганига келсак, у саҳих нусусларни эшитяпти, аммо уларни рад қилолмайди, қоралолмайди, албатта!!

Шу тарзда жамиятни ўзгартириш кучи заифлашяпти ва ҳаромни ўзгартириш ҳаром бўлиб қоляпти!!! Аллоҳга итоат қилиш чаппасига ўзгариб, Аллоҳнинг душманларига итаот филишга айланмоқда!!! Баҳодир чавандоз Робиъ ибн Омир айтган «Аллоҳ бизни Ўзи истаган кимсани бандаларга ибодат қилишдан бандалар Роббисига ибодат қилиш сари кутқармоқ учун вакил қилди», деган сўзларидаги улуғворлик парчаланмоқда!!!

Шу ўринда бир мұхим нарсага диққат қаратиш керак. Гап шундаки, биз нусуси ва санади бор Умматмиз. Шунинг учун хукмдорларга итоат қилиш керак, деб айтиётган бу гурухга шошапиша раддия билдириб, фикрларини аҳмоқона дейиш ва шубҳаларини фош этиш донолик саналмайди... Чунки бундай ёлғонга эргашган кишиларнинг аксари барча қилмишларини нафс-хаволаридан келиб чиқиб эмас, балки мазкур нусусларни хурмат қилганлари сабабли бажаришади. Шуни ҳисобга олиб, нусусни ўрганмай ва унинг далолатини топмай туриб, улар билан муомала қилиш хато бўлади. Акс ҳолда, хужумимиз унинг фойдасига бўлади, ҳатто у муборак вахига қаттиқ амал қиласигану, биз бўлсак, далилдан ақлни устун қўйювчилар бўлиб кўриниб қоламиз!!

Агар улар ўз шубҳаларига зўраки асос қилиб олган нусус ва масалаларни ўрганиб чиқадиган бўлсак, улар асосан қўйидагилардан иборат эканига гувоҳ бўламиз:

- 1 – Иш эгаларига итоат қилишга буюрувчи нусуслар;
 - 2 – Иш эгаларига қарши чиқмаслик тўғрисидаги ҳадислар:
- Уббода ибн Сомит  ривоят қилади:

«Росулуллоҳ  билан биз иш эгаларига қийинчиликда ҳам, енгилликда ҳам, шодликда ҳам, ғам-ғуссада ҳам, ҳақларимиз тортиб олинганда ҳам қулоқ солиб итоат қилиш ҳамда улардан ишни тортиб олмаслик бўйича байъатлашдик. Фақат уларда очик куфрни кўрсангиз ва бу борада сизларда Аллоҳдан бирор ҳужжат-далил бўлса, улардан ишни тортиб олинг, дедилар. Шунингдек, қаерда бўлсак ҳам ҳақни айтишга, Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмасликка ҳам байъат қилдик». Бу ривоятни Бухорий, Муслим, Аҳмад, Тобарий ва бошқалар ривоят қилганлар. Дарҳақиқат, ривоятдаги очик куфр, деганда ҳукмдорнинг куфрини тушунганлар.

3 – Ҳукмдорларга қарши чиқишга оид ҳадислар:

Муслим саҳиҳида Авф ибн Молийдан ривоят қилинадики, Росулуллоҳ  бундай дедилар:

«خَيَّارُ أَمْتَكُمُ الَّذِينَ تُحِبُّونَهُمْ وَيُحِبُّونَكُمْ، وَتُصَلُّونَ عَلَيْهِمْ وَيُصَلُّونَ عَلَيْكُمْ، وَشَرِّارُ أَمْتَكُمُ الَّذِينَ تُبغضُونَهُمْ وَيُبغضُونَكُمْ، وَتَأْتُعُونَهُمْ وَيَأْتُعُونَكُمْ، قَالُوا: فَلَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَفَلَا نُنَابِدُهُمْ إِنَّهُ ذَلِكَ؟، قَالَ: لَا، مَا أَقَامُوا فِيْكُمُ الصَّلَاةَ، لَا مَا أَقَامُوا فِيْكُمُ الصَّلَاةَ أَلَا مَنْ وَلَى عَلَيْهِ، وَإِنْ فَرَآهُ يَأْتِي شَيْئًا مِّنْ مَعْصِيَةِ اللَّهِ، فَلْيَكُرْهْهُ مَا يَأْتِي مِنْ مَعْصِيَةِ اللَّهِ، وَلَا يَنْزِعَنَّ يَدًا مِنْ طَاغِيَةٍ»

«Имом-халифаларингизнинг яхшилари сизлар уларни яхши кўрадиган, улар ҳам сизларни яхши кўрадиган, сизлар уларнинг ҳаққига дуо қиласидиган, улар ҳам сизларнинг ҳаққингизга дуо қиласидиганлариридир. Имом-халифаларингизнинг ёмони эса, сизлар уларни ёмон кўрадиган ва улар ҳам сизларни ёмон кўрадиган, сизлар уларни лаънатлайдиган, улар ҳам сизларни лаънатлайдиганиридир. Уларга қарши курашмаймизни, ё Росулуллоҳ, дейилди. Ул зот бундай дедилар: Йўқ, модомики намозни барпо қиласар эканлар (курашмайсиз). Қачон бошлиқларингизда бир оз ёқтирамадиган ишни кўрсангиз, бас, унинг амалини ёмон кўринглар, аммо итоат қилишдан бош тортманглар».

Табиийки, улар ҳадисдаги модомики намозни барпо қиласар эканлар, деган сўзни бизни намоз ўқишимизга рухсат берсалар, дяя таъвил қилишди.

4 – Голиб ҳукмдорга итоат қилиш масаласи:

Мен уларнинг нусусларга нисбатан муносабатларини ўрганиб чиқдим, тойилишлари мумкин бўлган нарсани топишга уриниб, айни шубҳалар чакалакзорини обдан текшириб чиқдим. Ва ниҳоят,

Аллоҳнинг тавфиқи ила, уларнинг хатосини топдим: улар фиқхий ижтиход тариқати бўйича уч жиҳатдан хато қилишади:

- Вокени тушунишда ёки манотни текширишда;
- Нусусларни ўқиб чиқишида ва уларнинг ўзаро зид эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун ўрганишда, шунингдек, ўзаро зид келган ҳолатида усул жиҳатидан фойдаланишда;
- Вокега нусусларни туширишда.

Воқени тушуниш ва манотни текширишдаги туб хато:

Афтидан, уларни қаттиқ тойилтирган нарса мана шу хатодир. Ҳатто шу хатонинг ўзи шубҳаларни илдизи билан янчиш учун кифоя қиласди.

Хўш, итоат қилиш шарт бўлган «أَوْلُو الْأَمْرِ» иш эгалари» ким ўзи?
«أَوْلُو الْأَمْرِ» иш эгалари»нинг шаръий маъноси:

«أَوْلُو الْأَمْرِ» – Уммат ишларини бошкарадиган, Умматнинг ишлари жилови ва етакчилиги қўлларида бўлган кишилардир.

Дарҳақиқат, шариатдаги бу каби итилоҳ саҳих ҳадисдаги Росууллоҳ ﷺнинг мана бу сўзларида келган:

«ثَلَاثٌ خَصَالٌ، لَا يُغْلِبُ عَلَيْهِنَّ قَلْبٌ مُسْلِمٌ أَبْدًا: إِحْلَاصُ الْعَمَلِ لِلَّهِ، وَمُنَاصَحةٌ وَلَاءَةُ الْأَمْرِ،
وَلُزُومُ الْجَمَاعَةِ»

«Уч хислат борки, мусулмоннинг қалби уларга ҳеч қачон ғилли-ғаш туймайди: амални Аллоҳ учун холис бажармоқ, иш эгаларига насиҳат қилмоқ, жамоани доим лозим тутмоқ».

Ушбу мақсад Росууллоҳ ﷺнинг Бану Омир қавмига ўзларини рўпара қилиш қиссасида яққол намоён бўлади. Ибн Ҳишом қилган қиссада Бану Омир ибн Саъсаа қабиласидан бўлган Байҳара ибн Фаррос Росууллоҳ ﷺга «Нима дейсиз, агар биз бу ишда сизга байъат қилсан, кейин Аллоҳ муҳолифларингиз устидан сизни ғолиб қилса, ўзингиздан кейин ишни бизга қолдирасизми?, деди. Шунда ул зот

«الْأَمْرُ إِلَى اللَّهِ يَضْعُفُ حَيْثُ يَشَاءُ»

«Бу иш Аллоҳницидир, уни Ўзи истаган жойга қўяди», дедилар. Байҳара «Бизни ўзингиздан кейин арабларга қолдирасиз экан, қачон Аллоҳ сизни ғолиб қилса, иш бошқалар қўлида бўлар экан, бундай ишининг бизга керакмас», деди ва ҳимоядан бош тортди. Маълумки, бу ерда айтилган ишдан мурод ҳукм юритиш ва салтанатдир. Бунга Бану Омир қабиласи бош тортган ишни, Мадинада ҳокимият барпо этишда намоён бўлувчи ишни ансорийларнинг қабул қилганлиги далиллар.

Шунингдек, буюқ башорат бўлмиш ушбу ҳадисдан ҳам бу яққол намоён бўлмоқда:

«لَيَبْلُغَنَّ هَذَا الْأَمْرُ مَا بَلَغَ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ، وَلَا يَنْرُكَ اللَّهُ بَيْتَ مَدْرِسَةٍ وَلَا وَبَرِّ، إِلَّا أَدْخِلَهُ اللَّهُ هَذَا الدِّينَ بِعَزَّ وِبِذُلْلَى ذَلِيلٍ، عَزًّا يُعَزُّ اللَّهُ بِهِ الْإِسْلَامُ، وَذُلًّا يُذَلُّ اللَّهُ بِهِ الْكُفْرُ».»

«Бу иш кеча ва қундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ биронта ҳам ўтроғу кўчманчининг уйини қолдирмасдан унга бу динни азизнинг азизлиги ёки хорнинг хорлиги билан киритади. Азизликки, у билан Аллоҳ Ислом динини азиз қиласди. Хорликки, у билан Аллоҳ қуфрни хор қиласди». Бу ҳадисни Имом Аҳмад, Табароний ва Байҳақий ривоят қилган, ҳоким ва аллома Албоний саҳих, деган.

Шунингдек, Аллоҳ Таолонинг ушбу қаломи:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا أَكْرَسُوْلَ وَأَوْلَى الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва Росулга ҳамда ўзларингиздан бўлган иш эгаларига итоат қилингиз!» [Нисо 59]

Дарҳақиқат, Абу Хурайра ва Ибн Аббос каби барча салафлар «Алоҳи амр иш эгалари» дейишдан мурод амирлар, деган фикрда бўлганлар. Имом Табарий ва Нававий бу фикрни таржих қилган бўлса, салафларнинг барчаси ҳам шундай фикрда бўлган.

Баъзи ахли илмлар «Алоҳи амр иш эгалари» дейишдан мурод уламолардир, деган фикрда бўлганлар. Бироқ дикқат билан ўргангандан киши шунга гувоҳ бўладики, уламоларга итоат қилмаймиз, балки уларга муттабе ва муқаллид бўламиз, худди қонун чиқарадиган ва аҳкомлар табаний қиласидиган амирларга итоат қилиш бизга буюрилгани каби, уламоларга итоат қилишга буюрилмаганмиз.

Демак, мусулмонларнинг итоат қилиш вожиб бўлган иш эгаси уларнинг диний ишига бошчилик қилувчи шахс экан. Чунки бу мусулмонлар ишидир, уларни диндан ўзга ишлари йўқ. Шу боис улар шу динлари билан бошқа одамларсиз битта Умматга айланганлар, шу динлари туфайли Умматнинг ҳазорат-цивилизацияга оид ўзлиги рўёбга чиқади, шу дин туфайли уларнинг сиёсий борлиқлари вужудга келади.

Аммо илмоний конституцион тузум ёки Фарбнинг либерал демократик тузуми ёхуд социалистик миллий тузум каби бошқа тузумлардаги иш эгаларига келсак, улар қандай ишга раҳбарлик қилаётган бўлсалар ўша иш эгаларидир, мусулмонларнинг иш эгалари эмас, яъни, Аллоҳ Таолонинг шариатидан ҳукм олиган

исломий тузум эмас. Бу Аллоҳ Талолонинг ушбу каломи доирасига киради:

﴿وَمَنْ يُشَاقِقْ أَرْرَسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ الْهُدَىٰ وَيَتَّبِعْ غَيْرَ سَبِيلِ الْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهِ مَا تَوَلَّ وَنُصْلِهِ جَهَنَّمَ وَسَاءُتْ مَصِيرًا﴾

«Ким ҳақ ийлни аниқ билганидан кейин пайгамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлларидан бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз, сўнгра жаҳаннамга дохил қиласиз, у нақадар ёмон жойдир!» [Нисо 115]

Шундай қилиб, демак, Аллоҳнинг каломида ёки Росулиниңг ёхуд ишончли фуқаҳоларнинг сўзларида «أولو الأمر»، «الإمام»، «ال الخليفة» каби сўзлар келса, бундан шаръий шартлар топилган амир-раҳбар ёки шаръий имом тушинилади. Аллоҳ ва Росули бу сўзларни қўллаганда куфр раҳбарларини ёки фосиқ ва золим ҳукмдорларни ёхуд ҳокимиятни зўрлик билан босиб олганларни ва бошқа жиноятчиларни назарда тутган, дейиш ножоиздир. Энди, ҳукмдор шаръий имом ёки амир бўлиши учун унда топилиши шарт бўлган шаръий жиҳатларга келсак, улар иккитадир: Ҳукмдорнинг шаръийлиги ва тузумнинг шаръийлиги.

1 – Ҳукмдорнинг шаръийлиги:

Ҳукмдор инъикод шартлари тўла топилиши билангина шаръий ҳукмдор бўлади, масалан, мусулмон, болиғ, оқил ва иқтидор ахлидан бўлган озод каби.

Агар ушбу инъикод шартлари бузилса ёки ҳукмдор ҳокимиятга қуфр тузуми асосида ёки аниқ демократик сайлов билан келган бўлса ёхуд тузум исломий бўлса-ю, бироқ ҳукмдор мусулмонлардан розилик олмасдан ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олган бўлса, бу ҳолатда у ношаръий ҳукмдор бўлади, ҳукмдорлигига шаръий шартлар топилмайди.

2 – Тузумнинг шаръийлиги:

Тузум исломий бўлиб, ичкарида шариатни татбиқ қилиши керак. Яъни, шариат ҳукмронлиги ва ҳокимиятини таъминламоғи, бошқарув ва салтанат мусулмонлар қўлида бўлмоғи, халқаро алоқаларда Ислом ва мусулмонлар қудрат-азизлигини кафолатламоғи даркор. Бунинг учун эса, халқаро мазмунда суверен, мустақил, яъни, батамом мустақил бўлган Ислом давлати бўлиши шарт. Кофиirlар томонидан мустамлака қилинган, ҳимояланган, мандати остида бўлган ва унинг суверенитетига дахл қилинган бошқа нарсалар бўлмаслиги керак. Яъни Ислом диёри бўлмоғи, куфр диёри мутлақо бўлмаслиги лозим.

Бугунги кунда ҳукмдорларимиздаги мана шу шартлар манотини ўрганиб чиқиш билан, ҳозирги ҳукмдорларда, шубҳасиз, қуидаги ахвол аниқланди:

Ҳокимиятни одамлар истагига зид равишида куч ёки мерос йўли билан эгаллаб олишди;

Сайланган ёки байъат қилинган бўлса, ғайриилоҳий конституция асосида бўлди;

Исломни қонунчиликнинг ягона манбаи эмас, манбаларнинг бирига айлантирган инсоний қонунлар билан ҳукм юритиши. Бу қонунчиликлар куфр қонунчиликларидир. Шунингдек, БМТ ва Хавфсизлик Кенгаши каби, Ислом ва мусулмонларга қарши курашаётган ёки Аллоҳ шариатига зид келаётган халқаро қонунлардан ҳукм сўраши.

Ҳукмдорларимиз фосиқ ёки кофир бўлганлари учун уларнинг барчасида адолат шарти топилмайди, демакки, уларга бирорта ҳам инъикод байъати ўтмайди.

Иш эгаларига итоат қилишга доир далиллар келтиришга шошлишдан олдин, аввало, ҳозирги анави ҳукмдорлар шу мақомга лойиқми, шуни изланмоқ лозим.

Юқорида келтирилган шаръий шартларга биноан, бугун ер юзида бирорта ҳам иш эгаси **أولو الامر** йўқ. Бильакс, Аллоҳнинг шариатини четга чиқариб, динсизлик қонунлари билан ҳукм юритаётган аҳмок тоғутлар бор.

Иш эгаларига итоат қилишга доир далилларни келтириб, уларни бугунги кундаги мавжуд ҳукмдорларга нисабатан далил қилиб келтиришнинг мисоли зинкорлар ҳаққига никоҳ ҳукмларини далил қилиш демакдир!!!

Уларга итоат қилиш осийликка итоат қилиш, ботил билан ҳукм юритиш, куфр қонунига ёрдам бериш, гуноҳ ва адоватга кўмаклашиш, демакдир. Шу билан бирга, бу Аллоҳнинг аҳкомлари билан ўйнашиш, Умматга хиёнат қилиш ва билимсизлик билан Аллоҳга қарши гапиришdir.

Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, биргина **«أولو الامر»** иш эгалари» манотини тадқиқот этишнинг ўзи, улар ҳақидаги гумонни чаппасига ағдариб-вайрон қилишга етарлидир. Шунингдек, бу «муқаддас ҳукмдорлар»у коҳин тоғутларнинг нақадар залолатга ботишганини ва Аллоҳга журъат қилишганини баён қилиш учун кифоя.

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Норвегия пойтахтида чақалоқларга «Мұхаммад» исмини қўйиш оммалаши		
<p>Норвегия пойтахти Ослода чиқарилган янги статистикага кўра, 2008 йилдан бери шаҳарда туғилган аксар ўғил болаларга Мұхаммад исми қўйилган. Оскар, Эксел, Жакоб каби шу юртда кенг урф бўлган исмларни Мұхаммад исми 2010 йилда ортда қолдирди. Осло шаҳри аҳолиси 624 минг нафар бўлиб, иммигрантлар сони 190 мингни, яъни аҳолининг 30 %ини ташкил қиласиди. Бу иммигрантлардан покистонликлар, сомалиликлар, ироқликлар ва мароккашликлар ушбу Европа юритидаги мусулмон диаспорасининг асосий қисмини ташкил қиласиди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Исломнинг ёйилиши ҳар соҳада ва бутун дунёда ўзини кўрсатмоқда. Бу эса, Ғарбнинг ҳаловатини бузиб, хавотирга солмоқда. Чунки у мусулмонларнинг Ғарб юртларига кўчиб келишлари, уларга қарши олиб бораётган ташқаридаги урушини ичкарига кўчиради, деб ҳисобламоқда.</p>		
<p>Ливия Олий кенгаши раиси Ихвонул Муслимин жамоасини тарк этди</p>		
<p>Ливия Олий кенгаши раиси истеъфога чиққани ҳамда Ихвонул Муслимин жамоасини тарк этганини маълум қиласиди. Аммо айни дамда сиёсий ва хизбий фаолиятини давом эттиришини таъкидлади. Мишрий ўзининг истеъфо беришига «миллий, мафкуравий ва сиёсий омиллар ҳамда бу бир ливия фуқаролари олдида шаффофликни таминлаш зарурати» турткি бўлганини маълум қиласиди. Шунингдек, Ихвон жамоасининг бир неча йил муқаддам, 2012 йилда Бенғози конференциясида эълон қиласан мурожаатини амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Ушбу истеъфо ва жамоадан чиқиши ҳамда қайта кўриб чиқишига бўлган ушбу даъват, буларнинг бари Ғарбнинг сиёсий исломий фаолиятни илдизи билан суғуриб ташлашга қаратилган шиддатли ҳамласи сирасига киради. Мишрийнинг миллий фаолиятга кўчиши эса, унинг қулаб, йиқилганини англатади.</p>		
<p>Франция Италиядаги элчисини чақириб олди</p>		
<p>Франс-Пресс ахборот агентилигининг Франция ҳукуматидаги бир маңбага таяниб нашр қилишича, ташқи ишлар вазирлиги ўзининг Италиядаги элчисини чақириб олган. Бу Италия ҳукумати бош вазири ўринбосари ва айни пайтда Италия Иқтисодиёт вазири бўлиб ишловчи Луижи Ди Майонинг баёноти ортидан юз берган. У ўз баёнотида – Франция Африка қитъасининг қашшоқлашишига</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирорадир. Унга зулм килимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>сабаб бўлди, охир оқибат, бу муҳожирлар бўхронининг мураккаблашишига олиб келди, деган эди. Ди Майо муҳожирларни Африкадан «хижрат қилдириш» орқали уларнинг Ўрта Ер денгизидаги азоб-уқубатларига сабабчи бўлган давлатларга Европа Иттифоқи томонидан санкциялар жорий қилинишига умид билдириди. Сўнг «Франция Африкадаги ўнлаб давлатларни мустамлака қилишдан ҳануз тийилгани йўқ», деди.</p>		
<p>Ди Майо бундай деди: «Африканинг ўнлаб давлатларида Франция маҳаллий валюта босиб чиқармоқда ва шу орқали Фаранциянинг умумий қарзларини молиялаштирмоқда» деди. У яна бундай қўшимча қилди: «Агар Франциянинг Африка мустамлакалари – шундай десак тўғри бўлади – бўлмагандан эди, бу давлат дунёдаги иқтисоди ривожланган давлатларнинг 15си бўлмаган бўларди. Аммо у бугун Африкадаги шу ишлари сабабли биринчилар қаторида турибди».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Франция Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишини иддао қиласлар ва Макрон қаерга борса шу билан мақтанар экан, бугун унга қўйилган айни айблов, тўғри айбловдир. Аслида, барча капиталистик Farb давлатиларининг, шу жумладан, Италиянинг ҳам одати шу, чунки италиялик бойлар бошқа давлатларни қашшоқлаштириш ва мустамлака қилиш билан шуғулланишади.</p>		
<p>Британиядаги озчиликни дискриминация қилиш эллик йилдан бери ўзгаргани йўқ</p>		
<p>Гардиан газетаси нашр қилган бир мақолада, ишда озчиликка қарши дискриминация қилиш Британияда ҳамон мавжуд эканлиги айтилади. Газетага кўра, яқинда ўтказилган тадқиқот натижаси қора танли британияликлар билан осиёлик халқларнинг меҳнат бозорида каттиқ дискриминацияга дуч келаётганини, дискриминация даражаси олтмишинчи йиллардан берি ўзгармаганини кўрсатган. Айни тадқиқотни олиб борган Оксфорд университети тадқиқотчилари оқ танли бўлмаган британияликлар орасида иш изловчиларнинг иш берувчилардан рухсат олиш учун оқ танли биратнияликларга нисбатан саксон марта кўп талабларга дуч келаётгандарига гувоҳ бўлишди. Кейин ўз тадқиқотлари натижаси билан 1969 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижаларини солиштириб кўришгач, мамлакатда қора танлилар ва осиёлик халқларга, хусусан, покистонликларга қарши дискриминция эллик йилдан бери ўзгармаганига амин бўлдилар. Муаллифга кўра, бу натижалар кишида хавотир уйғотмоқда, чунки ирқий</p>		

муносабатларга доир ишлаб чиқылған қонун ва дастурлар фойда бермаяпты. Зотан, дискриминация қурбонлари, асосан, мусулмон юртларидан келган шахслар бўлгани кузатилмоқда. Албатта, бу сўнгги пайтда ўтказилган кўплаб оммавий сўровларда намоён бўлиб, мусулмонларга қарши ёмон муносабатда гавдаланмоқда.

Ал-Ваъй: Капитализм тузуми билан Ислом тузуми ўртасидаги улкан фарққа боқинг. Капитализмда инсон хуқуqlари химоя қилиниши иддао қилинган бўлса-да, бу нарсани капитализмда мутлақо топиб бўлмайди. Аммо Исломда эса, халқлар бир-бирлари билан танишиш ва тақво жихатидангина бир-бирларидан фарқ қилиш учун яралганлар, дея ишонилади. Хўш, қай бир тузум дунёни бошқаришга лойик экан?!

Гардиан: Навбатдаги «араб баҳори»ни кутамизми?

Гардиан газетасининг ёзувчи ва сиёсий таҳлилчиси Саймон Тисдолл «Қашшоқлик, қимматчилик ва норозилик намойишлари навбатдаги араб баҳорига сабаб бўлиши мумкинми» сарлавҳали мақола нашр қилди. «Судан, Миср ва бошқа давлатларда хавотир кучли, чунки бу юртларда мустабид раҳбарлар ўз қаттиқўллигини кучайтиришларига қарамай, айни қаршиликни етарли даражада енгишга тайёр эмаслар», дейилади мақолада. Шунингдек, нон ва ёқилғи маҳсулотлари учун чиқылған намойишларда ўқитувчилар, адвокатлар ва шифокорлар ҳам қатнашгани айтилади. Тисдоллнинг таъкидлашича, Суданда юз берётган ходисаларни Иордания, Ливан, Марокаш ва Ливия сингари кўплаб араб давлатларидаги сиёсий ғалаёндан айрича тушунмаслик керак. Яна бир ҳакиқий араб баҳори аланга оладиган бўлса, бу Мисрдан кутилади, чунки у ердаги режим Ҳусни Муборак режимидан ҳам ашаддий диктарордир. Муаллиф яна қўшимча қилади: «Аҳвол шу даражада ачинарли бўлишига қарамасдан, араб халқларига қарши босимлар уларни тузумни ўзгартириш томон ҳаракатга келишга ундамоқда. Зеро, бу адолатсизлик, тенгсизлик ва ижтимоий зулм сабабли тобора авж олувчи босимдир».

Ал-Ваъй: Бу «араб баҳори» ортида Уматнинг тузумни ўзгартириш иродаси мавжуд. Бу эса, бутун минтақага ёйилиб, у ёки бу давлатдаги режимни ёки хукмдорни ўзгартириш ҳаракатидан бир мунча улкан-жиддий саналади. Бу қўзғонлар то ўз мақсадига етмагунча ҳаргиз сўнмайди ва инша Аллоҳ, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик барпо бўлажак.

Карнеги анализатори маркази келгуси араб баҳоридан оғоҳлантириди


Карнеги марказининг Яқин Шарқ масалалари бўйича девон мухаррири ва бош муҳаррир ўринбосари Майкл Янг ўз мақоласида мухолафатдан қолган ишларни охирига етказиш учун минтақада араб аксилиңқиlobi кучлари тўпланаётгани тўғрисида ёзди. Муаллифга кўра, «кўплаб араб давлатларида ҳар қачонгидан кўра кўпроқ репрессив мухит кузатилмоқда. 2011 йилда қўзғолонлар келиб чиқишига сабаб бўлган муаммолардан бирортаси ҳалигача ҳал этилмади. Аксинча, араб режимлари ўзларини жамиятларимизни тўла бостириш учун етарлича куч ишлатмабмиз, деган холосага келишяпти. Чунки курсиларини сақлаб қолиш учун бирор нарса қилишга тайёр бўлмаган раҳбарлар қўзғолонни бостиришда катли ом йўлини тутган Башар Асаддан келажакда ўrnak олишлари мумкин». Муаллиф бундай дейди: «Ўз фуқароларининг кунлик эҳтиёжларини қондиришга ҳам ожизлик қилаётган бир минтақадан, қандай қилиб биз хонавойронликдан бошқа нарсани кутишимиз мумкин. Чунки кенгкўламли иқтисодий таназзулдан ва 2011 йил норозилик анмойишлари хотираларидан ўзга нарса қолдирмаган истибод асло тинчлик ва хотиржамлик келтирмайди». Мақола сўнггида Майкл Янг бундай дейди: «Хозирда бу ҳамкасларнинг барчаси ҳокимиятларини сақлаб қолиш учун битта сафга тизилиб олишди. Бироқ механизмлари анча ночор. Шу боис, навбатдаги қўзғолонларни кутиб ўтиришибди. Зеро, тоғутлар мувозанати деганда, кўпинча, мувозанатнинг бутунлай вайрон бўлиши тушунилади».

Ал-Ваъй: Бу қўзғолонларни бостиришга фақат минтақадаги режимлар хукмдорларигина жавобгар эмас. Балки энг аввало, бунга минтақа режимлари ортида турган капиталистик Ғарбдаги, асосан, АҚШдаги хукмдорлар жавобгардир. Шу билан бирга, мана шу жинояткор капиталистик давлатлар манфаатини ҳимоя қилиш ва заиф давлатлару уларнинг камбағал халқлари устидан хукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида тузилган халқаро тизим ҳам жавобгардир. Шунинг учун ҳам албатта ўзгариш ясаш шартдир.

**Макрон диктатор Сисийни қўллаб-қувватлаш учун Мисрга
сафар қилди ҳамда у ерда инсон хуқуқлари масаласи
қўтарилишига умид билдириди**

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Франция президенти Эммануэль Макроннинг қудратга келгандан бери қилаётган илк бор Миср сафари, диктатор президент Сисий режимини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. 2017 йил охирида Сисий Парижга сафар қилган эди. Улар ўртасидаги ўзаро ташрифлар алмашинуви икки президент ўртасидаги келишув ифодасидир. Сисийнинг 2017 йилдаги сафарида Макрон «терроризм таҳдидига дуч келаётган бир юртга сабоқ беришдан» бош тартганини билдирган эди. Бироқ Сисий мухолафатни бостириди, ҳатто исломчилару исломчи бўлмаганларни ҳам. Макрон исломчиларни репрессия қилиш инсон хукукларини бузиш ҳисобланмайди, деб ҳисоблайди. Шу боис Сисийни инсон хукукларини бузмасликка даъват қиласар экан, бу билан исломчилардан бошқаларни назарда тутди. Шу боис, у мухолафатни ёппасига бостириш, Елисей саройи манбааларига кўра, «Миср давлатининг исломий терроризм ва диний экстремизмга қарши курашини заифлаштириши»ни маълум қилди.</p> <p>Ал-Ваъй: Фарб хукмдорлари бузукликда мусулмон юртлари хукмдорларидан қолишмайди. Бильякс, улар бу борада устоз бўлиб, мусулмон юртлари хукмдорлари уларнинг аълочи шогирларидир. Бу каби зиёратлар Сисий ва унга ўхшаганларни ҳаргиз қўллаб-қувватламайди, балки Макрон ва у каби гарблик хукмдорларни шармандасини чиқаради. □</p>		

ҚУРЬОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА



اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَةٌ
وَلَا نَوْمٌ لَّهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا
الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ
أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفُهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ
إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسَعْ كُرْسِيهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا
يُعُودُهُ حَفْظُهُمَا وَهُوَ أَعْلَمُ الْعَظِيمُ

«255. Аллоҳдан ўзга ҳеч кандай тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдир. Унинг хузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидағи ва орқаларидағи бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг арши-курсиси осмонлар ва ердан кенгdir. Ва уни осмонлар ва ерни ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюқdir» [Бақара 255]

Ҳизб ут-Тахрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ ҳифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулиت Тафсир» номли китобида қуидагича келади:

Шундан кейин Аллоҳ Таоло буюк оятни зикр қиляпти. Унда Аллоҳнинг улуғ, олий сифатлари баён қилинган. Ёлғиз Аллоҳгина ибодат қилинишга ҳақли бўлган маъбуддир. У Зот махлукларнинг ишларини бошқариб турадиган, ҳеч қачон ухламайдиган, мудрамайдиган, мудом тирик, коим, абадий тургувчи Зотдир. Осмонлару ер ҳамда улар ичидаги ва орасидаги нарсаларнинг эгасидир. У Зот шу қадар буюк, шу қадар улуғ Зотдирки, Унинг хузурида Унинг изнисиз ҳеч ким ҳеч кимни шафоат қила олмас. У Зот Ўзининг ҳамма махлукотларини биладиган, бўлиб ўтгану энди бўладиган ҳамма нарсадан хабардор Зотдир. Аллоҳнинг илмидан (ниманидир) билиш, ўрганиш Аллоҳнинг изнисиз бўлмайди,

амалга ошмайди. У Зот ҳамма-ҳамма нарсани қамраб олган зотдирки, осмонлару ерни, улар ичидагиу орасидаги нарсаларни бошқариш У Зот учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Ўз мулки ва салтанатида олийдир. Ўз иззати ва буюклигига улуғдир. Ўзининг буюклигига, олийлигига, улуғлигига ярашмайдиган ҳар қандай нуқсондан покдир.

Бу оят Куръондаги энг буюк ояттир. Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида Абу Зар йўлидан мана бу ҳадисни чиқарган: Мен Пайғамбар ﷺдан, эй Аллоҳнинг пайғамбари, сизга нозил қилинган энг буюк оят қайси оят, деб сўраган эдим, у киши, **оятул-курсири**, **Аллоҳу ла илаҳа илла ҳувал ҳайюм қойиом оятири**, деб жавоб бердилар. Бу ҳадисни Убай йўлидан ҳам, Абу Умома رض йўлидан ҳам чиқарган. Шунга ўхшаш ҳадисни Дорамий ўзининг «Сунан»ида чиқарган.

Бу гап билан ояларнинг ҳаммаси ҳам Аллоҳнинг каломи эканлигига ҳеч қандай зиддият йўқ. Куръон Аллоҳнинг каломидир. Шу эътибор билан ундаги ҳамма оялар ҳам бир хил улуғ. Лекин Аллоҳ Таоло Ўзи билган бир ҳикмат туфайли айрим ояларнинг ажрини айримлариникидан каттароқ қилишни хоҳлаган.

Пайғамбар ﷺдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда у киши Абу Сайд ибн Муаллога:

«لَا عَلَمَنَّكُمْ أَعْظَمُ سُورَةٍ فِي الْقُرْآنِ قَبْلَ أَنْ تَخْرُجَ مِنَ الْمَسْجِدِ»

«Сенга шу масжиддан чиқишингдан олдин Куръондаги энг улуғ сурани ўргатаман» дедилар, кейин

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

сурасини айтдилар.¹

Юқоридаги ҳадисда айтиб ўтилганидек оятул-курсий Куръондаги энг буюк ояттир.

Бунинг маъноси ажри, савоби улуғроқдир, деганидир. Бу гап билан Куръондаги ҳамма оялар Аллоҳнинг каломидир, деган гап ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ.

Бу оят Аллоҳнинг каломи бўлғанлиги жиҳатидан бошқа оялар билан бир хил. Лекин унинг Аллоҳ хоҳлаганичалик афзаллиги бор. Бу икки ҳолат ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ.

Бу муборак оят ўтган оятдаги

⁽¹⁾ Бухорий: 4280, 4334.

﴿وَالْكَفَرُونَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

деган гапнинг сўнгидаги келяпти. Бу гапда кофиirlарни сўкиш, уларнинг Аллоҳнинг маҳлуқотларини

﴿لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَقُّ الْيَوْمُ﴾

(Хеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг (Аллоҳнинг) ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир) бўлган буюк Яратувчи ўрнига қўйиш билан нақадар тубан залолатга кетганларини кўрсатиш бор. Қандай қилиб, улар Аллоҳга куфр келтирган эканлар! Қандай қилиб, Аллоҳнинг маҳлуқотларига ибодат қилар эканлар! Қандай қилиб, Аллоҳга У Зотнинг маҳлуқотларини тенглаштирас эканлар! Ва шу билан ишларни, нарсаларни ўз ўрнига қўймасдан золимларга айланар эканлар!.

Ягона Аллоҳгини ибодат қилинишга ҳақлидир. У Зот улуҳиятда ягонадир. Кофиirlар золимлардир.

﴿لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ﴾

(Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир) яъни, ёлғиз Аллоҳгина ибодат қилинишга ҳақлидир.

(اللهُ مُبْتَدَأٌ) мубтадо, (إِلَهٌ لَا إِلَهَ) эса иккинчи мубтадо. Унинг хабари ҳазф қилинган. У (مُعْبُودٌ) ёки (مُوْجُودٌ) сўзлари бўлиши мумкин. (لَا) нафийга айлантирувчи ҳарф. Феълга ўхшаш ҳарфлар ишини қиласди. (إِلَهٌ) эса (لَا)нинг исми, фатҳага мабний, хабари ҳазф қилинган. Ҳазф қилинган хабар мавжудун ёки маъбудун раф ҳолатда. Араблар нафийга айлантирувчи (لَا) билан унинг исми ўрнига мубтадони қўядилар. Бундай пайтда (لَا)нинг ҳазф қилинган хабари мубтадонинг ҳам хабари бўлади. (هُوَ) маҳаллан раф, (إِلَهٌ لَا)дан бадал. Мубтадонинг биринчи хабари (لَا إِلَهٌ لَا هُوَ)дир. Бу ерда (لَا) ҳарфи истисно бўлиб, (لَا)ни ишдан чиқаради. ((لَا)нинг феълга ўхшаш ҳарфлардек ишлашини бекор қиласди).

(هُوَ)нинг икки сифати.

الْحَيُّ الْقَيُومُ *У тирик ва абадий тургувчиидир*)

(**الْحَيُّ** *тирик*) ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган доимий барҳаёт.

Аслида сўзниг охирида ё ва вов ҳарфлари бўлган. Сарф қонунларига қўра вов ёга қалб қилиниб, алмаштирилиб, икки ё бир-бирига идғом қилинган. Шунинг учун ҳаёт сўзи ҳам ё билан айтилади, ёзилади. Ҳайвон сўзи ҳам бу сўзниг асли шундай бўлганлигини қўллади.

الْقَيُومُ *абадий тургувчи*) қиём сўзидан олинган муболага сийғаси. Аслида қойюм сўзи (*فيقول*) вазнида. Вов билан ё бир жойда келгани учун вов ё га қалб қилинган ва иккиси идғом қилинган. Бу сўз яратилмишларнинг ишларини юритиш, идора қилиш маъносини англатади.

لَا تَأْخُذُهُ سِنَةً وَلَا نَوْمًا *Уни на мудроқ, на уйқу олмайди*)

бу сўз уйқудан олдин бўладиган мудраш маъносини англатади. У уйқу эмас. Оят нафийнинг умумийлигини ифодалаяпти. Яъни, Аллоҳ Таолода уйқу ҳам, уйқуга олиб борадиган ёки олиб бормайдиган мудраш ҳам йўқ.

(*سِنَةٌ* сўзи аслида (*وَسْنَةٌ*) бўлиб, вов ҳазф қилинган. Шунинг учун унинг таснияси (*وَسْنَانٍ*), ҳам дейилади.

(*لَا* *نَوْمًا*)нинг такрорланиб келиши нафийнинг ҳар иккисига тегишли эканини ифодалайди. Яъни, бу икки сифат биргаликда бўладими, алоҳида-алоҳида бўладими, Аллоҳда йўқ. Агар ла такрорланмасдан келганида бу икки сифатнинг алоҳида-алоҳида ҳолати нафий қилинмаган бўларди, факат биргаликдаги ҳолатигина нафий қилинган бўлиб қоларди. Яъни, У Зотни бир вақтнинг ўзида ҳам мудраш ва ҳам уйқу олмайди, деган маъно чиқиб қоларди. Аммо ояти карима

لَا تَأْخُذُهُ سِنَةً وَلَا نَوْمًا

(Уни на мудроқ, на уйқу олмайди) бўлиб келяпти ва шу билан нафий мудраш ва уйқунинг алоҳида-алоҳида ҳолатига ҳам, биргаликдаги ҳолатига ҳам бир хил тегишли бўляпти. Демак, Аллоҳ Таоло уйқуга олиб борадиган мудрашдан ҳам, уйқуга олиб бормайдиган мудрашдан ҳам, уйқунинг ўзидан ҳам покдир.

لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ *самовот ва ердаги бор нарсалар*

Унингдир) яъни, Аллоҳ Таоло ҳамма нарсанинг, осмонлару ернинг ҳам, улар ичидаги нарсаларнинг ҳам, улар орасидаги нарсаларнинг ҳам эгасидир. Унингдир дегани, Унинг мулкидир, деганидир.

Бу ердаги (ما) сўзи Аллоҳ Таоло осмонлару улардаги нарсаларнинг ва ернинг эгасимикин ёки осмонлару улардаги нарсаларнинг ҳамда еру ундаги нарсаларнинг эгасимикин, деган англашилмовчиликни бартараф этиш учун тақрорланяпти. Агар бу сўз тақрорланмаганида Аллоҳ Таоло осмонлару улардаги нарсаларнинг ва ернинг Эгасидир, деган маъно чиқиб қолган бўларди. Унинг тақрорланиши билан Аллоҳ Таолонинг осмонлару ернинг ҳамда осмонлару ердаги нарсаларнинг Эгаси экани англашиляпти.

Оят Аллоҳ Таоло осмонлару ернинг ҳамда улардаги нарсалару кимсаларнинг эгасидир, деган маънени англатади, дедик. Ҳолбуки, бу ердаги (ما) сўзи факат ақлсиз нарсаларга нисбатангина қўлланади. Бундай дейишимизнинг икки сабаби бор:

Биринчидан, борлиқдаги ақлсиз нарсаларни ақлли нарсалардан устун қўйиш орқали Аллоҳ Таолонинг ақлли маҳлуқотлари ақлсиз маҳлуқотларига нисбатан камлигини кўрсатиш;

Иккинчидан, ундан кейин келаётган

عَلِمْ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ (У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидағи ва орқаларидағи бор нарсани билади), деган гапдаги қўплик замири ақллиларга хосдир. Бу нарса

﴿مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ﴾

(Самовот ва ердаги бор нарсалар) сўзининг ақллиларни ҳам ўз ичига олишига қаринадир.

Оят шуни ифодалайдики, ҳамма нарса Аллоҳнинг мулкидир. Бирорнинг мулки бўлган нарса маъбудликка нолойиқдир. Бу ерда коғирларнинг санамларга, юлдузларга ва бошқа маҳлуқотларга ибодат қилишлари қаттиқ танқид остига олиняпти.

مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ (Унинг ҳузурида ҳеч ким (бирорни)

Унинг изнисиз оқтай олмайди). Истинкорий (инкор қилиш) истифҳом. Яъни, Аллоҳнинг ҳузурида Аллоҳнинг изнисиз ҳеч ким шафоат қилишга журъат эта олмайди. Бу гапда Аллоҳнинг улуглигига, буюклигига, олийлигига ишора бор. Ҳадисда келади:

«آتَيْتَهُنَّا عَرْشَهُنَّا فَأَخْرَجُوهُنَّا مِنْ بَيْدَعْنِي مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَدْعَنِي ثُمَّ يَقُولُ: إِرْفَعْ رَأْسَكَ وَقُلْ تُسْمِعْ وَأَشْفَعْ تُشَفَّعْ. قَالَ: فَيَخْدُلُهُنَّا حَدَّا فَأَذْخِلُهُنَّا جَنَّةً»

«Аршнинг остига бориб сажда қилиб йикиласман. Шунда Аллоҳ мени Ўзи истаган муддат ўз ҳолимга ташлаб қўяди. Кейин менга, бошингни кўттар, гапир, гапингга қулоқ солинади, шафоат қил, шафоатинг инобатга олинади, дейилади ва мен учун бир ҳад белгиланади. Шу билан уларни жаннатга олиб кириб кетаман».

Оят шафоат борлигини ва айни пайтда у Аллоҳнинг изнисиз бўлмаслигини ифодалаяти. Ҳадисда эса Пайғамбар ﷺга рухсат этилиши ва у кишининг шафоат қилишлари айтиляпти.

﴿عَلَّمَهُ مَا فِي الْأَرْضِ وَمَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفُهُمْ﴾
(У уларнинг барча одамларнинг олдиларидағи ва орқаларидағи бор нарсани билади) ҳар икки замир

﴿مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ﴾

(Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдир), деган гапдаги ақлли маҳлукларга қайтади.

﴿مَا خَلْفُهُمْ﴾

(Олдиларидағи бор нарсани) яъни, Аллоҳ Таоло улардан олдинги ишларни ҳам билади.

﴿وَمَا عَلَّمُهُمْ﴾

(Орқаларидағи бор нарсани) яъни, Аллоҳ Таоло улардан кейин бўладиган ишларни ҳам билади.

﴿وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ﴾
(Фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар) яъни, агар Аллоҳ ҳоҳламаса, бирор кимса Аллоҳ билган нарсалардан бирор нарсани ҳам била олмас. Фақат Аллоҳнинг Ўзи унга билдиришни ҳоҳласагина била олур. Аллоҳнинг билимидан бирор нарсани унга бирор одам фақат Аллоҳнинг изни ила етказа олур.

﴿عَلَمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ﴾

«У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди» [Алақ 5]

﴿وَقُلْ رَبِّ زِدْنِي عِلْمًا﴾

«Ва айтингки: Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилғин»

[Тоҳа 114]

﴿وَسَعَ كُرْسِيهُ الْسَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ﴾

(Унинг арши-курсиси осмонлар ва ердан кенгdir) даги (کُرْسِيهُ)

сўзи муташобиҳ сўздир. Муқаддимада айтиб ўтганимиздек, мўътамад тафсир усули шундан иборатки, муташобиҳ сўзларга маъно беришда аввало шаръий ҳақиқатга мурожаат қиласиз. Яъни, унинг маъносини Пайғамбар ﷺнинг ҳадисларидан қидирамиз. Агар курсий сўзининг тафсири хусусида Пайғамбар ﷺдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадислар бор бўлса, уларни оламиз, бўлмаса, араб тилига мурожаат қиласиз. Негаки, Қуръон араб тилида нозил бўлган.

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا لَّعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ﴾

«Дарҳақиқат, Биз уни (бу оятларни) ақлларингизни юргизишингиз учун арабий Қуръон ҳолида нозил қилдик» [Юсуф 2]

﴿نَزَلَ بِهِ الْرُّوحُ الْأَمِينُ عَلَىٰ قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنذِرِينَ بِلِسَانٍ عَرَبِيًّا مُّبِينً﴾

«(Эй Мұхаммад), сиз (охират азобидан) огоҳлантиргувчилардан бўлишингиз учун қалбингизга уни (яъни Қуръонни) Рухул-Амин-Жаброил очиқ-равшан арабий тил билан нозил қилди»

[Шуаро 193-195]

Курсий сўзининг тафсири хусусида бир неча ҳадислар ворид бўлган. Агар улар саҳиҳ бўлганида тафсир учун мўътамад бўлардилар. Лекин улар устида ҳар хил гаплар бор. Ҳақиқатга яқинроғи қуйидагилар:

Байҳақий мана бу ҳадисни ўзининг «Номлар ва сифатлар» номли китобида Абу Зар йўлидан чиқарган: Мен Пайғамбар ﷺдан, эй Аллоҳнинг пайғамбари, сизга нозил қилинган оятлар ичига энг улуғи қайси, деб сўраган эдим, у киши, **оятул-курси** (**курси ояти**), деб жавоб бердилар. Кейин яна шундай дедилар:

«يَا أَبَا ذَرٍّ مَا السَّمَاءُتُ السَّبْعُ مَعَ الْكُرْسِيِّ إِلَّا كَحَلْقَةٍ مُّلْقَأَةٍ بِأَرْضٍ فُلَّةٍ، وَفَضَلَ الْعَرْشَ عَلَىَّ

«الْكُرْسِيِّ كَفْضُلِ الْفُلَّةِ عَلَىَّ الْحَلْقَةِ»

«Эй Абу Зар, курсининг олдида етти осмон сахрого ташланган бир узукка ўхшайди. Аршининг курсига нисбатан катталиги эса саҳронинг узукка нисбатан катталиги кабидир».

Шунингдек, бу ҳадисни Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарған. Уни Ибн Ҳиббондан нақл қилиб Ибн Ҳажар ҳам «Фатҳул-борий»да көлтирган ва унга, унинг Мужоҳиддан гувоҳи бор, уни Саид ибн Мансур тафсирда чиқарған, деган гапни ҳам қўшиб қўйган.

Агар бу ҳадис саҳиҳ бўлганида уни олардик ва курсининг маъноси осмонлару ер унинг олдида сахрого ташланган бир узукдек бўлган Аллоҳ Таоло яратган улкан бир маҳлук бўларди. Шу билан биз курсининг мана шу маъносига имон келтирадик-да, ундан нарига ўтмаган бўлардик.

Бироқ Байҳақий бу ҳадисни икки санад билан айтган. Улардан бирида Яҳё ибн Саид Саъдий Басрий бор. Ақилий бу одам хусусида, унга эргашилмайди, деган. Ибн Ҳиббон эса, у мақлуб ва мулзакларни ҳам ривоят қиласеради, агар фақат ўзи ёлғиз ривоят қилган бўлса, унинг гапини хужжат қилиб бўлмайди, деган. Бу ерда унинг ёлғиз ўзи Ибн Журайждан ривоят қиляпти. Ибн Адий бу ҳадисга таъриф берар экан, у мана шу йўлдан келганлиги эътибори билан мункардир, деган. «Лисонул мезон» китобига қаралсин. 316 бет.

Иккинчи санадда Иброҳим ибн Ҳишом бор. Унинг ривояти ҳам хужжатга олинмайди. Абу Заръа, Абу Ҳотим ва Заҳабийларда ворид бўлган. «Лисонул мезон» китобига қаралсин.

Ибн Ҳиббон ҳам ўзининг ҳадисида Иброҳим ибн Ҳишомни зикр қилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, унинг гапи хужжатга олинмайди.

Энди Саид ибн Мансурни қараб чиқайлик. Унинг «Сунан»ида келишича, Абу Муовия Аъмашдан, у Мужоҳиддан ривоят қиласи: Курсига нисбатан еру осмонлар сахрого ташланган бир узук кабидир. Бу санад заиф. Абу Ҳотим Розий  айтади: «Аъмаш Мужоҳиддан жуда кам эшитган. Унинг Мужоҳиддан қилган ривоятларининг ҳаммаси мудалласдир». Ибн Аби Ҳотимнинг «Илалул Ҳадис» китобига қаралсин. Уни доктор Саъд Ол Ҳумайд тадқиқ қилган.

Шунга кўра, курси сўзининг тафсири хусусида ворид бўлган ҳадислар гап-сўздан холи эмас. Шундай экан, энди курси сўзини тафсир қилишда луфатга мурожаат қиласиз.

Лугат китобларида келишича, араблар курси сўзини илм маъносида қўллашган. Чунки курсида ўтирадиганлар олимлар

бўлишган, яъни, илм бу сўзга жой муносабати билан боғланган. Дафтар, рисола сўzlари ҳам шу ўзакдан олиниб, уларнинг ҳам илмга алокадорлиги бор.

Шу билан

﴿وَسْعَ كُرْسِيُّهُ الْسَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ﴾

(*Унинг арши-курсиси осмонлар ва ердан кенгdir*) унинг илми осмонлару ердан кенгdir, деган маънода бўлади. Айниқса, Аллоҳ Таолонинг ундан олдинги гаплари Аллоҳнинг илми ва У Зотнинг Ўз илми билан ҳамма нарсани қамраб олгани устида борганлиги шу маънони янада таъкидлайди.

﴿يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا حَلَفُهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِّنْ عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ﴾

(*У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидағи бор нарсани билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар*). Шундай қилиб, оятнинг кетма-кет тизилиб келётган қисмлари қўйидаги маънони англатади: Аллоҳ Ўзининг махлукотлари хусусида ҳамма нарсани билади. Улар Аллоҳнинг илмини ихота қила олмайдилар. Аллоҳнинг илми осмонлару ердан ҳам кенгdir. Бу ерда Аллоҳнинг илми ҳаддан зиёд кенглиги ва уни ихота қилиб олиш мумкин эмаслигига ишора бор. Шунга биноан, курси сўзини илм маъносида, деб тафсир қилиш тўғрироқ бўлади.

Курсий сўзининг тафсирида биз мана шу гапни рожих кўрамиз, яъни, у илм маъносида келяпти. Рожих кўрамиз, деган гапимизни шунга асосланиб айтяпмизки, муташобих сўзга маъно беришда қатъий гап айтилмайди, балки, факат рожих кўрилади, холос. Чунки у муташобиҳдир.

Иbn Аббосдан ҳам бу сўзининг илм маъносини англишихи хусусида нақл бор. Яъни, Иbn Аббос, Унинг курсиси Унинг илми, деган маънода, деган.

﴿وَلَا يَعْدُهُ حِفْظُهُمْ﴾ *ва уни осмонлар ва ерни ҳифзу ҳимоятда*

(сақлаб туриш қийнамайди) яъни осмонлару ердан ҳам улкан бўлган буюк махлукни – курсини яратган Зот учун осмонлару ерни, улардаги жамики нарсаларни тутиб, сақлаб туриш қийин иш эмас.

(كَيْنَامَادِيْ) яъни, оғирлик қилмайди. Менга фалон иш оғирлик қилди, ундан қийналиб кетдим, деган гапда шу сўз ишлатилади.

(وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ) У энг юксак ва буюкдир) яъни, қудрат ва манзилатда.

(الْعَلِيُّ юксак) нарсалар устидан ғолиб, қаҳхор. Араблар фалончи пистончидан олий бўлди, дейишади. Бу билан фалончининг пистончи устидан ғолиблигини, устунлигини кўрсатадилар.

(الْعَظِيمُ буюк) буюклик эгаси. Ҳамма нарса Унинг қаршисида ҳақирдир, арзимасдир. У Зот Ўз мулкида олийдир, салтанати, иззати ва жалолатида буюкдир.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, бу буюк Куръон ҳақида тадуббур қилган киши унинг мўъжизалиги ақлларни лол колдиришини англайди. Мана бу муборак оятда бешта мустакил жумла атф ҳарфларисиз кетма-кет зикр қилиньяпти.

﴿لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَقُّ الْقَيُومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْتَ أَيْدِيهِمْ وَمَا حَلَفُهُمْ﴾
(Аллоҳдан ўзга ҳеч кандай тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир. Уни на мудроқ, на уйқу олмайди. Самовот ва ердаги бор нарсалар Унингдир. Унинг ҳузурида ҳеч ким (бирорни) Унинг изнисиз оқлай олмайди. У уларнинг (барча одамларнинг) олдиларидағи ва орқаларидағи бор нарсани билади).

Оят жуда кучлидир, буюкдир.

Бошқа оятда олти вовни ўқиймиз.

﴿وَقَيْلَ يَنَارُضُ أَبْلَغِي مَاءِكِ وَيَسَّمَاءُ أَقْلِعِي وَغِيْضَ الْمَاءِ وَقُضَى الْأَمْرُ وَأَسْتَوْتُ عَلَى الْجُودِي وَقَيْلَ بُعْدًا لِلْقَوْمِ الظَّلَمِيْنَ﴾

«(Сўнгра): «Эй Ер, сувингни ютгил; эй само, ўзингни тутгин (яъни, ёшиши бас қил»), дейилди. Сув қуриди, фармон бажарилди ва (кема) Жудий тоги узра тўхтади ҳамда: «Золим қавмга ҳалокат бўлгай», дейилди» [Худ 44]

Бу ҳам жуда күчли, жуда буюк. Араблар бундай жумлаларни тузолмайдилар. Агар улар атф қилувчи ҳарфларни күпайтириб юборсалар, жумла шакл жиҳатидан заифлашиб, нозиклашиб кетади. Атф қилувчи ҳарфларни олиб ташлаб, мустақил жумлаларни кетма-кет қўйсалар, маъно жиҳатидан заифлашиб кетади.

Лекин бу буюк Қуръон шакл жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам мўъжизадир. У одамларга қарши ҳужжатдир. У ҳақиқатни сўзлайди.

﴿لَا يَأْتِيهِ الْبَطْلُ مِنْ يَدِهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ تَنْزِيلٌ مِنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ﴾

«Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас. (У) ҳикмат ва ҳамду сано эгаси томонидан нозил қилингандир» [Фуссилат 42]

Субҳаналлоҳ! Субҳаналлоҳ! □

ЖАННАТ БОГЛАРИ

قالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ : «إِذَا مَرَّتْمُ بِرِيَاضِ الْجَنَّةِ فَارْتَعَوْا»
Расуулulloх ұдедилар: «Агар жаннат болларидан үтсангизлар, (мұл-кұл мевалардан) тотинглар»

ЖАННАТ БОГЛАРИ

«АГАР РОСТГҮЙ БҮЛСА, НАЖОТ ТОПИБДИ»

Талха ибн Убайдуллох ривоят қилған ҳадисда бундай келади:

«Нажд ахлидан бир киши Росууллох әннинг олдиларига келди. У жуда ҳаяжонда эди, гаплари эшитилардио аммо тушуниб бўлмасди... Ниҳоят, яқинлашиб Ислом ҳақида сўради. Росууллох әннинг унга «**Бир кеча-кундузда беш вақт намоз**», дедилар. «Уларни зиёда қилсам бўладими?», деб сўради. Ул зот «**Йўқ, балки нафл намоз бўлса майли**», дедилар. Сўнг Росууллох әннинг «**Рамазон рўзаси**», дедилар. У яна «уни зиёда қилсам бўладими?», деб сўради. Ул зот «**Йўқ, балки нафл рўза бўлса майли**», дедилар. Киши орқасига қайтар экан, «**Аллоҳ ҳаққи, мен бундан зиёда ҳам қилмайман, кам ҳам қилмайман**», деди. Шунда Росууллох әннинг «**Агар ростгўй бўлса, нажот топибди**», дедилар». (Бухорий ривояти).

Баъзилар – киши қанча гуноҳ ва осийликлар қилса ҳам, намоз ўқиб, рўза тутиб, закот берса, бўлди-жаннатга кираверади, деган гапга шу ҳадисни далил қилишади. Бунга жавоб шуки, бу ҳадис мазкур гапга далил эмас. Чунки уннинг бир қанча ривоятлари мавжуд. Бу саҳих ривоятлардан бирини далил қилиб, бошқа ривоятларини бекор қилиб бўлмайди. Биз ҳар қандай ҳадисни тафсир қилмоқчи бўлсак, ушбу ҳадиснинг барча ривоятлари тўғрисида илмга эга бўлмоғимиз, пухта тушуниб олиш учун бу борадаги аҳли илмнинг сўзларига мурожаат қилишимиз керак бўлади. Таъкидлаш лозимки, уламолар ушбу ҳадисни келтириб, ҳақни излаган кишини тўла қаноатлантирадиган жавобни берганлар.

Имом Нававий ушбу ҳадис шархи тўғрисида бундай дейди:

«Кимдир айтиши мумкин: Нега киши бундан зиёда қилмайман деди, ахир, бу ҳадисда ҳамма фарзлар, ҳамма шаръий тақиқлар ва ҳамма мундуб суннатлар айтилмаган-ку

— дейдиган бўлса, бунга жавоб шуки, Бухорий ривоятида мана шу ҳадис охирида мақсадни изоҳловчи қўшимча сўзлар келган: «Кишига Росулуллоҳ ﷺ Исломнинг ҳамма шариатларини хабар қилди. У орқасига қайтар экан, «Аллоҳ ҳаққи, мен Аллоҳнинг менга юклаган ушбу фарзларидан зиёда ҳам қилмайман, биротасини кам ҳам қилмайман», деди. Бу кишининг Исломдаги ибодатлар тўғрисидаги умумий сўзи ҳамда Аллоҳнинг унга буюрган фарзларига оид бу гапи фарзлар тўғрисидаги коронгуликни кетказади».

Кўриниб турибдики, ушбу ҳадис киши ҳар қанча гуноҳ ва осийликлар қилса-да, нажот топади, деган гапни англатмаяпти. Дарҳақиқат, улуғ-улуғ саҳобалар ҳам ушбу фарзларга қаттиқ амал қиласдилар, бирок шу билан бирга, Аллоҳ Таоло уларни осийлик билан бу амаллари буҳуда кетиши мумкинлигидан огоҳ этган. Масалан, саҳобаларнинг Росулуллоҳ ﷺ нинг овозларидан ўз овозларини баланд қилишлари осийлик саналган, Аллоҳ Азза ва Жалланинг хужурот сурасидаги ушбу каломи каби:

**﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمْنَوْا لَا تَرْفَعُوا أَصْوَاتُكُمْ فَوْقَ صَوْتِ الْلَّهِي وَلَا تَجْهَرُوا لَهُ بِالْقَوْلِ
كَجَهْرٍ بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ أَنْ تَحْبَطَ أَعْمَالُكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تَشْعُرُونَ﴾**

«Эй мўминлар, амалларингиз ўзларингиз сезмаган ҳолларингизда беҳуда-бефойда бўлиб қолмаслиги учун сизлар овозларингизни пайгамбарнинг овозидан юқори кўтарманглар ва унга бир-бирларингизга очиқ (дағал сўз) қилгандек очиқ-дағал сўз қилманглар!»

Ҳатто жаннатилиги башорат қилинганлар ҳам гуноҳ ва осийлик қилиб, дўзахи бўлиб қолишдан қаттиқ қўрқар эдилар. □

УЛАРНИНГ ҲИДОЯТЛАРИГА ЭГРАШИНГ: УҚБА ИБН ОМИР ЖУҲАНИЙ

Мана, узок интизорлик ва интиқлик ортидан, ниҳоят, Росууллоҳ ﷺ Ясриб остонасига етиб келдилар. Мадинанинг бутун аҳолиси йўлларни тўлдириб, томларга чиқиб турдилар... Улар ла илаҳа иллаллоҳ дея, раҳмат Набийси ва у зотнинг дўсти Сиддик билан учрашишдан шодланиб, такбирлар айтардилар. Бир тарафдан Мадинанинг болажонлари дўмбираалар чалиб, кўзлари шавққа тўлиб,

Бизларга тўлин Ой чиқди

Маккай Мукаррама томондан

Бунинг учун шукр келтирмоқ керак

Аллоҳга бизлар томондан,

дэя қўшиқ айтиши.

Росули Карим туяларида одамлар орасидан соғинчли юраклар, севинч кўз ёшлари ва табассумлари, муштоқ қалблар олқиши остида ўтиб бордилар.

Аммо Уқба ибн Омир Жуҳаний Росууллоҳ ﷺнинг Мадинага тантанавор кириб келишларини кўриш ва истиқболларига чиқиш баҳтига мусассар бўлолмади. Чунки у қўзиларини яйловга олиб чиқсан эди. Кўзилар жуда очқаб кетишгани сабабли уларнинг нобуд бўлиб қолишидан қўрқиб олиб чиқсанди. Зотан, бу дунё неъматлари ва фоний молларидан унинг бор-буни ҳам шу қўзилар эди. Бироқ Мадинаи Мунавварани буркаган шодлик, бир зумда унинг узоқ ва яқин водийларига ҳам етиб бориб, бу ўлканинг ҳар бир покиза дараларини нурга тўлдирди. Ушбу хушхабар Уқба ибн Омир Жуҳаний яйловига ҳам кириб келганда у қўзилари билан узоқдаги биёбонда эди. Келинг, Росууллоҳ ﷺ билан қандай кўришганини, яхиси бизга унинг ўзи айтиб берсин:

«Росууллоҳ ﷺ Мадинага келганларида мен қўзиларимни ўтлатгани кетгандим. Хабарни эшитибоқ, қўзиларимни ҳам ташлаб, ҳеч нарсага қарамай Мадинага чопдим. Ул зотнинг олдиларига бориб, «мен билан байъат қиласизми, ё Росууллоҳ?», дедим. «Сиз кимсиз?», деб сўрадилар. «Мен Уқба ибн Омир Жуҳанийман», дедим. «Қандай байъатни истайсиз, бадавийлар байъатиними ёки муҳожирлар байъатиними?», деб сўрагандилар, «муҳожирлар байъатини» истайман, дедим. Шунда Росууллоҳ ﷺ мен билан муҳожирлар байъатини қилдилар, сўнг ўша кеча ул зотнинг сухбатида бўлиб, эрталаб қўйларимга бордим.

Биз Исломни қабул қилган ва қўй боқиб Мадинадан узоқдаги яйловда яшаётган кишилар ўн икки нафар эдик. Ичимиздан

биrimiz бундай деди: Динимиздан ўрганиш ва самодан келаётган вахіларни тинглаш учун Росууллоҳ ғыннинг олдилариға күн ора бориб турмасак, яхши бўлмайди. Шу боис, орамиздан бир киши Ясирига борсин, қўйларини бизга қолдирсинг-боқиб турайлик.

Мен уларга – Росууллоҳ ғыннинг олдилариға биттама-битта боринглар, ҳар кетаётган киши қўйларини менга қолдириб кетсан, боқиб тураман, чунки мен қўйларимни жуда яхши қўраман, бирорвга қолдиргим келмайди, дедим.

Шундай қилиб, дўстларим қўйини менга қолдириб, бирма-бир Росууллоҳ ғыннинг олдилариға кета бошлади, кайтиб келганда эшиятган билимларини ундан олавердим. Лекин кўп ўтмай, ўзимга-ўзим – шўрим қурсин, шу ҳеч нарсага аскотмайдиган қўзиларимни деб, Росууллоҳ ғыннинг сухбатларини ўтказиб юбориб, билвосита бошқалар оғзидан ўрганяпманми-я?!?, дедим. Шундай дея қўзиларимдан воз кечдим ва Мадинага келиб, масжидда Росууллоҳ ғыннинг қўшниси бўлиб яшадим».

Уқба ибн Омир Жұханий ушбу кескин карорни қабул қилган чоғда бир кун келиб у улуғ уламо саҳобалардан, қори шайхлардан, етук фотих саркардалардан, саноқли Ислом волиларидан бирига айланишини асло хаёлига келтирмаган эди. Бутун қўй-қўзиларини ташлаб, Аллоҳ ва Росули томонга келган пайтда у дунё маркази Дамашқни фатҳ қилувчи қўшиннинг олд сафида жанг қилишини ҳам, бу шаҳарнинг қадимий дарвозаларидан бири бўлмиш Боб Тумо ёнидан унинг гўзал боғларида бир ҳовли қилишини ҳам билмаган эди. Борлиқнинг зумради бўлмиш Миср диёрини фатҳ этган қўмондонлардан бири бўлишини ҳам, Миср волийси бўлишини ҳам, бу юртнинг Муқаттам тоғи бўйидан ҳовли қилишни ҳам тасаввур қилмаганди. Албатта, ғайб қўйнида яширин, махфий, сирли бўлган бу ишларнинг барини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди.

Уқба ибн Омир Жұханий Росууллоҳ ғыннан худди соя эгасидан айрилмагани каби айрилмади. Ул зот қаерга йўл олсалар хачирлари тизгинини ушлаб олар, қаерга борсалар ёnlарида бирга борар эди... Кўпинча Росууллоҳ ғыннинг уни ортларидан хачирга мингаштириб олардилар, шунинг учун уни Родиф Росууллоҳ (Росууллоҳ ортидан мингашувчи), деб чақирардилар. Баъзан Росууллоҳ ғыннинг хачирдан тушиб, уни мингаштириб, ўzlари пиёда юрган ҳоллар ҳам бўлган.

Уқба бундай хикоя қиласи: Мадина чакалакзорларининг бир ерида Росууллоҳ ғыннинг хачирлари тизгинини ушлаб кетаётгандим. Чакалакзор қалин эди. Росууллоҳ менга «Уқба,

минмайсизми?», дедилар. Йўқ, демоқчи бўлдим, албатта, бироқ Аллоҳнинг Росулига итоатсизлик қилишдан кўрқиб, «хўп, Набияллоҳ», дедим. Ул зот хачирдан тушдилар, мен амрларига итоат қилиб миндим, ул зот пиёда кетдилар. Кейин хеч қанча вақт юрмай, хачирдан тушиб олдим, Набий ﷺ миндилар. Сўнг менга «Уқба, сизга мутлақо мисли кўрилмаган икки сурани ўргатайми?», дедилар. Мен «Албатта, ўргатинг, ё Росууллоҳ», дедим. «Бу қул аузу бироббили фалақ ва қул аузу бироббиннасдир», дедилар. Кейин намоз вақти келганди, Росууллоҳ келиб, шу икки сурани зам сура қилиб ўқидилар. Менга «Ушбу икки сурани ётганингда ҳам, турганингда ҳам, ҳар сафар ўқигин», дедилар. Мен ҳам ҳаётим сўнггиға қадар уларни ўқиши тарк қилмадим.

Дарҳақиқат, Уқба ибн Омир Жұханий бутун ғам-ташвишини икки ишга, илм олиш ва жиҳод қилишга қаратди. Бу икки иш учун бутун рухио тани билан ҳаракат қилди, улар учун ўзининг энг қимматли ва азиз нарсаларини сарф этди.

Илм бобида эса, Росууллоҳнинг тотли илм булоғидан чукур-чукур симириб, қори, муҳаддис, факих, фаразийга айланди (фаразий – фароиз илмини чукур эгаллаган киши бўлиб, бу ерда фароиз илмидан мурод мерос ва уни таксимлаш илмлариdir). Шунингдек, у адид, фасиҳ ва шоир ҳам бўлди.

Қуръони Каримни ўқишида овози ҳаммадан чиройли эди. Тун кириб, борлиқ сукунатга тўлди дегунча Аллоҳнинг Китобига борарди ва унинг очик оятларини ўқирди... Тартил билан қилган тиловатини сахобаи киромлар диллари билан тинглар, қалблари билан йиғлар эдилар, кўзларидан Аллоҳдан қўрқинч ўшлари дувдув тўкиларди.

Бир куни Умар ибн Хаттоб уни ёнига чақириб, «Менга Аллоҳнинг Китобидан ўқиб беринг Уқба», деди. Шунда у «Бош устига мўминлар амири», деди ва зикрул ҳаким оятларидан мұяссар бўлганча ўқиди... Умар йиғлади, ҳатто соқоллари хўл бўлди...

Дарвоқе, Уқба ўз кўли билан Мусҳаф ёзиб қолдирган. Бу Мусҳаф яқин асргача Мисрда «Уқба ибн Омир», деган машхур университетда сақланиб келди. Мусҳафнинг охирида «Бу Уқба ибн Омир Жұханий қаламига мансуб», деб ёзиб кўйилган эди. Уқба Мусҳафи ер юзидаги мавжуд энг қадимий мусҳафлардан саналарди. Бироқ бизнинг бебаҳо меросларимиз қатори бу мусҳаф ҳам йўқолди, биз ғафлатда қолдик.

Жиҳод бобида эса, биз учун Уқба ибн Омир Жұханийнинг Росууллоҳ ﷺ билан Ухуд ва ундан кейинги ғазотларга гувоҳ

бүлганини билишимизнинг ўзи кифоя. Зеро, у Дамашқни фатх қилишда энг оғир ва энг машаққатли синовларга дуч келган баходир қўмондонлардан бири эди. Абу Убайда ибн Жарроҳ Уқбанинг синовларга чиройли сабр қилгани учун тақдирлов сифатида, уни Умар ибн Хаттобга Дамашқнинг фатх этилгани хушхабарини айтгани жўнатди. Уқба бир жумадан кейинги жумага қадар саккиз кеча ва кундуз тўхтовсиз йўл йурди, ниҳоят, буюк фатх хабарини етказишга муваффақ бўлди.

Кейин, у Мисрни фатх қилган мусулмон лашкарлари қўмондонларидан бири бўлди. Муовия ибн Абу Суфён Уқбани Мисрга уч йил волий қилиш билан тақдирлади. Кейин уни Ўрта ер денгизидаги Родос оролига ғазот қилиш учун қўмондон қилиб юборди. Дарҳақиқат, Уқба ибн Омир Жұханийнинг жиҳодни бу қадар севишининг боиси, у Росулуллоҳ нинг жиҳод ҳақидаги ҳадисларини чин дили билан чукур ўрганган ва мусулмонларга хоссатан ривоят қилган эди. Шунингдек, Уқба моҳир камончи бўлиб, буни шу қадар севардики, ҳатто бир нарса билан овунишни истаса, албатта камон отиш билан овунарди.

Уқба ибн Омир Жұханий Мисрдалик пайтда қаттиқ бетоб бўлиб, ўлим тўшагида ётганда ўғилларини тўплаб, васият қилди: Эй ўғилларим, мен sizни уч нарсадан қайтарман, уларга маҳкам амал қилинг: Росулуллоҳ дан ишончли бўлмаган ҳадисни ҳаргиз қабул қилманг, йиртиқ чопонда қолсангиз ҳам асло қарз олманг, қалбингизни Қуръони Каримдан машғул қиласиган шеър ёзманг.

Уқба ибн Омир Жұханий вафот этди. Уни Муқаттам тоги ёнига дағн қилдилар (унча баланд бўлмаган бу тоғ жануб томондан Қоҳирагача чўзилган). Дағн қилиб, колдириб кетган нарсаларини изладилар. Қарасалар етмиштacha камон қолдирибди, ҳар бирининг ёнида от узангиси ва ёй... Мархум уларни фи сабилиллаҳ ишлатишина васият қилибди.

Қори, олим ва фозий Уқба ибн Омир Жұханийдан Аллоҳ рози бўлсин, у билан Ислом ва мусулмонларни яхшилик ила мукофотласин. □

ДОНАЛЬД ТРАМП «ЮЛДУЗЛАР УРУШИ»НИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

«Дейли телеграф»да АҚШ масалалари бўйича журналист Бен Райли-Смитнинг мақоласи нашр қилинди. Мақолада АҚШ президенти Дональд Трамп «юлдузлар уруши» лойиҳасини бошлаш билан курашни фазога кўчираётгани айтилади. Муаллифнинг ёзишича, Трамп «фазо қудрати» номи остида ракеталарга қарши мудофаа тизимини ривожлантириш дастурини бошлаш орқали фазони «курашнинг янги майдони», дея эълон қилган. Мен АҚШга қаратса отилган ҳар қандай ракетани аниқлаш ва унинг дунёнинг ҳар қандай жойида бўлса, исталган вақтда уриб тушириш мумкин бўлган радар мосламасини фазога ўрнатишни истайман, деди. Бу лойиҳанинг келаси бюджетдан молиялаштирилиши кутилмоқда. Бу мослама Пентагоннинг ракеталарга қарши мудофаа тизимиға киритишга уринаётган ўзгартишлари сирасидан ҳисобланади. Муаллифнинг фикрича, Трампнинг бу қарори совук урушни авж олдирган Рональд Рейган дастурига ўхшайди, ўшанда бу лойиҳанинг масхаралаб, «юлдузлар уруши», деб аташган эди.

Таймс газетасида нашр қилинган Майк Эванснинг таҳлилий мақоласида Қўшма Штатларнинг дунё куч мувозанатининг ўзгариши мумкинлигидан чўчиётгани айтилади. Муаллифга кўра, АҚШ президенти Хитой ва Россиядаги янги қуроллар ривожланишига жавоб сифатида, фазода ракеталарга қарши мудофаа тизими ўрнатиш лойиҳасини эълон қилгандан кейин, бугунги кунда янги қуролланиш пойгаси бошланган. Қўшма Штатлар қўлида 10та атом авиа ташувчи кема борлиги, дунёнинг барча ерларида денгиз флотлари жойлашгани, йирик пиёда кучлари мавжудлиги эътиборидан, бугун дунёда биринчи ҳарбий қудрат бўлиб турибди. Бундан ташқари, унинг мудофаа бюджети 700 миллиард доллардан ошади. «Ушбу маълумотларга қараганда, анъанавий урушда Хитой ва Россиянинг АҚШни мағлубиятга учратишини тасаввур қилиб бўлмайди, бироқ президент Трамп келгуси уруш анъанавий бўлмайди, деб ҳисобламоқда», дейди Эванс. Унинг фикрича, Хитой билан Россия доим АҚШ кучлари вазифаларини ва дунёда олиб борган ва олиб бораётган турли урушлардаги тажрибаларини кузатиб бормоқдалар. Бундан тегишли сабоқ олиб, Америка билан киришиладиган эҳтимолий урушга тайёрланишти. АҚШ хукмронлигига қарши курашиш ва уни ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий жиҳатдан мағлуб этиш учун янада кучли қуроллар яратиш йўлларини қидиришмоқда. Хитой АҚШнинг учок ташувчи кемаларини заифлаштириш мақсадида кемаларга қарши ракеталар ишлаб чиқди. Афтидан, кучлар мувозанатида гувоҳ бўлинадиган асосий ўзгариш, муаллифга кўра, икки соҳа: сунъий акллар ва товуш тезлигидан беш баробар кучли гайриоддий ракеталар бўладиган кўринади. Бу икки соҳада эса, Россия билан Хитой АҚШдан олдинда бўлиб, кўп ютукларга эришишган. Бугун Америка мана шу ракеталардан хавотирланяпти. Чунки Америка агар айни ракеталар унга қарши кўллангудек бўлса, қўлида уларга қарши мудофаа тизими йўқ.

Ал-Ваъй: Демак, кўриб турибмизки, дунёдаги йирик давлатлар оламни вайрон этиш учун бир-бирлари билан рақобатлашяпти, оламни обод этишмоқчи эмас, мустамлака қилишмоқчи. Бу давлатлар олиб бораётган урушнинг бир қисми эса, қурол синови ва уни янада кирғинбарот қилиш учун ривожлантиришдан иборат. Зотан, ваҳший капитализм цивилизацияси ҳам мана шу. Бу цивилизация шу даражада даҳшатлики, ҳатто ўзининг аҳолиси ҳам бу хавфдан омон қолмайди. Шунинг учун бутун дунёни унинг хавф-хатаридан кутқармоқ лозим. □

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ СИЁСИЙ ИСЛОМДАН БОШҚА ҲАР ҚАНДАЙ ДИНИЙ ИШЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ БЕРАДИ

«Уолл-Стрит жорнэл» газетаси Бирлашган Араб Амирликларидағи диний вазият тўғрисида мақола нашр қилди. «Араб давлатида христианлар, будпарастлар ва яхудийлар ибодат қиласи» сарлавҳали ушбу мақолада «ушбу араб бизнес мамлакати марказидаги меҳмонхонанинг тўртинчи қаватида ҳар жума куни минглаб христианларнинг икки соат ибодат қилиши ҳамда бу дунёдаги энг катта яширин черков ҳисобланishi» айтилади. Амирликларда жамоат жойларида ибодат қилиш чекланган эди. Ҳукумат ўзини «бафрикенг» қилиб кўрсатиш учун айни чекловни енгиллаштириди ва 2019 йилни «бафрикенглик ийли», деб эълон қилди. Келаси ойда папа Франциск Араб ярим оролига илк сафари чоғида Амирликларга ҳам келади. Шу боис, ҳукумат унинг зиёрати чоғида ўзини муросасоз позицияни эгаллаган қилиб кўрсатмоқчи. Папанинг зиёрат дастурига динлар ўртасидаги диалог ва 120 минг томошабин сифадиган футбол ўйингохини куришга раҳнамолик қилиш киради. Амирликларнинг файримусулмонларга бўлган бағри кенглигига намоён бўлаётган бу каби тадбирлар дин эркинлигини қадрловчи Farb давлатлари билан муносабатлар ўрнатилган ва уларнинг тили билан айтганда «исломчи фундаменталистлар»ни заифлаштириш ҳамкорликда муҳокама қилинаётган бир пайтда, ўтган йиллар мобайнида анча авж олди. Шу сабабдан Дубайдаги бир вилла ичкарисида шриланкалик, камбоджалик ва тайландлик будпарастларга хизмат қилаётган ибодатхона бор. Яширин фаолият олиб бораётган бу ибодатхонани яхудийлар ибодатхонаси раҳбарлари маълум қилишди. Бундан ташқари куриб битказилаётган ҳиндулар ибодатхонаси ҳам бор. Амирликларда 45 нафар черков бўлиб, улар 700 нафар христиан соборига хизмат қиласи. Бу юртда жума куни дам олиш куни ҳисоблангани учун ибодатлар айни шу кунда адо этилади. Биз бошқа ерларда ҳам янги-янги диний марказлар курилишини кўришни истаймиз, дейди маҳаллий диний раҳбарлар. Дубай меҳмонхоналаридаги черковлар анча йиллар олдин кўзга ташланди, чунки Амирликларда христианларнинг кўплиги сабабли мавжуд черковларда жой етмай қолганди. Бу давлат бошқа динларга бафрикенглик қиласа-да, бироқ сиёсий Исломга нисбатан унда ҳеч қандай бафрикенглик кўринмайди. Масжидлар имомларига ҳукуматнинг ўзи хутба ёзиб беради. Газетада таъкидланишича, Амирликлардаги диний бафрикенглик АҚШ ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланади ва АҚШ Ташқи ишлари мулозимлари маҳаллий диний раҳбарлар билан учрашув ўтказишади. Учрашувда қатнашган гувоҳларнинг айтишича, у ерда терроризмга қарши курашиш учун Яқин Шарқдаги диний тушунчаларни тўғрилаш мавзуси муҳокама қилинган.

Ал-Ваъй: Айтиш мумкинки, ҳамма бало Амирликлар ҳукмдорларида. Чунки Ислом ва мусулмонларга зиён етказадиган ҳар қандай нарса бўлсин, уни мана шу ҳукмдорлар ўзаро мусобақалашиб бажаришмоқда. Улар мусулмонлар бойикларини ўғирлаш билангина кифояланмай, қўлларини ҳам уларнинг қонига белаб, Farb урушида иштирок этиб келишди. Farb уруши эса, сиёсий Исломга қарши кураш, дея Исломнинг ҳокимиятга қайтишини олдини олишга қаратилган. Бугун эса – насронийлар, яхудийлар, бутпарастлар, ҳиндулар каби барча кимсаларга черков ва ибодатхоналар қуриб бериш Исломда ҳаром қилинганига қарамай – бу ҳукмдорлар айни ишларни содир этиш билан Аллоҳга қарши курашишяпти. Оиша Росууллоҳ нинг бундай деганларини ривоят қилганлар:

«**لَا يُنَزِّلُ بِخَزِيرَةِ الْعَرَبِ دِيَنَّا**»

«**Араб ярим оролида иккита дин бўлмасин**». (Имом Аҳмад ривояти).

«**لَا يُقْنَى دِيَنَّا بِأَرْضِ الْعَرَبِ**»

«**Араб заминида иккита дин қолмасин**». (Байҳақий ривояти). □